

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

№22 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазасва Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий Университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

**"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial Board of the Look to the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Жаҳон Тиллари Университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи  
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -  
Технология Институтида*

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1.Замонов Акбар Тургинович,</b> БУХОРО ХОНЛИГИ ЕР ЭГАЛИГИДА ДИНИЙ УЛАМОЛАРНИНГ ЎРНИ (Абдуллахон ҳукмронлиги даври мисолида).....	4
<b>2.Насритдинов Қобулжон Махамаджанович,</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДЕҲҚОНЧИЛИГИДАГИ МЕЛИОРАЦИЯ МУАММОЛАРИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ (XX асрнинг биринчи ярми).....	12
<b>3.Пуговкина Оксана Геннадьевна,</b> СОВЕТ ТУРКИСТОНИДА БОЛЬШЕВИКЛАР СИЁСАТИ - АРХИВ МАНБАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИНГ СОБИҚ БОЙҚАТЛАМИГА МУНОСАБАТ (XXасрнинг 1917-30-йиллари).....	17
<b>4.Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна,</b> ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.....	27
<b>5.Собирова Дилфуза Тўхтасиновна,</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ТАРИХИДАН.....	33
<b>6.Юлдашева Шахноза Эргаш қизи,</b> XIX АСР ОХИРИ -XXI АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР.....	38
<b>7.Хайитов Назар,</b> ҲОЗИРГИ КУНДА ПОКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ.....	44
<b>8.Ўтаева Феруза Холмаматовна, Жумаева Нилуфар Ахмадовна,</b> МАНГИТ ҲУКМДОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ШАХСИЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ДАВРИЙ МАТБУОТ ТАЛҚИНИДА.....	54
<b>9.Абдурасулова Дилбар Тураевна, Мажидов Акбар Файзуллаевич,</b> ЖИЗЗАХ ШАҲРИ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	62
<b>10.Жанибеков Ержан,</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАВҚЕИ.....	67
<b>11.Содикова Наргиза Абдурахмановна,</b> ЗАМОНАВИЙ ДАВРДА ФРАНЦИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	74
<b>12.Шералиев Нурали Шерали ўгли,</b> МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (Ўзбекистон мисолида).....	80

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Замонов Акбар Тургинович,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

## **БУХОРО ХОНЛИГИ ЕР ЭГАЛИГИДА ДИНИЙ УЛАМОЛАРНИНГ ЎРНИ (Абдуллахон ҳукмронлиги даври мисолида)**

---

*For citation: Akbar T.Zamonov. The role of religious scholars in land ownership of Bukhara khanate (on the example of Abdullahan's rule). 2019, vol. 22, issue 2, pp. 4-11*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-01>

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада Бухоро хонлигида XVI аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва унда диний уламоларнинг тутган ўрни, хўжалик бошқарувидаги фаолияти хусусида сўз юритилади. Шунингдек, диний уламоларнинг ер эгаллиги, моддий бойликларга эгаллик қилиши билан боғлиқ жараёнлар бирламчи манбалар ва тадқиқотчиларнинг мавзуга доир асарлари орқали таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Абдуллахон, Бухоро хонлиги, шайх, Жўйбор хожалари, ер-мулк, сув, бойлик, ҳадя, ғалла, омбор, хўжалик, сулҳ.

---

**Замонов Акбар Тургинович,**  
доцент кафедрасы "История Узбекистана",  
Национального Университета Узбекистана,  
доктор философии по историческим наукам ( PhD),

## **РОЛЬ ДУХОВЕНСТВА В ЗЕМЛЕВЛАДЕНИИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА (на примере периода правления Абдуллахана)**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается социально-политическая ситуация в Бухарском ханстве в XVI веке и роль в них и в хозяйственном управлении религиозных деятелей. К тому же рассматривается на основе источников и исследований вопрос

земельного владение со стороны религиозных деятелей.

**Ключевые слова:** Абдуллахан, Бухарское ханства, шейх, Жуйбарские ходжи, земельные владение, вода, богатство, дар, зерно, амбар, хозяйство, договор.

## THE ROLE OF RELIGIOUS SCHOLARS IN LAND OWNERSHIP OF BUKHARA KHANATE (ON THE EXAMPLE OF ABDULLAHAN'S RULE)

**Akbar T. Zamonov,**

National University of Uzbekistan  
Associate Professor of the department  
History of Uzbekistan  
Doctor of Philosophy in History

### ANNOTATION

The article discusses the socio-political situation of the second half of the 16th century in the Bukhara khanate and the role of religious scholars in economic management. In addition, the processes associated with the land ownership of religious scholars and possession of material wealths by scholars were analyzed through primary sources and thematic works by researchers.

**Keywords:** Abdullahan, Bukhara khanate, Sheikh, Jojbor Khojans, property, water, wealth, gift, grain, warehouse, household, treaty.

Барча туркий халқларда бўлгани каби шайбонийлар давлатида ҳам ҳокимият масаласи, қўшинларнинг тузилиши масалаларида одат ҳуқуқлари нисбатан устунроқ бўлган. Ушбу давлат ташкил топган дастлабки даврда унда асосан Абулхайрхон давлатининг тузилиши ҳамда анъаналари сақланиб қолинди. Ундан ташқари ер-мулк масаласида Темурийлар давлатида вужудга келган хизмат эвазига ер-мулк инъом қилиш шакллари Бухоро хонлигида ҳам қўлланилган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, бу даврда хонликда ер ҳуқуқи масалаларида: давлатга қарашли ерлар, ушр ерлари, хурри хорис ерлар, вақф ерлари, хон ва амалдорларга тегишли ерлар, қўчманчиқабилавауруғларга тегишли ерлар, суюрғолерлари, танҳо ҳамда тархонлик ерлари мавжуд бўлган [6].

Давлат ерлари деҳқонларга муддатсиз меросий фойдаланишга ижара сифатида берилган. Дарубаст сифатида мулк ва ер бериш, Абдуллахон II даврида айниқса ривожланиб, у ўзининг пирлари Хожа Ислоҳ ва унинг авлодларидан Хожа Саъдга ҳамда бошқа Жўйбор хожаларига бутун-бутун босиб олинган вилоятларни дарубаст сифатида ҳадя қилган [23, Б.83]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу мулк меросий суюрғол (ҳадя) бўлиб, у барча солиқлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзлар билан бирга ворисликка қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер ва бошқа мулклардан иборат бўлган [12].

Жўйбор хожаларининг Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Марв ва бошқа вилоятларда ката ер майдонлари бўлиб, бу мулклар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган ва барча солиқлардан озод этилган. Хонлар ва бошқа йирик амалдорлар томонидан уларга ҳадя этилган ер мулкларидан ташқари улар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг серунум яйловларига, беҳисоб подаларга, ката

шаҳарларда жойлашган ўз хунармандчилик дўконларига, савдо расталарига, тегирмонлар, ҳаммом ва карвонсаройлардан келадиган даромадларга ҳам эга бўлганлар [14, Б.127].

Мамлакатда диний уламоларнинг нуфузи ниҳоятда баланд бўлиб, ўрта асрларга оид панднома руҳидаги асарларнинг кўпчилигида ҳукмдорларнинг динуламолари олдига, уларни зиёрат қилиш учун бориши ва ўз юришларига улардан рухсат олиши ҳақида тавсиялар берилади [9]. Бухоро хонлигидаги бу ҳолат хорижий мамлакатлардан келган сайёҳ-элчилар учун ажабланарли бўлиб, Антоний Женкинсон бу хусусда шундай ҳикоя қилади: "У (хон) билан бирга Европанинг катта қисмида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор Рим Папаси каби ҳурмат қилинадиган мазкур ... мамлакатнинг буюк митрополити (шайхул-ислом), ҳамда бир неча кишидан иборат бошқа муҳим амал соҳиблари ўтирардилар. Султон ва митрополитменга бизнинг қиролликлар (Буюк Британия) хусусида, бу ердаги қонунлар ва диний эътиқодлар, шунингдек, бу мамлакатларга менинг келиб қолишимнинг сабаблари ҳамда келгусидаги режаларим ҳақида жуда кўп саволлар бердилар" [5, Б.27]. "...Бухоро митрополити, унинг ҳокимияти қирол ҳокимиятидан юқори бўлиб, мендан рус подшосининг ёрлиғини олиб қўйган бўлиб, у сиз мен ҳар қандай мамлакатда қулга айланиб қолишим ҳеч гап эмас эди" [5, Б.46]. Бундан англашиладики, Бухорода диний уламоларнинг моддий ва маънавий нуфузи ҳукмдорлар даражасида баланд мавқега эга бўлган.

Бухоро хонларининг деярли барча юришлари мамлакат шайх ул-исломининг фотиҳаси билан амалга оширилган (Бунга Абдуллахоннинг 1551 йил Хуросонга, 1553 йил Шаҳрисабзга, 1558 йил Қаршига, 1559 йил Балхга ва ҳ.к. юришларини мисол келтириш мумкин). Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳ-хоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" асарида Муҳаммад Шайбонийхон Бухорода қозоқлар устига муқаддас уруш қилишга қарор қилгани, уруш олдида Хожа Баҳауддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилгани ва бу урушга Хожа Абу Наср Порсо (вафоти 1537) ва бухоролик уламоларнинг фатво бергани ҳақида маълумотлар мавжуд [20]. Шунингдек, Абдуллахон 1551 йил баҳорида Хуросон устига юриш учун Жўйборий хожа Муҳаммад Ислом ҳузурига ташриф буюриб, дастлаб ундан рухсат олиб, ўз юришининг шариат қоидаларига мослигини асослаб беришини ва кейин эса фатво беришини сўраган [14, Б.235-236].

Диний уламоларнинг мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш, хон ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, маблағларининг ортиб бориши, сотиб олинган ёки хонлар ва султонлар томонидан ҳадя этилган ер-сувларга эга бўлишига олиб келди.

Масалан, хонликда машҳур бўлган карманалик Қосим Шайх шундай йирик тақводор мулк эгаларидан бири эди. Унинг номи Бухорода ҳам машҳур бўлиб, кейинги асрларда ҳам Бухоро шаҳрида унинг номида гўзар ва масжид бўлганлиги айрим архив ҳужжатларида келтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган XIX асрга тегишли вақф ҳужжатларида Бухорода Қосим Шайх масжиди ва унга тегишли бўлган бир қанча ер-мулкларни Ҳазратнинг Бухорода истиқомат қилаётган авлодларига меросий вақф қилиб берилиши ҳамда улардан келадиган даромадларни Бухоро подшоси амир Музаффар буйруғи билан берилган вақф ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди [21]. Мазкур ҳужжатда Қосим Шайхнинг шу даврларда Бухородаги авлодлари саналган Мир Солиҳ валад Мир Мўмин, Абдулғафур валад Абдурахмон Хўжа, мулло Хўжа Назар валад

Абдуллоларга тегишли Ширбудун мавзесидаги вақфи авлодий (таноб) ерларининг чегаралари кўрсатилган [22,Б.81]. Айрим тадқиқотларда Маржонхотин қишлоғида ҳазрат Қосим Шайхнинг 20 танобдан ортиқ экин экиладиган ерлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилган [22,Б.80].

Бухоро хонлигида, айниқса, Жўйбор хожаларининг ер-мулкининг миқдори ҳамма вақт ҳам манбаларда кўрсатилавермайди. Хожа Муҳаммад Ислоннинг омбор ва сандиқларида сақланаётган нақд сармоя ва турли-туман қимматбаҳо матолардан ташқари, Бухоро, Миёнкол, Насаф, Қорақўл, Марв ва бошқа вилоятларда 300 жуфти гов (2500 гектар) экин ерга эга бўлганлиги маълум. Бундан ташқари, 10 минг қўй, 700 от ва 500 туяси, 300 хизматкори, лочин ва шунқор каби 100 та ов қуши бор эди. Шунингдек, у Макка ва Мадина зиёрати учун 7000 ашрафий [3] танга ҳам жамғарганэди [13,Б.94].

Жўйборий хожалардан Муҳаммад Толибнинг таъкидлашича, Муҳаммад Ислоннинг ўғли ва вориси Хожа Саъднинг ундан ҳам кўпроқ ер-мулки ва моддий бойликлари бўлган. Жумладан, унинг бойликлар ҳақида шундай ҳикоя қилинади: "(У) зироат тарҳини тузиб, экин-тикин қилиб, раият ва корандаларниқидан ташқари ўзига икки минг жуфти гов хосса ер қилиб олган эди [19]. Агар ҳар бир даланинг номи келтирилса, жуда чўзилиб кетади. Умумий қилиб айтганда, Бухоро ва унинг етти тумани, Миёнкол, Нур, Самарқанд, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Кубодиён, Бадахшон, Вахш, шаҳарлар онаси Балх, доруссалта Ҳирот, Марви шоҳижаҳон, Мурғоб, Жаҳжа, Маҳна, Машҳад, бутун Хуросон мамлакати, балки Ироқ ўлкасида ҳам молу мулк ва асбоби бўлиб, Чоржўй ва Андхудда (Шимолий Афғонистон), ҳар қишлоқ ва шаҳарларда ғалланинг мўл ва баракали ҳосилини хазина-хазина, омбор-омбор қилиб қўйган эди. Бухоро вилоятида тўрт жойда омбор бор эди: бири Жўйборда, иккинчиси Саррофонда [16], учинчиси Пойиминорда ва тўртинчиси Сумитанда (Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғи). Бу омборларнинг ҳар бирида Бухоро вазни билан юз минг ман [2] ғалла бор эди. Муаззама волидасидан мерос қолган Балх амлокида биргина Ўнпайкал қишлоғида бир юз йигирма гумбаз омбор бўлиб, буғдойдан бошқа жинс [4] ғаллага тўла эди. Биёбонмонанд қора ерларда буғдойни сон-саноксиз қудуқларга жойлаб, ҳар қудуққа минг ман миқдоридаги буғдой тўлдиришарди.

... Йигирма беш минг қўй, бир ярим минг йилқи, баъзилари Қаршида, баъзилари Балхда бўлиб, хонаки отлардан хушсурат йўрға арғумоқлар, шунингдек, подада мингта туяси бор эди. Ҳазрат эшоннинг шарбатхонасида танга, рупия ва қирш (мис танга)сон-саноксиз бўлиб, газмол ва матолар той-той ва сандиқ-сандиқ пасту баландни тўлдириб ташлаган эди. Ҳар йили ҳазратнинг саркори (иш юритувчи) ўн олти лак (юз минг) танга йиғар эди"[13,Б.135-137].

Хонликда аграр соҳа хўжаликнинг бош бўғини бўлиб, сувга эгалик қилиш ва уни тақсимлашда ҳам Жўйборий хожаларнинг роли юқори бўлган. Мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида суғориш иншоотлари, кўприклар қурдирган ва ариқлар чиқарган. Шундай бунёдкорлик ишлари билан бирга, манбаларда Жўйбор шайхлари ўзларининг деярли чегараланмаган ҳокимиятлари ва хон олдидаги юксак мавқеларидан фойдаланиб, баъзан оддий деҳқонларга зўравонлик қилганликлари ҳам учрайди. Масалан, бир куни деҳқонлар Хожа Саъд уларнинг ерлари ўртасидан ариқ ўтказгани ҳақида Абдуллахонга арз қилишади. Ўша пайтда хон от устида ўтирган бўлиб, уларга: "Агар ҳазрат эшон отимнинг икки қулоғи

ўртасидан ариқ ўрказса ҳам, менинг ҳеч бир чорам йўқ", деб, яна бир вазиятдаги худди шундай арзга "Агар эшон менинг икки қошим ўртасидан ариқ қазиса ҳам чорам йўқ", деб жавоб беради [13, Б.161]. Бу ерда Муҳаммад Толиб бир оз муболаға қилиб бўлса-да ўз аждодларининг мамлакатдаги нуфузи хондан ҳам баланд бўлганлигига ишора қилади.

Ҳофиз Танишининг ёзишича, Бадахшон вилоятининг Имом мавзеси атрофларига сув чиқарилиб обод этилгач, ўзлаштирилган янги ерлардан 120 қўш, яъни 6 минг танобни Абдуллахон томонидан Хўжа Саъдга инъом қилинган [23, Б.176]. Жўйборийлардан бўлган Муҳаммад Толиб ўз отаси Хожа Тожиддин Хасан (Хожа Саъднинг ўғли) нинг 50 минг олтин ва Бухоро оғирлик ўлчов бирлигида эллик минг ман буғдойи бўлган. Шунингдек у, Жўйбор қишлоғида ўзи, опа-сингиллари ва фарзандлари учун шоҳона ҳовлилар қурдирган. Ҳар бир хонадон шарқий, ғарбий, жанубий ва шимолий ҳовлиларга бўлиниб, уларнинг рўпарасида ҳовузлари мавжуд бўлган чорбоғ, турли дарахтлар, гуллар экилган оромгоҳлар бунёд этилган [13, Б.188].

Бирор-бир йирик воқеа, масалан, янги ҳукмдорнинг тахтга ўтириши ёки янги юртлар забт этилганидан кейин амирлар ва султонлар билан бир қаторда диний уламолар ҳам тақдирланган. Чунончи, 1512 йил Убайдуллахон Ғиждувон жангидаги галабадан кейин Муҳаммад Исломга Сумитанга туташ қишлоқлардан 200 жуфти гов ер ва ўнлаб қулларни, Абдуллахон 1552 йил шайбоний Қилич Қора султонни енгиб, Насафни эгаллаганидан сўнг, Мудин қишлоғини Муҳаммад Исломга тортиқ қилган [13, Б.107, 112].

Бухоро хонлари Жўйбор хожаларига ер-сув ва қимматбаҳо ҳадялар бериш билан биргаликда, улар билан қавм-қарндошлик алоқалари ҳам ўрнатишга интилганлар. Жўйбор хожалари бирор шахсни юқори мансабга тайинлаш ёки мансабидан четлатиш каби ишларни амалга оширишда ҳам маълум таъсир доирасига эга бўлган. Шайбонийлар сулоласи вакиллари ичида Жўйбор хожаларига алоҳида эътибор қаратиш анъана сифатида шаклланиб, бу Абдуллахон даврида ҳам давом этган. Унинг ўзи чиқарган фармон ва ёрлиқларида Жўйбор хожаларига қарашли мулклардан солиқ ва йиғимлар олмаслик масалаларига оид архив хужжатлари буни тасдиқлайди [21].

Жўйбор хожаларининг, хусусан, мамлакатда катта нуфузга эга бўлган - Муҳаммад Ислом, Хожа Саъд ва Тожиддин Хасан хожалар бойликларининг ортиши омилларидан яна бири - улар барча солиқлардан озод этилган эдилар. Бу имтиёз олий ва маҳаллий ҳукмдорларнинг фармонлари билан тасдиқланган. Жумладан, Абдуллахоннинг 1572 йилда чиқарган бир фармонида шундай дейилади: "Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз! Ушбу халифатпаноҳ хонадонга насиб қилгон барча бахту иқбол олий ҳазратларининг (Хожа Саъднинг) эзгу ниятлари ва мададлари туфайлигина амалга ошди. Шу важҳдан ҳам, олий ҳазратларининг ушбу алоҳада ва олийҳиммат мурувватларига миннатдорчилигимиз рамзида ул зотнинг барча сўзу мулоҳазаларини ўзимиз учун қонун деб биламиз. Ушбу фармон берилишидан мақсад шулким, эндиликда маълум бўлдимки, Марви шоҳижаҳон вилоятида жойлашган мулк ва суюрғол тариқасидаги қишлоқлар, наҳрлар, экинзорлар олий даражали ... хожа Калонга мерос мулкдир. Бизнинг равшан фикримиз ул олий ҳазратларининг экинзорлари ва бошқа мулклари тўғрисида қайғуриш билан банд экан, буюрамизки, мазкур қишлоқлар, наҳрлар ва экинзорлар ул олий ҳазратнинг мулк ва суюрғоллари деб эълон қилиниб, молу-жиҳот [10], муқаррарий [11],



ихрожат [7], коҳ [8], тарҳ [18], собун [17] ва бошқа турдаги солиқ ва мажбуриятлар хусусида ул табаррук зотни безовта қилмасинлар, улардан ҳеч нарса талаб этилмасин, уларнинг раиятлари бошқа жойга қўчирилмасин, улардан ёбисот (ташландиқ ер) талаб қилинмасин" [1], дейилади.

Хожалар авлодига мансуб Муҳаммад Толиб томонидан ҳам Хожа Тожиддиннинг Бухоро вилояти ва туманларида жойлашган 20 минг таноб атрофидаги ер-мулкларидан солиқ олмаслик ҳақидаги фармон мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумот келтирилади [13, Б.189].

Жўйбор хожалар XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва унинг атрофида, шунингдек, Мовароуннаҳрнинг кўпгина бошқа шаҳарларида жуда катта бинокорлик ишларини амалга оширадilar. Масалан, Бухоронинг Жўйбор маҳалласида, Чашмаи Аюб, Қафшфурушон бозори, Дурунишаҳр Чорсуси, Саҳар (Калон минори), Сумитон, Гиждувон, Қорақўл, Оҳугир тумани, Тотканд (Миёнкол) ва Чоржўйда ўн битта ҳаммом, карвон йўллари кесиб ўтган чўлларда ўнта сардоба ҳамда Бухоронинг Саррофон гузари ва Дурунишаҳр чорсусида иккита карвонсарой қурдирадilar [15, Б.127].

Жўйбор хожалар томонидан 1569-1570 йилларда Бухорода Мавлоно Абдулвоҳид жоме масжиди, 1571-1572 йиллар Сомонжўда, 1580-1581 йилларда Тоткандда жоме масжиди бино қилинади. Шу билан бирга, 1573 йилда Косондаги Хўжа Аҳроп, 1578 йил Қорақўлдаги Модари Муҳаммадёр султон ва Занданидаги жоме масжидлари, 1582 йилда Бухородаги Абдулазизхон, 1583 йилда Марвдаги Мир Алишер, 1584 йилда Сожмин қишлоғидаги, 1585 йилда Бухородаги Модари Абдуллахон, 1588 йилда эса Сумитон жоме масжидлари ҳамда Қизил Арслонхон мадрасаси таъмир этилади [15, Б.127].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида диний уламоларнинг воситачилик ва мурасосозлик фаолияти туфайли кўп ҳолларда ҳукмдорлар ўртасида ўзаро келишув сулҳлари тузилган, натижада кераксиз урушлар ва ортиқча қон тўкилишларининг олди олинган. Шунингдек, улар шаҳзодалар ўртасидаги тахт талашларга ҳам аралашиб, мустаҳкам сиёсий куч сифатида масалани ўз томонига оғдирганлар. Ушбуларнинг эвазига уларнинг мамлакатдаги моддий ва маънавий нуфузи ортиб борган ҳамда шу орқали сиёсий қудратга ҳам эга бўлганлар. Диний уламолар Бухоро хонлиги ташкил топган пайтдан бошлаб XIX аср ўрталарига қадар хонлик ижтимоий табақалари орасида ўзининг мустаҳкам ўрнини сақлаб қолди.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Б. 31-32. Яна қаранг: Саидахмедов И. Шайбонийлар фармонлари муҳим ҳуқуқий манба // Ҳуқуқ Право Law. - 2004. - № 2.(26)-сон.; Қандаҳаров. А. Бухоро хонлиги ва унда Карманалик шайхлар фаолияти. -Т.: Тафаккур қаноти. 2018. - Б. 33.(Ahmedov B. Lessons from history. - В. 31-32. See also Saidahmedov I. Shaybanids Decrees Important Legal Source // Law Pravo Law. - 2004. - No. 2. (26); Kandaharov. A. The activities of the Bukhara khanate and the Sheikhs of Karman in it. -Т: Thinking wing. 2018. - P.33.)

2. Бухоро вазни бўйича бир ман 24 кг га тенг (One man weighs 24 kg by weight).

3. Бухорода зарб этилган олтин олтин танга. Вазни бир мисқол, яъни 4,8 грамм оғирликдаги соф олтиндан иборат. Бир ашрафий 19 та кумуш тангага тенг бўлган

(Gold coin of gold in Bukhara Weight is one mithqal, which is 4.8 grams of pure gold. One Ashrafi was equal to 19 silver coins).

4. Буғдойдан бошқа дон маҳсулотлари назарда тутилган (Cereals other than wheat).

5. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бақтриядаги Бухоро шахригача 1558 йилги саёҳат. / Рус тилидан таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Б.Аминов ва А.Замонов. -Т.: Баёз, 2017. (Jenkinson A. 1558 Journey from Moscow to Bactria in Moscow. / Translations, Introduction, Comments and Indicators from Russian V.Aminov and A.Zamonov. -T.: Bayoz, 2017)

6. История Узбекистана (XVI-первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв.ред.Алимова Д.А. - Ташкент: Фан, 2012. - С. 23.(Istoriya Uzbekistana (XVI-перваяполовинаXIX в.). Author's Collective. Otv.red.Alimova D.A. - Tashkent: Science, 2012. - P. 23.)

7. Ихрожат - давлат хизматчиларининг маоши ва давлат муассасаларининг сарф-ҳаражатлари учун йиғиладиган солиқ. (Expense is the tax that is collected for the salaries of civil servants and the expenses of public institutions).

8. Кох-ем-хашак солиғи, қўшин учун зарур пичан тайёрлаш мажбурияти. (Cox is a fodder tax, an obligation to make hay for the army).

9. Мавлоно Муҳаммад Қози. Хукмдорларга ўғитлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: тарих фанлари доктори А.Ўринбоев, таржимон Ф.Каримий. - Т.: Шарқ, 1999. - Б 15; Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1997. - Б. 272.(Mavlono Muhammad Qadi. Author's Guide / Publisher Preface, Author of Commentary: Doctor of Historical Sciences A. Urinboev, Translator G.Karimi. - T.: East, 1999. - B 15; Hodja Samandar Termezi. Program ul-muluk / Translations from Persian-Tajik, by the author, comments by J.Esonov. - T.: Literature and Art, 1997. - P. 272).

10. Молужиҳод - маҳсулотванақдпулбиланолинадиганерсолиғи (Jihad is the land tax on goods and cash).

11. Муқаррарий - аниқ ёки бевосита солиқ (Inevitably - direct or indirect tax).

12. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. - Т.: Адолат, 2007. - Б. 38.(Mukimov Z. State and rights of Sheibanians. - T.: Justice, 2007. - P. 38).

13. Муҳаммад Толиб. Матлабут-толибин / Ўзбек тилига таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ф.Каримий, Э.Миркомиллов. -Т.:Мовароуннаҳр, 2016. (Muhammad Talib. Matlab ut-tlibin / Translations, Preface and Commentary to Uzbek by G.Karimi, E.Mirkomilov.-T.: Movarounnahr, 2016).

14. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххирал-билод. / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. - Т.: Шарқ, - Тошкент: Янги аср авлоди, 2009 (Muhammadyor ibn Arab Qataghan.Musahhir al-Bilad. / Translations, Comments and Indicators from Persian by I.Bekjanov, D.Sangirova. - T.: East, - Tashkent: The New Generation, 2009).

15. Муҳаммаджонова А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. - Т.: ЎзССР "Фан" нашриёти, 1972. - Б. 127 (Muhammadjonov A.The history of irrigation in the Lower Zarafshan Valley. - T.: Publishing house "Science" of the Uzbek SSR, 1972. - P.127).

16. Саррофлар тоқи. Бухоронинг бош савдо тоқларидан бири. Унинг яқинида жўйборийларга тегишли омбор, карвонсаройлар бўлган. "Карвонбоши" номли

карвонсарой биноси ҳозиргача сақланиб қолган.(Watches of money.It is one of the main trading hills in Bukhara. Nearby was a barn and a caravanserai belonging to the tributaries. The caravan-caravanserai building is still preserved).

17. Собун (собон) - қадимий туркча сўз; "ер ҳайдаш", "ҳўкиз қўшиб ер ҳайдаш", аҳолини мажбурий равишда ер ҳайдашга сафарбар этиш. "Ҳашар" маъносига ўхшаш. (Soap (sobon) is an ancient Turkish word; "Plowing", "plowing with oxen", forcing the population to plow. Similar to the meaning of "hashar").

18. Тарх - давлат омборидаги дон ва бошқа молларнинг аҳоли томонидан юқори нархда мажбурий равишда харид қилиниши; деҳқонларнинг эса ўз маҳсулотларини паст баҳода давлатга сотиши. (Tarh - compulsory purchase of grain and other goods from the public warehouse at a high price by the population; and farmers sell their produce to the state at low prices).

19. Таққослаш учун, отаси Муҳаммад исломда 300 жуфти гов ер бўлган.(By comparison, his father Muhammad had about 300 couples in cow).

20. Фазлаллах ибн Рузбехон Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. - М.: Наука, 1976. - С. 63, 64, 103, 104. (Fadlallah ibn Ruzbe Khan Isfahani.Mixman-nama-Bukhara (Zapiski Bukharskogo Gostya) / Perevod, predation and primechaniya R.P.Jalilovoy.- М.: Nauka, 1976. -P. 63, 64, 103, 104).

21. ЎМА. Фонд.И-323, инв. №1200. Рўйхат №1.(NA of Uzbekistan.Fond.I-323, inv. No. 1200.List No.1).

22. Қандаҳаров. А. Бухоро хонлиги ва унда Карманалик шайхлар фаолияти. -Т.: Тафаккур қаноти. 2018.(Kandaharov. A. The activities of the Bukhara khanate and the Sheikhs of Karman in it. - Т.: Thinking wing. 2018).


23. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом (Шарофномаи шоҳий). / Форс тилидан С.Мирзаев ва Ю.Ҳакимжонов таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. - Т.: Шарқ, 2-китоб, 2000. (Hafiz Tanish Bukhari. Abdullanoma (Sharofnomai royal). / Translation by S. Mirzaev and Y. Hakimjonov from Persian. Scientific editor, publisher, preface and commentator B.Ahmedov. - Т.: East, 2nd ed., 2000).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Насритдинов Қобулжон Махамаджанович,  
Тошкент давлат аграр университети  
Андижон филиали Гуманитар фанлар кафедраси  
доценти, тарих фанлари номзоди

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДЕҲҚОНЧИЛИГИДАГИ МЕЛИОРАЦИЯ МУАММОЛАРИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ (XX асрнинг биринчи ярми)

*For citation:* Kabuljon M. Nasritdinov. Melioration problems in the Ferghana valley agriculture: history and analysis (first half of 20th century). 2019, vol.22, issue 2, pp. 12-16

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-02>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада илимий-тарихий адабиётлар асосида XX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийси суғорма деҳқончилиги соҳасида совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар жумладан ер юзасига яқин бўлган сизот сувлари сатҳини пасайтириш ва деҳқончилик экин майдонлари тупроқларини унумдорлигини ошириш борасида бунёд этилган сув ташламаларини қурилиши тарихи илмий таҳлил қилиб берилган.

**Калит сўзлар:** суғорма деҳқончилик, сув ташламаси, мелиорация, ирригация, зовурсиз суғориш, Фарғона водийси, сой, канал, сизот сув, тупроқ унумдорлиги, акведук, сув тўғони.

Насритдинов Кабулжон Махамаджанович,  
кандидат исторических наук, доцент  
кафедры Гуманитарных наук  
Андижанского филиала Ташкентского  
государственного аграрного университета

## ПРОБЛЕМЫ МЕЛИОРАЦИИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ: ИСТОРИЯ И АНАЛИЗ(ПЕРВАЯ ПОЛОВИНА 20-ГО ВЕКА)

**АННОТАЦИЯ**

Статья на основе на научно-исторической литературы научно анализируется деятельность советских правительственных органов по развитию орошаемого земледелия, а также проблемы мелиорации, история строительства водосбросов способствующей снизить уровень грунтовых вод в Ферганской долине 30 годы XX века.

**Ключевые слова:** орошаемое земледелие, водосброс, мелиорация, ирригация, безколлеторное орошение, Ферганская долина, сай, канал, подземные воды, плодородие почвы, акведук, водная плотина.

**Kabuljon M.Nasritdinov,**  
Candidate of Historical Sciences,  
Associate Professor of the Department  
of Humanitarian Sciences of the  
Andijan Branch of Tashkent State Agrarian University

**MELIORATION PROBLEMS IN THE FERGHANA VALLEY  
AGRICULTURE: HISTORY AND ANALYSIS(FIRST HALF OF  
20TH CENTURY)****ANNOTATION**

Based on scientific and historical literature, the article scientifically analyzes the activities of Soviet government bodies on the development of irrigated agriculture, as well as the problems of land reclamation, the history of the construction of spillways that can reduce groundwater levels in the Ferghana Valley during the 30 years of the twentieth century.

**Key words:** irrigated agriculture, spillway, land reclamation, irrigation, brushless irrigation, Ferghana Valley, sai, canal, groundwater, soil fertility, aqueduct, water dam.

**Ф**арғона водийсининг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда қадимдан суғорма деҳқончилик ўзига хос "веер"- "панжа отган" шаклда интенсив тарзда тараққий этган[1,Б.22].

Бу ҳолат XX асрнинг 30 йилларида ҳам жадал суръатларда ривожланди. 1933 йили Совет ҳукуматининг махсус топшириғига асосан Фарғона водийсини суғориш бўйича бош ишчи режаси ишлаб чиқилди. Бунга кўра водийда кенг кўламда лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишлари амалга оширила бошланди. Режага кўра, Чотқол, Фарғона, Олой, Қурама ва Туркистон тоғ тизмаларидан бош олувчи дарёларнинг сувларини тартибга солиш ва уларнинг сувларидан қишлоқ хўжалигида имкон қадар кўпроқ фойдаланиш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунинг учун 280 километрли Катта Фарғона канали, 160 километрли Шимолий Фарғона канали, 120 километрли Жанубий Фарғона канали ҳамда Сариқжўга, Ёзёвон, Файзобод, Боғдод, Сўх-Исфара сув ташламаларини қуриш эвазига 200 минг гектар Марказий Фарғонанинг қўриқ ерларини ўзлаштириш режалаштирилди[2,Б.163].

30 йилларнинг бошларида совет ҳокимиятини қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ниқоби остида водийдаги ирригация қурилиши соҳасида ўз олдига ўлкани табиий бойликларини қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган сиёсатни амалга ошириш борасидаги илк чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу даврда бузилиб ётган, бутунлай ишдан чиққан суғориш тармоқлари каналлар ва ариқлар қайта қурилиб, таъмирланиб ишга туширилди. Янги ариқ канали ва Розенбах ариғида бош тўғонлар қурилди. Косонсой, Ғовосой, Чортоқсой, Подшоотасой системаларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Учқўрғон чўлида янги суғориш тармоқлари барпо этилди. Бу амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси Фарғона водийсида экин майдонларини кенгайтиришга имкон берди. Масалан, Фарғона водийсининг биргина Наманган воҳасида 1915 йилда 82 минг гектар ер суғоришда фойдаланилган бўлса, 1934 йилда 129 минг гектар ер суғорилиб, деҳқончиликда ишлатилди. Бу ерларнинг қарийб 65,5 минг гектарига ўзлаштирилган йилдан бошлаб пахта экилди[3,Б.33].

Тадқиқ қилинаётган даврда Фарғона водийси суғорма деҳқончилигидаги энг долзарб масалалардан бири бу ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласи эди, чунки бу даврда экинларни тўйинтириб суғориш усулини деҳқончиликда қўлланилиши натижасида ҳамда 30-йилларнинг бошларида бутун ўлкада жумладан, Фарғона водийсида қўлланилган "зовурсиз" суғориш усулини жорий этилиши водийнинг марказ қисмида ер ости сувларининг сатҳи кескин қўтарилиб кетган эди. Юқорида зикр этилган усулга кўра, деҳқончилик майдонларига зовур системаларини қуришга ҳеч ҳожат йўқ деган ғоя илгари сурилган. Бу назария тарафдорларининг фикрича, суғоришдаги ташкилий тадбирлар ва агротехник чораларнинг ўзи мелиорация муаммоларини ҳал қилади. Бундай фикрнинг пайдо бўлишига албатта, объектив сабаблар ҳам бор эди. Биринчидан, янги ўзлаштирилган ерлар ўзларининг табиий хусусиятига кўра 4-5 йил яхши ҳосил бериш қудратига эга бўлади. Иккинчидан, совет ҳукумати иқтисодий тараққиётни экстенсив йўлини танлаган бўлиб, бу усулга кўра, вақтинча бўлса ҳам нисбатан юқори самарадорликка эришишга имкон берган. Бу йўл билан экин майдонлари миқдор жиҳатидан кенгайиб умумий ҳосил миқдори ҳам ўсган. Фарғона водийсидаги мавжуд мелиоратив иншоотларнинг миқдор жиҳатдан озлиги ва улар асосан саёз зовурлардан иборат бўлганлиги мелиорация соҳасидаги муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон бермасди. Мавжуд саёз зовурлар фақат зах қочириш, ортиқча сувларни чиқариш функцияларинигина бажарган, холос. Деҳқончиликда ишлатилиб, сурункали пахта экилган жойларда бу даврда илк бор оммавий шўрлашиш жараёни кузатила бошланди. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Фарғона водийси қадимдан ўзига хос панжаотган (веер) суғориш усулига эга бўлган. Шунга кўра, бу даврда ҳам водий деҳқончилиги қуйидаги хусусиятлар билан ажраб турган. Биринчидан, деҳқончилик ер майдонлари ҳажми асосан 0,5-0,8 гектарни ташкил қилиб, улар чор атрофдан ариқлар билан ўралган. Бу ариқлар суғориш, сув ташламалар вазифасини бажарган. Иккинчидан, деҳқончилик ерларнинг ҳажмини кичиклиги ерга бўлган талабни юқорилигига ҳамда якка тартибда хўжалик юритувчи деҳқонлар эҳтиёжи учун мос келган.

Тадқиқ қилинаётган даврда яъни 1935 йилдан сўнг бу ер майдонлари мажбурий суръатда советларнинг маҳаллий ҳукумати томонидан кенгайтирилиб, уларнинг ҳажми 3,5-13,7 гектарга етказилган[4,Б.31].

Бу тадбир натижасида мустабид тузум якка хўжаликлар ўрнига жамоа хўжаликларини ташкил этишга уларни иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга

уринган бўлса, ўша давр нуқтаи назаридан олиб қаралганда, техника, мутахассис кадрларни, аввало, марказий ҳукумат томонидан ажратиладиган маблағларнинг йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳолат ҳосилдор ерларнинг унумдорлигини пасайишига, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига тўғридан-тўғри замин яратишнинг ўзгинаси эди.

Тан олиш лозимки, бу даврда амалга оширилган ишлардаги юқорида зикр этилган камчиликларни бартараф этиш хусусида бир неча қарорлар қабул қилинган ва тадбирлар ҳам амалга оширилган. Жумладан, иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРнинг ер ишлари халқ комиссарлигининг 1936 йили октябрь ойида қабул қилган қароридан сўнг экинларни бостириб суғориш усулидан воз кечилди. Қарорда, дренаж ва зовурларни қуриш ишларига биринчи даражали вазифа деб қаралди. Шунинг учун ҳам эски зовурларни тиклаш ва тозалаш барча қишлоқ хўжалик районларидаги ижроия қўмита ва колхоз раислари, МТС директорлари, сув хўжалик ходимларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қайд этилди.

30-йилларнинг биринчи ярмида чала мелиоратив иншоотларсиз қишлоқ хўжалик таркибига киритилган ерларнинг фойдаланишдаги йўл қўйилган хатолари туфайли, кўплаб ерлар ишдан чиққан экологик шароит ёмонлашган, ерлар ботқоқлашиб, шўрлашган, қамишзорлар ва тўқайлар вужудга келган. Натижада, Ўзбекистоннинг Бухоро воҳасида, Фарғона водийсида безгак ва бошқа юқумли касалликларни тарқалиши кучайган.

Иккинчи беш йилликнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистон ҳукумати Марказий Фарғона ерларидаги мелиоратив ҳолатни таҳлил этиб, ерларни зах ва сизот сувларидан тозалаш ишларини амалга ошира бошлади. Фарғона водийсида Сарисув коллекторлар системасини қуриш режаси ишлаб чиқилди. Бу режани амалга ошириш учун 1934 йили Асака ташламаси қурила бошланди. Бу ташламани қуриш билан водийнинг Шаҳрихонсой, Оқбўра, Аравон суғориш тармоқларидаги қишки, кузги ва баҳор ойларидаги ёгингарчилик мавсумидаги ортиқча сувлар Қорадарёга оқизилиб, Марказий Фарғонанинг шимоли-шарқий ҳудудидаги ер ости сувларининг сатҳини пасайтиришга имконият яратилди. Бу ташламани қуриш 1936 йили тугалланди[2,Б.161-162].

Бу даврда суғорма деҳқончилик соҳасида тупроқ таркибини яхшилашни "қуруқ" дренаж ҳисобига, яъни атрофдаги экин экилмаган ерларда ер ости сувларини буғлатиш йўли билан амалга ошириш усули кенг қўлланилган. Ердан фойдаланиш коэффициентиининг тобора ошиб боргани сари (атрофдаги экин экилмаган ерларнинг миқдорини камайиши туфайли) бу мелиоратив тадбирнинг самараси ҳам кескин камайди ва оқибатда, Фарғона водийсининг экин майдонларида ер ости сувларининг қайта кўтарилиши, ерларнинг шўрланиш ва зах босиш жараёни кучайди.

Мавжуд манбаларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида 1940 йилгача деҳқончилик қилинган, суғорилган ерларда асосан зовурсиз ёки унча чуқур бўлмаган (захни қочириш учун мўлжалланган ариқлар) кичик ариқлар қурилган. Уларнинг миқдори ва ҳажми шўрхок ерларнинг мелиоратив ҳолатини тўла яхшилашга имкон бермаган. Оқибатда, ерларнинг мелиоратив ҳолати оммавий суратда ёмонлашган. Маҳаллий совет ҳукуматининг мутасадди ташкилотлари шўр ерларни шўрдан тозалаш мақсадида ерларга шоли экиш миқдорини кенгайтиришни тавсия этди. Натижада, суғориш ва мелиоратив иншоотларини қуриш орасидаги мутаносиблик вужудга келди. Экин майдонлардаги ортиқча ташлама сувларни

коллектор ва дренажларга оқизилиши туфайли, уларнинг унумдорлиги пасайди. Ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида янги дренажлар қозиш ва мавжуд коллектор зовурларни тозалаш ишларига етарли эътибор берилмаганлиги, ишлатилинаётганларида эса назорат ўрнатилмаганлиги туфайли улардаги ишлар қониқарсиз олиб борилди, лекин, бу даврда мустабид тузумнинг соҳада йўл қўйган хато ва камчиликларига қарамасдан, Фарғона водийсида яшовчи халқларнинг меҳнати туфайли катта ва кичик ҳажмдаги ирригация иншоотлари қурилиб, янги ерлар ўзлаштирилди.

### **Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати**

1. Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX асрнинг иккинчи-XX асрнинг биринчи ярми). - Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. - Б.224. (Nasritdinov Q. Irrigation of the Fergana Valley (the second half of the 19th - the first half of the 20th centuries). - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2009. - P.224.)
2. Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане. - Тошкент: Фан, 1967. - С.173. (Mamedov A.M. Development of irrigation in Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1967. - P.173.)
3. Краткая история развития орошения на территории Наманганской области по архивным данным обл водхоза. - Ташкент: 1967. - С.56. (A brief history of the development of irrigation in the territory of the Namangan region according to archival data of the regional water administration. - Tashkent: 1967. - P.56.)
4. Ризаев Р., Маннонов Н.М. Край белого золота. - Тошкент: Узбекистан, 1964. - С.68. (Rizaev R., Mannonov N.M. The edge of white gold. - Tashkent: Uzbekistan, 1964. - P.68.)




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Пуговкина Оксана Геннадьевна,  
ЎзФАТарих институти катта илмий ходими,  
Тарих фанлари номзоди

## СОВЕТ ТУРКИСТОНИДА БОЛЬШЕВИКЛАР СИЁСАТИ - АРХИВ МАНБАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИНГ СОБИҚ БОЙ ҚАТЛАМИГА МУНОСАБАТ (XXасрнинг 1917-30-йиллари)

*For citation: Oksana G. Pugovkina. The bolsheviks' politics in soviet Turkestan and Uzbekistan in relation to the former privileged stratum of society (1917-30s of the 20-th century) in archival sources. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 17-26*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-03>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда 1917-1930 йилларида олиб борган сиёсати тарихи совет даврининг дастлабки йилларига оид архив манбалари асосида ёритиб берилган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг жамиятнинг собиқ бой қатламига нисбатан муносабатини ўзида акс эттирган Туркистон ва Ўзбекистоннинг совет конституциялари ҳам тадқиқот доирасига тортилган.

**Калит сўзлар:** архив манбалари, архив, тарих, Совет Туркистони, совет конституциялари, "собиқ" бой қатлами, 1917-1930 йиллар

Пуговкина Оксана Геннадьевна,  
старший научный сотрудник,  
кандидат исторических наук  
Институт истории АН РУз

## ПОЛИТИКА БОЛЬШЕВИКОВ В СОВЕТСКОМ ТУРКЕСТАНЕ- УЗБЕКИСТАНЕ В ОТНОШЕНИИ БЫВШИХ ПРИВИЛЕГИРОВАННЫХ СЛОЕВ ОБЩЕСТВА (1917-30-е годы XX в.) В АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКАХ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе привлечения широкого круга архивных источников

раннесоветского периода воссоздана история политики советской власти в Узбекистане в 1917-1930 гг. Кроме того, к исследованию были привлечены и советские конституции Туркестана и Узбекистана, в которых нашло отражение отношение советской власти к бывшим привилегированным слоям туркестанского общества.

**Ключевые слова:** архивные источники, архив, история, советский Туркестан-Узбекистан, советская политика, 1917-1930 гг., конституции, "бывшие люди".

**Oksana G. Pugovkina,**

senior Researcher, candidate of historical sciences  
Institute of History, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

## THE BOLSHEVIKS' POLITICS IN SOVIET TURKESTAN AND UZBEKISTAN IN RELATION TO THE FORMER PRIVILEGED STRATUM OF SOCIETY (1917-30s of the 20-th century) IN ARCHIVAL SOURCES

### ANNOTATION

In this article there have been reconstructed the history of the politics of Soviet government in Uzbekistan in 1917-1930-ies basing on a wide range of archival sources of the early Soviet period. In addition, there were used the Soviet constitutions of Turkestan and Uzbekistan in the study, which had reflected the attitude of the Soviet government towards the former privileged stratum of Turkestan society.

**Key words:** archival sources, archive, the History, Soviet Turkestan and Uzbekistan, the Soviet government, 1917-1930-ies, Soviet constitutions, "former people"

История политики большевиков в Советском Туркестане-Узбекистане в отношении бывших привилегированных слоев туркестанского общества (1917-30-е годы XX в.) - это проблема малоисследованная как в современной исторической науке Узбекистана, так и историографии, и источниковедении.

1917-1920 гг. в истории советского Туркестана были отмечены активной борьбой за установление власти большевиков, начавшейся Гражданской войной, отрезанность края от центра. Анализ источников показывает, что первые годы установления новой власти были отмечены в том числе и попытками выстраивания отношений между советской властью и оставшимися "бывшими" привилегированными слоями туркестанского общества. На первом этапе в Туркестане руководствовались принятыми в ноябре 1917 года СНК Петрограда важнейшими документами, декларировавшими всеобщее равноправие, как наций, так и отдельных граждан [1].

В частности, 2 ноября 1917 года была опубликована "Декларация прав народов России"[2], которой объявлялось "полное равноправие всех национальностей России". В Обращении СНК "Ко всем трудящимся мусульманам Востока" указывалось, что: "отныне Ваши верования и обычаи, ваши национальные и культурные учреждения объявляются свободными и неприкосновенными. Устраивайте свою национальную жизнь свободно и беспрепятственно"[3].

23 ноября 1917 г. был объявлен "Декрет об уничтожении сословий и гражданских чинов". Согласно нему все существующие ранее сословия и сословное деление граждан, сословные привилегии, сословные организации и учреждения, а равно и все гражданские чины упразднились. Статья 2 данного документа гласила, что "Всеякие звания - дворянина, купца, мещанина, крестьянина, титулы - княжеские, графские и наименование гражданских чинов - тайных, статских и прочие советники уничтожаются и устанавливается общее для всего населения России (наименование) - граждан Российской республики", а в отношении имущества указанных сословных обществ предлагалась их немедленное изъятие и передача местным органам власти[4]. Таким образом, данным документом, бывшие привилегированные слои общества лишались не только своих родовых титулов, но и части имущества. Российский исследователь Т.М. Смирнова, изучившая существование данной социальной категории на примере советской России отмечает, что новая власть не установила четких границ их социального пространства: "на практике категория эксплуататор практически не имела границ, охватывая крайне пестрый конгломерат различных классов, слоев, групп населения, существенно отличающихся по своему отношению к власти, по уровню доходов и способу их получения, по политическим убеждениям, культурным традициям и уровню образования. Со временем, понятие эксплуататор практически вышло из употребления, став атрибутом дореволюционного общества. На смену пришли - "враждебные классы", "остатки старого умирающего мира", "социально чуждые элементы", "чуждые", "бывшие люди". Выражение "бывшие" само говорит за себя. Не бывшие помещики, чиновники и предприниматели. Именно "бывшие люди". Очень удобная формулировка, не содержащая никаких идентификационных критериев и очень точно характеризующая положение представителей данного социума в советском государстве"[5]. Но формулировка "бывшие" "придет" в Туркестан немного позже, а пока в официальных документах употреблялось "эксплуататорские классы", либо сочетания слов, носящих явно негативный характер. Примером тому может служить "Декларация прав трудящегося и эксплуатируемого народа", принятая 12 (25) января 1918 года на III Всероссийском съезде советов рабочих и солдатских депутатов. В ней отмечалось, что в "целях уничтожения паразитических слоев общества (подчеркнуто нами - О.П.) и организации вводится всеобщая трудовая повинность. В тоже время, третий всероссийский съезд советов полагал, что в момент решительной борьбы с эксплуататорами не может быть места им ни в одном из органов власти"[6]. После опубликования данного документа, в "Нашей газете" была помещена статья, в которой автор, по-видимому, на волне борьбы с эксплуататорскими классами и с учетом местной специфики, призвал бороться с "белой костью в довольно резких выражениях и характеристиках. В частности, отмечалось, что "пусть люди "белой кости" осмеливаются презрительно морщиться. Их тупость походит на тупость французской буржуазии 1871 г., а эти малоизвестные, подчас серые люди (по-видимому, имелись в виду победители Октября - О.П.), иногда ошибаясь, имея недостатки, все же ведут своё великое дело. Доля "белой кости" и их подголосков - доля комка грязи, отвратительной кровавой кляксы на странице истории"[7].

В первые месяцы после революции советская власть определила также своё отношение и к бывшим офицерам царской армии. Первым шагом в этом вопросе

явился приказ от 2 декабря 1917 года, которым подтверждалось упразднение всех чинов и званий в армии, всех преимуществ, титулований, орденов и других знаков отличия и всех отдельных офицерских организаций[8]. В 1918 году все указанные выше законоположения легли в основу "Декрета об уравнивании всех военнослужащих в правах" (приказ вступил в силу с 1 января 1918 года), который можно считать окончательным решением вопроса в отношении ликвидации "неравенства" в армии[9]. В отношении бывшего офицерства в советском официальном дискурсе 20-30- годов XX в. была выработана собственная терминология. Так, бывшее царское офицерство именовалось как "бывшие офицеры" или "бывшие офицеры старой армии", а часть офицеров, воюющая против большевиков и перешедшая на сторону белой гвардии, либо влившаяся в ряды вооруженной оппозиции Туркестана - "бывшие белые офицеры". Таким образом, советская власть завершила политику "демократизации" в армии, основы которой были заложены после февраля 1917 года, ликвидировав все прежние чины, звания и привилегии.

В первые месяцы после переворота, большевистская власть пыталась избавиться не только от неугодных и вредных людей, но от всего того, что хоть каким-то образом было связано с прежней властью, образом жизни, одеждой, мебелью. Так, например, обстояло дело с запретом кройки, пошива "старой" одежды и шитья белья, предметов обмундирования и "немедленном переходе к переделке старого обмундирования и ...предоставить срочно образцы новой гражданской одежды защитного цвета"[10].

Следующим важным шагом большевистских властей в отношении "бывших" Туркестана, стал Приказ № 94 от 9 сентября 1918 года, где впервые был поднят вопрос о "точной регистрации буржуазных и контрреволюционных слоев населения". Примечательно, что переписи должен был подвергнуться "широкий" состав населения, который трудно идентифицировать социально: буржуазия, контрреволюционные элементы, представители правого направления в партии, бывшие офицеры (уже названные белогвардейскими), спекулянты. Таким образом, у советской администрации Туркестана не было четко сформулированного понятия, кто из "бывших" есть "враги", поэтому оно носило широкий и размытый характер, но включенные в данный список категории могли представлять, по мнению большевиков, угрозу новой власти.

Считалось, что важным шагом в деле укрепления новой власти станет ликвидация и прежних "идеологических рупоров" власти. Именно этим можно мотивировать закрытие газеты "Туркестанские ведомости" в декабре 1917 года[11], с конфискацией всего принадлежащего ей имущества, с мотивацией "за нарушение декрета о печати рабочего и крестьянского правительства", за публикацию статей, призывающих к сопротивлению и ниспровержению советского правительства, в извращении фактов. Отмечалось в приказе, что лица, виновные в этом будут приговорены к революционному суду.

Следующим этапом в развитии большевистской политики в отношении "бывших" Туркестана, можно рассматривать 1919 год. Во-первых, это было связано с попыткой совершения военного переворота во главе с К. Осиповым; и, во-вторых, - с "ликвидацией" "Оренбургской пробки", что способствовало соединению Туркестана с центральными районами России, и позволило корректировать и контролировать проводимую советскую политику в Туркестане. Одним из

важнейших документов после Осиповского переворота стал документ - "Учет буржуазии и привлечение её на работу". Вывод из него можно было сделать такой: буржуазия и прочие слои "старого общества" должны были просто исчезнуть из советского общества, т.к. ни работы, ни пропитания при выдвинутых условиях они себе не смогли бы обеспечить. По сути, советская власть вынуждала "бывших" выживать каким-то образом: либо вести открытую борьбу с советской властью, либо мимикрировать и искать пути интеграции в советское общество.

На протяжении всего 1919 года издавалось значительное количество постановлений, которые призывали служащих советских учреждений к бдительности[12], с предупреждением служащих канцелярии ЦИК Туркестанской республики: "не рекомендовать на открывающиеся свободные вакансии в центральное управление лиц, кои имели связь хотя бы незначительную с белогвардейцами и бывшим восстанием их. На случай обнаружения подобных лиц, рекомендовавший их и поступивший будут немедленно уволены со службы без права поступления в какое-либо учреждение Туркестанской республики"[13].

В 1920-й год ознаменовался новым шагом в принятии ряда важных документов, регулирующих отношения между властью и "бывшими". К этому времени можно было говорить о ликвидации крупнейших очагов контрреволюции, налаживании экономической жизни, переход к НЭПу, либерализация общественной жизни. Особое внимание стоит уделить Материалам IX съезда Советов, состоявшегося в сентябре 1920 года, на котором было принято несколько основополагающих документов, которые закрепили отношение власти к "бывшим" Туркестана. Советской властью Туркестана был поднят вопрос о русском переселенческом населении, которое рассматривалось как остатки русского колониализма.

Решения, озвученные на IX съезде Советов в отношении "бывших", получили реальное воплощение в жизнь в 1921 году. Первоначально в Наркомате Юстиции карательного отдела было разработано два проекта, которые 4 июля 1921 за № 3891 были отправлены на рассмотрение в ТурЦИК и дальнейшее утверждение[14]. Новое постановление, утвержденное 26 июля 1921 года ЦИК Туркестанской республики получило название - "О высылке из пределов Туркестанской республики бывших чинов администрации". Этот документ стал важным в дальнейшей политике в отношении "бывших" Туркестана. Данный документ гласил: "Из лиц высшей администрации, уездных начальников, приставов и их помощников, околоточных надзирателей, начальников тюрем и всех чинов особого корпуса жандармов могут быть оставлены в пределах Туркестанской республики: а) имеющие более 60 лет, б) оставившие полицейскую службу более 10 лет тому назад, в) служившие менее 3-х месяцев при условии оставления ими службы до революции, г) лица совершенно нетрудоспособные / утратившие 45% и болей трудоспособности/. Из лиц, служивших в качестве городских, тюремных надзирателей, жандармов железных дорог /за исключением комсостава/, стражников, письмоводителей, переводчиков могут быть оставлены в пределах Туркестанской республики: а) имеющие более 50 лет, б) оставившие службу более 10 лет тому назад, в) служившие менее полугода и оставившие службу до (ранее было написано "до революции" зачеркнуто и написано "до февраля 1917") революции при условии надежного за них поручительства, г) незаменимые специалисты при условии ручательства соответствующих учреждений, д) демобилизованные красноармейцы, е) совершенно нетрудоспособные /у[тратившие] 75% и болей трудоспособности/. Лица всех

указанных выше категорий, отличившиеся на красных фронтах или зарекомендовавшие себя каким-либо иным образом действительными и стойкими защитниками Советской власти, от высылки могут быть освобождены. Туземцы Туркестана, занимавшие должности, указанные в п. 2 настоящего постановления, выселены из пределов Туркеспублики быть не могут и подлежат заключению в местные концлагеря. Действие настоящего постановления распространяется на лиц, уже высланных из пределов Туркеспублики, но почему либо вернувшихся сюда равно и на всех служивших в указанных выше должностях в губерниях России[15].

Таким образом, согласно данному постановлению край должны были покинуть бывшие лица из числа высшей администрации, уездные начальники, приставы и их помощники, околоточные надзиратели, начальники тюрем и все чины особого корпуса жандармов, а также лица, служившие в качестве городских, тюремных надзирателей, жандармов железных дорог, стражники, письмоводители, переводчики. Также в документе оговаривалось, что эта категория граждан бывшей Российской империи могла бы остаться в крае при условии достижения ими 50-60-ти летнего возраста и оставлении ими службы не менее чем 10 лет назад до произошедших событий. Данным постановлением советская власть в Туркестане окончательно закрепила своё отношение к "бывшим". И если на протяжении 4 лет со дня октябрьского переворота 1917 года советская власть присматривалась к чуждым ей по духу и идеям группам населения, то теперь был избран наиболее, как мыслилось, удобный способ мирного избавления от бывших эксплуататорских классов.

В 1922 году в развитие ранее принятых Постановлений принимаются еще два таких, как о "Высылке из пределов Туркеспублики уголовных и политических преступников, порядок ее имущественных последствий" (9.07) и об "Установление категории лиц бывших чинов полиции, которые могут быть оставлены в Туркеспублики" (27.07). Таким образом, был окончательно решен вопрос с положением бывших имперских чинов.

О том, какие социальные группы сформировались в обществе Узбекистане в конце 20-х годов, позволяет еще один документ, косвенно связанный с убийством советского дипломата в Польше П.Л. Войкова. Проведенное ОГПУ следствие и оперативная работа нашли отражение в составленном ими документе. В нем выделялись следующие опасные группы служащих по настроению: "Спеццы и обжившиеся чиновники-обыватели; Более молодая, советизированные советские служащие; Интеллигенция, врачи-специалисты; Безработные; Национальная интеллигенция; Слои беспартийной интеллигенции"[16].

Советские Конституции и отражение в них вопроса о "бывших".

Реконструируя и анализируя политику советской власти в Туркестане в отношении "бывших" невозможно пройти без анализа основных документов советского государства, как Конституции - ТАССР от 1918 г. и Узбекской ССР от 1925, 1927, 1938 -х гг.

Первым важным для существования нового государства - ТАССР стала Конституция, принятая 15 октября 1918 года. Для нашего исследования особый интерес представляют те ее части, которые закрепляли права и обязанности граждан нового советского государства. Заслуживает внимания Глава 7 Раздела Шоб "Активном и пассивном избирательном праве", где согласно параграфу 34

избирательного права лишались[17]: "лица, прибегающие к наемному труду, с целью извлечения прибыли; частные и торговые посредники; лица, живущие на нетрудовой капитал, поступления с имущества; монахи, духовные служители церкви и религиозного культа; служащие и агенты бывшей полиции, особого корпуса жандармов и охранных отделений, члены царствующего дома и т.д." [18]. Таким образом, советская власть провела четкую границу между достойными и недостойными своими гражданами, которые к тому же лишались основного завоевания Февральской революции - избирательного права.

Другим важным законодательным актом стала принятая на IX Съезде Советов Конституция ТАССР от 24 сентября 1920 года. Видимо, в связи тем, что "народ Туркестана на тот момент еще не избавился от эксплуататоров", в статье 1 Конституции он продолжал называться "трудящийся и эксплуатируемый". Данная Конституция лишь закрепила положения, опубликованные в Конституции от 1918 года, а параграф 34 в котором говорилось о правах бывших, а точнее об их отсутствии, был оформлен в Раздел 5 "Активное и пассивное избирательное право" Глава XVII Статью 87: "Не избирают и не могут быть избранными, хотя бы они и входили в одну из вышеперечисленных категорий: а) Лица, прибегающие к наемному труду с целью извлечения прибылей. б) Лица, живущие на нетрудовой доход, как-то: проценты с капитала, поступления с имущества и т. п. в) Частные, торговые и коммерческие посредники. г) Монахи, духовные служители церкви и религиозных культов. д) Служащие, агенты бывшей полиции, особого корпуса жандармов и охранных отделений, а также члены царствовавшего в России дома. е) Лица, признанные в установленном порядке душевнобольными или умалишенными, а равно лица, состоящие под опекой. ж) Лица, осужденные за корыстные и порочащие проступки и преступления на срок, установленный законом или судебным приговором" [19].

Следующим документом, законодательным актом, становится Конституции Узбекской ССР, принятые в 1925, 1927 гг., в которых закреплялось оформление нового советского государства - Узбекской ССР. В статье 10 Конституции 1927 года декларировала защиту всех граждан Узбекской ССР, как основного достижения Октябрьской революции.

Конституции 1925, 1927, 1932 гг. в своих основных частях дублировали друг друга, и своими задачами ставили "обеспечение диктатуры пролетариата, в целях полного подавления буржуазии, подавления эксплуатации человека человеком". Так, в основной части Раздела 6 Статьи 93 Конституции 1927 года дублировались статьи Конституции от 1918 года о недопущении определенной категории "лиц" не избирают и не могут быть избранными лица, прибегающие к наемному труду, живущие на нетрудовые доходы, частные торговцы, монахи и служащие церкви и религиозных культов, служащие и агенты бывшей полиции, особого корпуса жандармов, служащие бывшей туземной полиции, члены дома Романовых, а также добавилась и еще одна категория - "чиновники бывшего Бухарского эмирата и Хивинского ханства" [20].

В этом ряду особняком стоит Конституция, опубликованная в 1941 г., с дополнениями и изменениями, принятыми 23 июля 1938 года, 14 июля 1939 г., 8 мая 1940 г., 24 марта 1941 г. В Статье второй, Главы первой Конституции отмечалось, что политическая основа Узбекской ССР, Советы, "выросли и окрепли в результате свержения власти помещиков и капиталистов, баев, эмиров и ханов,

...освобождения узбекского народа от национального гнета царизма, русской империалистической буржуазии и разгрома националистической контрреволюции"[21]. Больше в тексте Конституции мы не находим тех статей, как в предыдущих конституциях 20-30-х годов о лицах, лишенных избирательного права. Это факт был довольно подробно объяснен российским исследователем Т.М. Смирновой. Она писала, что "Новая Конституция должна была стать Конституцией "бесклассового общества", то есть общества без социально привилегированных групп населения. В средствах массовой информации звучали слова о том, что чуждое происхождение потеряло опасность для общества, которую оно представляло собой еще недавно... По словам А.А. Солнца новая Конституция - это, прежде всего новое отношение к социальному происхождению. "Люди, бывшие когда-то против нас, самой жизнью переубедились, - подчеркнул Солц"[5, С. 236-237].

Таким образом, на протяжении периода с 1917- до середины 30-х годов XX века советской властью были выработаны формы взаимоотношений с бывшим имперским наследием. Изучение социальных рамок "бывших" Туркестана и Узбекистана показывает крайне разнообразную картину (чиновники, офицеры, военные, торговцы, русские-переселенцы, как ".." имперской политики). В отношении бывших, власть формировала политику постепенно, все зависело от степени политической борьбы как в Туркестане, так и в самой России. Курс в отношении "бывших" определился со всей ясностью с началом 20-х годов, когда начинается укрепление советской власти, и она находит себе все большее число сторонников.

### **Список используемой литературы и источников**

1. В первые годы советской власти собрания узаконений действительно включали в себя все правительственные постановления, опубликованные в советской печати ко всеобщему сведению. Но со второй половины 1920-х годов количество публикуемых законов резко сократилось. При использовании советских законов как исторических источников следует иметь в виду, что декретом ВЦИК от 13 .07.1923 года за подписью Калинина декреты, принятые ВЦИК РСФСР и его президиумом распространялись на всю территорию СССР (См.: СУ РСФСР, 1923, ст.796). (V pervye gody sovetsoj vlasti sobraniya uzakonenij dejstvitel'no vklyuchali v sebya vse pravitel'stvennye postanovleniya, opublikovannye v sovetsoj pečati ko vseobshchemu svedeniyu. No so vtoroj poloviny 1920-h godov kolichestvo publikuemyh zakonov rezko sokratilos'. Pri ispol'zovanii sovetsoj zakonov kak istoričeskikh istočnikov sleduet imet' v vidu, čto dekretom VCIK ot 13 .07.1923 goda za podpis'yu Kalinina dekrety, prinyaty VCIK RSFSR i ego prezidiumom rasprostranyalis' na vsyu territoriyu SSSR (Sm.: SU RSFSR, 1923, st.796).

2. Декреты советской власти. Сборник документов. - С.39-41. (Dekrety sovetsoj vlasti. Sbornik dokumentov. - S.39-41).

3. Правда, №196, 22 ноября (5 декабря) 1917 г. (Pravda, №196, 22 noyabrya (5 dekabrya) 1917 g).

4. Декреты Октябрьской революции. Т.1. От октябрьского переворота до роспуска Учредительного собрания. - Москва: Партиздат, 1933. - 464 с. - С. 68. № 28. (Dekrety Oktyabr'skoj revolyucii. T.1. Ot oktyabr'skogo perevorota do rospuska Uchreditel'nogo



sobraniya. - Moskva: Partizdat, 1933. - 464 s. -S. 68. № 28).

5. Смирнова Т. Бывшие люди советской России. Стратегии выживания и пути интеграции 1917-1937. - М.: Мир истории, 2003. - С. 23.(Smirnova T. Byvshie lyudi sovetskoj Rossii. Strategii vyzhivaniya i puti integracii 1917-1937. - М.: Mir istorii, 2003. - S. 23).

6. Материалы и документы 1 съезда КП Туркестана. - Ташкент, Средаз партиздат. 1934. -С. 54. (Materialy i dokumenty 1 s"ezda KP Turkestana. - Tashkent, Sredaz partizdat. 1934. -S. 54).

7. Наша газета. №123. 20.07.1918. (Nasha gazeta. №123.20.07.1918.).

8. Сборник декретов и приказов СНК ТР с 23.11.1917-1.07.1918. -С.4.(Sbornik dekretov i prikazov SNK TR s 23.11.1917-1.07.1918.-S.4).

9. Декреты октябрьской революции. - С. 323. № 177 от 29 (16) декабря 1918 / / Р-25, оп.1, д.12, л. 34.(Dekrety oktyabr'skoj revolyucii.-S. 323. № 177 ot 29 (16) dekabrya 1918 // R-25,op.1, d.12, l. 34).

10.Сборник декретов и приказов СНК Туркестанской республики. - С.8, № 28 от 28.02.1918. К слову заметим, что, в первые месяцы после установления советской власти не имелось четких инструкций о том, какая должна быть одежда советских граждан, пришла другая телеграмм о возобновлении шитья одежды старого образца.(Sbornik dekretov i prikazov SNK Turkestanskoj respubliki. - S. 8, № 28 ot 28.02.1918. K slovu zametim, chto, v pervye mesyacy posle ustanovleniya sovetskoj vlasti ne imelos' chetkih instrukcij o tom, kakaya dolzhna byt' odezhdha sovetskih grazhdan, prishla drugaya telegramm o vozobnovlenii shit'ya odezhdy starogo obrazca.)

11.Сборник декретов и приказов СНК Туркестанской республики с 23 ноября 1917 по 1 июля 1918 г. - Ташкент, 1918. - С. 4. (Sbornik dekretov i prikazov SNK Turkestanskoj respubliki s 23 noyabrya 1917 po 1 iyulya 1918 g. - Tashkent, 1918. - S. 4).

12.НАУ. Р-17, оп.1, д. 216 - Книга регистраций постановлений и приказов ТурЦИКа за апрель 1919- декабрь 1921 года с указанием времени их опубликования. 10.04.1919-24.12.1921. (NAUz R-17, op.1, d. 216 - Kniga registracij postanovlenij i prikazov TurCIKa za aprel' 1919- dekabr' 1921 goda s ukazaniem vremeni ih opublikovaniya. 10.04.1919-24.12.1921).

13.НАУ. Р-17, оп.1, д. 216, л. 23.( NAUz.R-17, op.1, d. 216, l. 23.)

14.Р-17, оп.1, д.1045 - Материалы народного комиссариата юстиции ТАССР за сентябрь-декабрь 1921 года. Приговоры, переписка. 3.01.-19 .12.1921. - Л. 54.(R-17, op.1, d.1045 - Materialy narodnogo komissariata yusticii TASSR za sentyabr'-dekabr' 1921 goda. Prigovory, perepiska. 3.01.-19 .12.1921. - L. 54).

15.НАУ. Р-17, оп.1, д. 287, л.14-15. (NAUz, R-17, op.1, d. 287, l.14-15).

16.РГАСПИ. Р-62, оп.1, д.881, л.164.( RGASPI R-62, op.1, d.881, l.164).

17.Стоит отметить, что данный параграф Конституции ТАССР полностью дублировал Конституцию РСФСР от 18.07.1918 г. Таким образом, вырабатывался некий единый стандарт в определении общего врага на всем пространстве советского государства.(Stoit otmetit', chto dannyj paragraf Konstitucii TASSR polnost'yu dubliroval Konstituciyu RSFSR ot 18.07.1918 g.Takim obrazom, vyrabatyvalsya nekij edinyj standart v opredelenii obshchego vruga na vsem prostranstve sovetskogo gosudarstva).

18.НАУ. Ф.Р-2231, оп.1, д.290, л.9. - Конституция (основной закон) Туркестанской республики. (NAUz F.R-2231, op.1, d.290, l.9. - Konstituciya (osnovnoj zakon) Turkestanskoj respubliki) .

19. Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918-1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. - Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. - 156 с. URL: <http://istfil.bgpu.ru/> . - С. 38. (Sovetskie konstitucii. Hrestomatiya. V 4 chastyah. CHast' 1. Pervye sovetskie respubliki, 1918-1922 gg. / Sost. D.V. Kuznecov. [Elektronnyj resurs]. - Blagoveshchensk: Blagoveshchenskij gosudarstvennyj pedagogicheskij universitet, 2015. - 156 s. URL: <http://istfil.bgpu.ru/> . - S. 38).

20. Конституция (Основной закон) Узбекской Советской социалистической Республики. - Самарканд, 1927. - С. 27. (Konstituciya (Osnovnoj zakon) Uzbekskoj Sovetskoj socialisticheskoy Respubliki. - Samarkand, 1927. - S. 27).


21. Конституция. (Основной закон) Узбекской Советской социалистической Республики. - Ташкент, 1941. - С. 3. (Konstituciya. (Osnovnoj zakon) Uzbekskoj Sovetskoj socialisticheskoy Respubliki. - Tashkent, 1941. - S. 3).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна,  
Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети  
Ўзбекистон тарихи кафедрасикатта ўқитувчиси

## ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

*For citation: Khurshida D. Tillahodjaeva. Regulation of marriage relations  
In the Turkestan region. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 27-32*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-04>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида ХХ аср бошларда оила никоҳ муносабатларининг қай даражада эканлиги, унинг тартибга солиниши, қонунчилиги ҳақида сўз боради. Оилада аёл ва эркак кишининг ўрни, жамиятнинг моддий шароитига қараб белгиланиши, ҳуқуқ ва эркинликлари тенг бўмаслиги ва ўзига хос хусусияти аниқ очиқ берилган. Ўзбекистонда никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий асослари негизи айнан Туркистон ўлкаси даврига тўғри келиши ва илк бор никоҳни рўйхатга олиш жараёнлари бошлангани ўз исботини топди.

**Калит сўзлар:** қулдорлик жамияти, феодал жамияти, Туркистон, шариат, никоҳ ҳуқуқи, кодекс, ЗАГС, васийлик ҳуқуқи, миграция, гражданлик никоҳи.

Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна,  
старший преподаватель кафедры "Истории Узбекистана"  
Ташкентского государственного технического  
университета имени И.Каримова

## РЕГУЛИРОВАНИЕ БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ТУРКЕСТАНСКОМ РЕГИОНЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье мы поговорим о масштабах семейно-брачных отношений в начале ХХ века в Туркестанском крае, их регулировании, законодательстве. Четко раскрывается роль женщины и мужчины в семье, определение которой основывается на материальных условиях общества, равенстве прав и свобод и его

особенностях. Правовая основа брачных отношений в Узбекистане нашла свое подтверждение в том, что точно совпал с периодом Туркестанского государства и впервые начались процессы регистрации брака.

**Ключевые слова:** общество рабов, феодальное общество, Туркестан, шариат, брачное право, кодекс, ЗАГС, права об опекунов, миграция, гражданский брак.

**Khurshida D. Tillahodjaeva,**

Senior lecturer of the Department of History of Uzbekistan  
at Tashkent State Technical University

## REGULATION OF MARRIAGE RELATIONS IN THE TURKESTAN REGION

### ANNOTATION

In this article we will talk about the scale of family and marriage relations in the early XX century in the Turkestan region, their regulation, legislation. Clearly reveals the role of women and men in the family, the definition of which is based on the material conditions of society, equality of rights and freedoms and its features. The legal basis of marriage relations in Uzbekistan was confirmed by the fact that negizi coincided exactly with the period of the Turkestan state and the processes of marriage registration began for the first time.

**Keywords:** slave society, feudal society, Turkestan, Sharia, marriage law, code, registry office, guardianship rights, migration, civil marriage.

**Ж**амият тараққийётининг барча босқичларида никоҳ ва оила шакллари жамиятнинг моддий шароитига қараб белгиланиб келган. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этгани сари оила шакллари янада ривожланиди, ўз мазмунини ўзгартириб боради. Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари хусусий мулк бўлган қулдорлик, феодал ва капиталистик жамиятларда оилавий муносабатлар ҳам хусусий мулкчиликка асосланади. Оилада хотин-қизларнинг камситилиши, уларнинг ҳуқуқи эркакларники билан тенг бўлмаслиги, эркакнинг оилада ҳукмронлиги иқтисодий ҳукмронлик оқибатидир.

Кишилиқ жамияти ривожланиши билан никоҳ тузиш ва оила қуриш сабаблари ҳам ўзгариб боради. [1, Б.13-20] Хусусан, бу ҳодисалар мулкчилик шакли билан белгиланади. Инқилобгача бўлган Ўзбекистонда оила ва никоҳ ҳуқуқи шариат ва адатда ўз ифодасини топган бўлиб, унинг асосий тамойиллари феодал даврининг иқтисодий муносабатларидан келиб чиққан. [6, Б.22]

Ўзбекларга мансуб бўлган туркий халқларнинг феодал хонлигида никоҳ патриархал оила тузумига бутунлай қарам бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари эркаклар ҳукмронлиги, аёллар учун эркинликнинг йўқлиги, мажбурий никоҳлар ва бошқалар эди. Аёллар ўртасида эрта турмуш қуришнинг доимий қадимий анъанаси биринчи навбатда иқтисодий омилларга боғлиқ эди. [3] Иқтисодий орқада қолиши ҳеч қандай таълим талаб қилмади, шунинг учун эрта никоҳ бир жуфт ишчикучига эга бўлишга имконияти вужудга келишига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. [1, Б.18]

XIX аср охирида, замонавий Ўзбекистон ҳудудида никоҳнинг ўртача ёши 15-17 ёшни ташкил этган. 1897 йилги рўйхатга кўра, Ўрта Осиёда 17-19 ёшли қизларнинг 64% и аллақачон турмушга чиққан, Кавказда эса - 53%, Россиянинг Европа қисмида-атиги 21% Эркаклар асосан 30-40 ёшида уйланган. [2]

Давлат тўнтариши содир этган ишчилар синфи тўнтаришнинг илк кунлариданоқ социалистик асосдаги никоҳ ва оила қонунчилиги масаласида ҳам маълум ўзгаришлар қилишга киришди. 1917 йил декабрь ойида Совет ҳукуматининг иккита декрети эълон килинди. Булар "гражданликникоҳи, болалар ва гражданлик ҳолатларини қайд қилишни олиб бориши" ва "Никоҳдан ажралиш тўғрисида" ги декретларидир. РСФСР декретлари босиб чиқарилгандан сўнг Туркистон ҳукумати уларни ўлкада Амалий тадбиқ этишга қаратилган махсус буйруқлар чиқарди. Буйруқда Туркистон шаҳарларидаги барча ўзини-ўзи бошқарув органлари ҳузурида якин келажакда никоҳ, туғилиш ва ўлимни рўйхатга олиш бўлимлари тузилиши таъкидланган эди.

Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совет ива Адлия халқ комиссарлиги ўз тушунтиришлари билан, биринчидан, янги тузилган, ҳали етарли амалий тажрибага эга булмаган маҳаллий Совет судларига никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни тўғри хал қилишда ёрдам берди, иккинчидан, маҳаллий аҳоли уртасида никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилди.[4,Б.36]Туркистон ўлкасининг автоном деб эълон қилиниши Туркистон Советлари V ўлка съездининг муҳим ҳужжатларидан бўлди. Туркистон АССР нинг 1918 ва 1920 йиллардаги Конституциялари янги ижтимоий ва давлат тузумининг принципларини ифода этадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Туркистон АССРда никоҳ ва оилага оид муҳим ҳуқуқий масалалар 1918 йил 16 декабрда қабул килинган "Фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи хақида РСФСР қонунлар кодекси" да ҳал этилди. 1917 йилда қабул килинган декретларга нисбатан бу кодекс бир қатор янги ҳуқуқий қоидаларни белгилаб, никоҳ ва оила қонунчилигини маълум тизимга солди.

Кодекс 246 моддадан иборат бўлиб (юқоридаги икки декретда 26 модда бор эди), фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, васийлик ҳуқуқидан иборат тўрт бўлим, 17 бобни ташкил этди. Кодекс фуқаролик ҳолати далолатномалари билан бошланса ҳам, аммо унда асосий эътибор никоҳ ва оила масаласига қаратилган бўлиб, бу масалаларга 130 модда ажратилган эди.

Кодексда 1917 йил 18 декабрдаги декретнинг фақат давлат органларида фуқаролик ҳолатлари рўйхатидан ўтган никоҳ юридик кучга эканлигини тан олиш тўғрисидаги қоидаси сақлаб қолиниб, никоҳга ўтиш шартлари масаласи янгидан ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат: никоҳ ёшига тўлиш (қизлар учун 16 ёш, йигитлар учун 18 ёш), никоҳга кирувчиларнинг рухий соғлом бўлиши, якка никоҳлилиқ, никоҳга ўтувчилар ўртасида юқорига ёки пастга қараган тўғри чизиқ бўйича қариндошлиқ бўлмаслиги, никоҳ тузиш учун ўзаро розилиқ. Даврнинг хусусиятини назарга олиб, никоҳ ҳақиқатда ўзаро розилиқ асосида тузилганлиги ҳақида никоҳданўтувчилардан тилхат олинган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг келиб чиқиши асослари, ота-она ва болалар ўртасидаги шахсий ва нафақа борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлиқ ҳолатида бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа масалалар тартибга солинган. Кодекс оилада эр ва хотиннинг тенглигига асосланиб, она ва бола ҳуқуқини муҳофаза қилишга

қаратилгандир.

Эр-хотин ўртасидаги мулкый муносабатларни белгилашда эр-хотиннинг мулки алоҳида бўлинган мулк деган қоида асос қилиб олинган.

Туркистон ўлкасида 1918 йилги кодексни тадбиқ этишда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш бўлимларини ташкил этишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришда Туркистон Ички ишлар халқ комиссарлигининг роли катта бўлди.

1919 йил 15 ноябрда Ички Ишлар халқ комиссарлиги "Туркистон Республикасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти" тўғрисида махсус қўлланма қабул қилди. Унда бу органларни ташкил этиш қоидалари ва уларнинг фаолияти батафсил белгиланди.[5,Б.2] 1922 йил 25 июлда Туркистон Марказий Ижроия Комитети "Туркистон Республикасининг мусулмон халқ судлари тўғрисида Низом" қабул қилди. "Низом"га биноан фуқаролик ишларини (асосан никоҳдан ажралиш ва мерос ишлари масалалари), шунингдек маҳаллий халқларнинг урф - одатлари ва ахлоқи билан боғлиқ ишларни кўриш учун параллел равишда мусулмон халқ судлари ҳам тузилди. Уларнинг таркибига бир йил муддатга бир судья, волость ва шаҳар нормасида маҳаллий халқ томонидан сайланган халқ судьялари киради.

1920 йил 2 сентябрьда Бухоро амирлиги қулаб, Бухоро Халқ Совет Республикаси вужудга келди.

Бухоро Халқ Совет Республикасида никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилик шариат нормаларига асосланган эди. 1924 йил 17 апрельда Бутун Бухоро Марказий Ижроия Комитети маиший жиноятлар тўғрисида декрет қабул қилди. БХСР халқлари одати ҳисобланган никоҳ тузиш учун аёлларни олиб қочиш билан боғлиқ қўйидаги ҳодисалар Марказий Ижроия Комитети томонидан ижтимоий хавфли жиноий ҳаракат деб тасниф этилди:

1. Аёлларнинг эркига қарши зўрлик қилиб ўғирлаш;

2. Жинсий жиҳатдан балоғатга етмаган қизларни никоҳга олиш мақсадида ўғирлаш;

3. Аёлларнинг хоҳишига зид равишда никоҳ расм - русумларини ўтказиш ёки никоҳни қайд қилдириш.[7,Б.55] БХСРнинг маиший жиноятлар тўғрисидаги қонуни никоҳ ҳуқуқи борасида чиқарилган бирдан - бир акт ҳисобланади.

Бухоро Совет Республикаси ҳудудида тузилган диний никоҳлар ёзма шаклда расмийлаштирилмаган, никоҳга кирувчиларга никоҳ муносабатини тасдиқловчи гувоҳнома ҳам берилмаган. Зарур ҳолларда никоҳ ҳуқуқий муносабатини гувоҳлар кўрсатуви билан тасдиқлаш мумкин бўлган.

1921 йил 3 июлда Хоразм Халқ Совет Республикасида Халқ Комиссарлари Советининг никоҳ тўғрисидаги 1 - сонли буйруғи чиқди. Бу буйруққа биноан никоҳ ёши йигитлар учун 17 ёш, қизлар учун 16 ёш белгиланди. Буйруқда кўрсатилган никоҳ ёшига тўлмасдан туриб никоҳ шартномасини тузиш, никоҳ муносабатига кириш манн этилади. Эрга хотинини озиқ - овқат ва кийим - кечак билан таъминлаш мажбурияти юклатилади. Агар қиз ёшлик вақтида биронтага унаштирилиб қўйилган бўлса, у никоҳ ёшига тўлганда унга турмушга чиқишга рози бўлмаса, у ҳолда келиннинг ота - онаси қиз учун олинган қалинни қайтаришлари лозим эди. Буйруқни бузганлар эса 5 йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин эди. Марказий Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг ҳамда Ўзбекистон ССР тузилгач, бу ерда никоҳ - оила

муносабатларини "РСФСР гражданлик ҳолатлари акти, никоҳ, оила, васийлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар кодекси" билан тартибга солиш давом этди. Ўзбекистонда никоҳ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг унинг таркибига кириши оила қонунчилиги бўйича муҳим муаммоларни кодификациялаш ва унификациялаш (бир хиллаштириш вазифаларини қўйди).

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ўзининг 1927 йил 15 январдаги циркулярида бундай ҳолатни гоаят нормал ҳолат, деб ҳисоблаб, никоҳни рўйхатга олиш учун фақат никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги ва никоҳ ёшига етганлиги асос бўлишини кўрсатди. Шифокор томонидан берилган маълумотнома эмас, балки қишлоқ Совети ёки маҳалла қўмитаси томонидан берилган маълумотнома никоҳ ёшига тўлганликни исботлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

ЗАГС (бугунги ФХДЁ) органлари никоҳга ўтувчилардан паспорт ва аризаларидан ташқари маҳалла қўмитасидан никоҳ ҳақиқатда никоҳга ўтувчиларнинг хоҳиши билан тузилаётганлиги, кўев келин учун унинг ота-онасига анъанавий қалинни бермаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилган.[8,Б.49]

Ўзбекистонда Совет Социалистик Республикасининг "Никоҳ, оила ҳамда васийлик ва гражданлик ҳолати актларини ёзиш ҳақида қонунлар кодекси" асосан 1928 йил 7 мартда 2 чақириқ Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1928 йил 23 июнь қарори билан 1928 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилди.

Ўзбекистон Никоҳ-оила кодексининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда маҳаллий ўтроқ халқ учун уларнинг фамилияси бўлмаса, никоҳга ўтиш вақтида никоҳга ўтувчилардан биттасининг ота исми бўйича никоҳни расмийлаштириш ва уларнинг никоҳигача бўлган ота исмида қолиш ҳуқуқи берилган. Никоҳдан ажралиш вақтида эса эр-хотиннинг ҳар бирига ўз хоҳиши бўйича фамилия танлаш ҳуқуқи берилган. Эр-хотин ўртасида ўзаро келишиш бўлмаса, у ҳолда бу масала бўйича уларнинг ҳар бирига никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилади.[9,Б.85]

1941-1945 йиллар уруши даврида бир қанча норматив актлар қабул қилинди. Ушбу актлар ичида собиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июлдаги "Ҳомиладор аёлларга давлат нафақасини кучайтириш тўғрисида", "Қаҳрамон она" фахрий унвонини белгилаш ва "Оналик шухрати" ордени ҳамда "Оналик медалини таъсис этиш тўғрисида" чиқарган фармонлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон никоҳ даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. 1990 йилга қадар рўйхатга кўра, оилаларда яшовчи одамларнинг энг юқори улуши Ўзбекистонда бўлган ва 95,3% ни ташкил этган. Якка ва алоҳида оила аъзолари эса - атиги 4,7% ни ташкил этган. Бу ҳолат ҳозирги замонда ҳам давом этмоқда. Лекин бу билан мамлакатимизда оилавий муаммолар умуман йўқ, деб бўлмайди. Масалан, аёллардан ажралиш бўйича бир қатор даъволар (4.6%) эркакларнинг ишга кетиши билан боғлиқ сабабларни кўрсатгани тасодиф эмас.

Меҳнат миграциясининг кенг кўламда бўлиши туфайли Ўзбекистонда бир қатор оилавий муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Тўғри бу ишсизликни енгилаштиради ва пул ўтказмалари шаклида иқтисодий таъсирга ега, аммо оилага таъсир қилувчи салбий ижтимоий ва демографик оқибатларга олиб келади. Таҳлилларга кўра, миграция жараёнлари ўзбек оилаларида анъанавий қадриятларнинг пасайиши хавфини туғдиради ва баъзан оилаларнинг

парчаланишига олиб келади. [10,Б.44]

Юқорида кўрсатилган қонун-ҳужжатларидан маълумки, оила ва никоҳ масалалари давлатни доим қизиқтириб келган, давлат назаридан ҳеч ажратилиб қўйилмаган. Сабаби бутун дунёда оила мустаҳкам, иноқ-тотув бўлса, оила соғлом бўлсагина давлатнинг ишлари унумли бўлган. Чунки давлат муассасаларида, унинг бутун фаолиятини юксалтиришда инсоннинг ҳаракатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Давлат фақат халқ туфайли мавжуд, халқ эса оилада туғилади, ўсади, шаклланади. Шунинг учун оила қонунчиликлари босқичма-босқич ривожланиб бориши ҳаёт талаби бўлиб қолган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зиёев Ҳ.З. Тарихнинг очилмаган саҳифалари (Неисследованные страницы истории). -Ташкент: Меҳнат, 2003. -Б.13-20.(Ziyoyev H.Z. Unexplored pages of history). -Tashkent: Mehnat, 2003. -P.13-20).
2. Лобачева Н.П. О формировании новой свадебной обрядности у народов Узбекистана // Советская этнография. 1967. № 2. (Lobacheva N. P. on the formation of a new wedding ceremony among the peoples of Uzbekistan // Soviet Ethnography. 1967. No. 2).
3. Козоков Т. Асримизбошидагимаросимлар (Обряды начала века) // Фан ватурмуш. 2000. № 3.(Kazakov T. Rites of the beginning of the century. 2000. No. 3.3.Kazakov T. Rites of the beginning of the century. 2000. No. 3).
4. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари (Семья и правила управления семьей). -Ташкент, 1936.(Fitrat A. the Family and the governance rules of the family. -Tashkent, 1936).
5. Нажот. 28.04.1917. 2-5. (Salvation. 28.04.1917. 2-5).
6. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. -Ташкент: Маънавият, 1997. -Б.22.(Mahmudhoja Behbudi. Selected works. -Tashkent: Manaviyat, 1997. -P.22).
7. Отаҳўжаев Ф. Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -Б.55-56.(Atakhodzhaev F. Marriage and its legal regulation. -Tashkent, Uzbekistan, 2000.-P.55-56).
8. Саидов А., Таджиханов У., Одилкориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. -Тошкент: Шарқ, 2002. -Б.48-50.(Saidov A., Tajikhanov U., Edilgireev H. Fundamentals of state and law. -Tashkent: Sharq, 2002. -P.48-50).
9. Исломов З., Хусанов О., Мирхамидов М. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. -Т., 2000. -Б.85. (Z.Islamov, O.Husanov, M.Mirhamidov. Jurisprudence. The text of the lectures. -T., 2000. -P.85).
10. Ўзбекистон Республикаси оила кодексига шарҳлар. -Т., 2000. -Б. 44-45. (Comments on the Family Code of the Republic of Uzbekistan. -T., 2000. 44-45).



---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---


Собирова Дилфуза Тўхтасиновна,  
Андижон давлат университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ТАРИХИДАН

---

*For citation: Dilfuza T.Sobirova. From the history of defending women rights in Uzbekistan. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 33-37*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-05>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада истиқлол йиллари Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларининг муҳофаза қилиниши, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий-маданий ва маънавий жараёнлардаги иштироки, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши масалалари илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** истиқлол, Ўзбекистон, хотин-қизлар, Конституция, жамият, давлат сиёсати, тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат, ижтимоий-сиёсий фаоллик, Қонун, Фармон, ижтимоий муҳофаза.

---

Собирова Дилфуза Тухтасиновна,  
доцент кафедрасы Истории Узбекистана  
Андижанского государственного университета,  
кандидат исторических наук

## ИЗ ИСТОРИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы, связанные с защитой прав женщин в Узбекистане в годы независимости, роль женщин в обществе, их участие в социально-культурных и духовных процессах и их продвижение на уровень

государственной политики с помощью научной литературы и нормативных документов.

**Ключевые слова:** независимость, Узбекистан, женщины, Конституция, общество, государственная политика, равенство, социальная справедливость, общественно-политическая деятельность, закон, указ, социальная защита.

**Dilfuza T.Sobirova,**  
Associate Professor of the chair of  
The History of Uzbekistan  
of Andizhan State University,  
Candidate of Historical Sciences (PhD)

## FROM THE HISTORY OF DEFENDING WOMEN RIGHTS IN UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article analyzes issues related to the protection of women's rights in Uzbekistan during the years of independence, the role of women in society, their participation in socio-cultural and spiritual processes and their promotion to the level of state policy with the help of scientific literatures and normative documents.

**Key words:** independence, Uzbekistan, women, Constitution, society, government policy, equal rights, social justice, socio-political activity, Law, Decree, Social protecting.

**М**устақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек хотин-қизларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, уларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-маданий ва маънавий жараёнлардаги иштироки кучайтирилди. Дастлаб 1992 йилда қабул қилинган Асосий Қомусимиздаёқ хотин-қизларнинг мақоми белгилаб қўйилди. Яъни Асосий Қонунимиз бўлган Республика Конституциясининг 47 - моддасида Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар [1,Б.17]. Ана шу биргина модданинг ўзи жамиятда хотин - қизлар ўрнини кенг маънода изоҳлаб берди. Бир сўз билан айтганда ўрнини белгилаб берди.

Жамиятдаги барча аёлларнинг ижтимоий адолат, тенглик, барқарорлик тўғрисидаги фикр ўйларини амалга ошириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов "Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳволини тубдан ўзгартиришимиз зарур, хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигини ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак" [2,Б.36] дея жамиятда хотин-қизларнинг мавқеи, ўрнини юқори баҳолаб бу борада амалий ишларга кенг йўл очиб берилди. Мустақиллигимиз муносабати билан ҳукуратимиз томонидан хотин-қизларга берилаётган эътибор тобора кенгайиб, жамиятда хотин-қизларнинг мақоми ошириб борди ва ушбу масала юзасидан кенг кўламли ишлар бошланди. Буларга мамлакатимизда қабул қилинган кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилиниши асос бўлди.

Жумладан, биринчи Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги тарихий Фармони, 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши, 1999 йил 17 мартдаги "Хотин қизларнинг ижтимоий

муҳофазасини ажратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги тарихий Фармон, Олий Мажлиснинг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуни, 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон, 1999 йил 10 июндаги 2326-сонли "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз хотин-қизларнинг жамиятни, давлатни бошқаришдаги билимлари, ақлу заковати, фазлу-фаросати ва имкониятларига бўлган ишончининг ёрқин наъмунаси бу борадаги эзгу ишларнинг бошланиши бўлди.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда эълон қилинган "Ҳаракатлар стратегияси"нинг 4.2-қисмида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш алоҳида назарда тутилди. Шундан сўнг мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил 2 февралда "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5325-сонли Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонда кўплаб муаммоларни бартараф этиш мақсадида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш масалари юзасидан Президентимиз томонидан 20 дан зиёд вазифалар белгилаб берилди. Шундан сўнг мазкур фармонни ижроси юзасидан ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 мартдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида ПҚ-3581-сон қарори қабул қилинди, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оила тизимини янда мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2018 йил 14 мартда 201 - сонли қарори эълон қилинди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг 2017 йил 8 март Халқаро хотин-

қизлар куни муносабати билан йўллаган табригида "Биринчи Президентимиз, мухтарам Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг аёл зотига, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келганликларини ҳақида алоҳида тўхталиб, у кишининг: "Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам" деган чуқур маъноли сўзлари кўплаб эзгу ишларда амалий қўлланма бўлиб келаётганини таъкидлаб ўтди, бугунги кунда ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ана шу эзгу даъватга амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз" [3, Б.341-352] дея хотин-қизларни жамиятдаги ўрни нақадар кераклигига янада эътибор қаратди. Бу эса жамиятда хотин-қизларга эътиборнинг янада кучайтирилиши ҳамда уларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштироки ва ролини оширишга жадал қадам эканлигини кўрсатиб ўтади.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда [4].

Ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда, бугунги кунга қадар, 300 га яқин ёш истеъдод эгаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганликлари, бугун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг борлиги ҳамда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг кўпгина фоизи - айнан хотин-қизларни ташкил этишининг ўзи мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятда роли ошиб бораётганини кўрсатиб ўтади.

Бугунги кунда мамлакатимизда, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган иқтидорли қизларга ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилмоқда. Мазкур мукофотни олган қизлар кўплаб имтиёзларга эга бўлишмоқда. Хусусан улар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши бу албатта қизларимизга берилаётган имкониятларнинг энг гўзал наъмунасидир.

Бугун имкониятлар ва хотин-қизларга берилаётган эътибор масаласи қанчалик юқори бўлмасин бир қатор ўз ечимини топиш керак бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Булардан хотин-қизларни бандлигини таъминлаш ва соғлиқ-саломатлигини янада

мустаҳкамлаш масалаларидир. Ушбу муаммолар юзасидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, аста-секин ўз ечимини топмоқда. Бу ҳақда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиб, "... хотин-қизларни бугунги кунда давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш лозим. Бу борада жорий йилда кўрилган амалий чораларга қарамасдан, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар борлиги ачинарлидир. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда бир ой муддатда ана шундай аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқиши зарур"[5] дея Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарларига 2019 йилда турмуш шароити оғир бўлган 1 минг 600 нафар хотин-қизларни имтиёзли кредитлар асосида арзон уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирда Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастури ҳамда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар юзасидан бугун Республикамизда хотин-қизларнинг фаолиятлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг турли соҳалардаги қобилиятларидан фойдалана олишлари учун шарт-шароитлар ва имкониятлар кўлами янада кенгайтирилиб бу кўплаб ижобий ишларга сабаб бўлмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017 (Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 2017)
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.3-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996 (Karimov I.A. The motherland is as sacred as the high place. 3rd volume.-Tashkent: Uzbekistan, 1996)
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2018 (Mirziyoev Sh.M. We will continue with the path of national development to a new level. 1st volume.-Tashkent: Uzbekistan, 2018)
4. <http://president.uz/uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисига Мурожаатномасидан (From the Petition of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Oliy Majlis on December 28, 2018).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдашева Шахноза Эргаш қизи,  
298-мактаб ўқитувчиси  
Тошкент шаҳар Олмазор тумани

## ХІХ АСР ОХИРИ -ХХІ АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

*For citation: Shakhnoza E.Yuldasheva. Demographic processes in the late XIXth and early XXIst centuries in Tashkent. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 38-43*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-06>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада асосий эътибор сўнгги 150 йил мобайнида Тошкент шаҳрининг тузилиши, маъмурий ҳудудий таркиби, аҳолининг ўсиб бориш динамикаси, демографик жараёнлар ва уларга таъсир қилган омиллар, аҳолининг миллий таркиби каби масалалар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Тошкент, дарвозалар, даҳалар, аҳоли, урбанизация, демография, миграция, статистика.

Юлдашева Шахноза дочь Эргаша,  
учитель 298-й школы  
Олмазорский район Ташкента

## В ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ В КОНЦЕ ХІХ - НАЧАЛЕ ХХІ ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается структура, административно-территориальное деление демографические процессы в г.Ташкенте и факторы повлиявшие на них, национальный состав населения.

**Ключевые слова:** Ташкент, население, урбанизация, демография, миграция, статистика, администрация, территория.

**Shakhnoza E.Yuldasheva,**  
teacher of the 298th school  
Olmazor district of Tashkent

## DEMOGRAPHIC PROCESSES IN THE LATE XIXth AND EARLY XXIst CENTURIES IN TASHKENT

### ANNOTATION

As the provided article is clear that the some issues such as the structure of the city of Tashkent over the past 150 years, its administrative territorial composition, population dynamics, demographic processes and factors influencing them , and the national composition of the population are researched.

**Key words:** Tashkent, urbanizatsion, demography, migration, statistical, administration, territory.

**Т**арихий манбаларда Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, мамлакатдаги энг йирик sanoat, транспорт ва madaniyat markazi бўлган Тошкентнинг яқин ўтмиш тарихи ҳақида қизиқарли манбалар сақланган. 1738-1839 йилларда Тошкентда бўлган К.Миллер Тошкентнинг узунасига ва энига 4 верст (4,2672 км) келадиган, баландлиги тахминан 2 сажан (304-352 ёки 426, 72 см) бўлган тупроқ девор билан, 1813-1814 йилларда Тошкентга келган Ф.Назаров эса 15 верст (16.4 км) узунликдаги паҳса девор билан ўралганини таъкидлайди. А.Добросмысловнинг ёзишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар деворининг айлана узунлиги 24 верстга (25,6032 км) тенг бўлган. 1800 йилда Тошкентда бўлган М.Поспелов берган маълумотларда эса, XVIII асрнинг охирида эса, яъни Юнусхўжа олиб борган таъмирлаш ишларидан сўнг Тошкент баландлиги 26 фут (7,9248 м), қалинлиги 6 фут (1,8288 м), юқори қисми 3 фут (0,9144 м) бўлгандеворга эга бўлиб, шаҳарнинг майдони 26,4 кв км ни ташкил этгани тилга олинади.[1]

"Тарихи жадидаи Тошканд" асарида эса Тошкент шаҳар номи билан бирга маъмурий бирлик сифатида ҳам қўлланиб, у вилоят сифатида анчагина катта ҳудудни қамраб олганлиги, таркибига бир қанча шаҳар, қишлоқ ва мавзелар кирганлиги таъкидланган. Муҳаммад Солиххўжа унинг ҳудудини тахминан Сайхун дарёси бошланишидан охиригача деб кўрсатади. Бошқа бир жойда эса муаллиф Тошкентнинг шарқий сарҳадини Қурама тоғлари билан белгилаб, Тошкент мулкига Сирдарёдан (шимолга) насронийлар еригача, то Хитой ва Чинга қарашли Фулжагача бўлган ерлар кирганлигини таъкидлайди.[2]

XIX асрнинг бошларида шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси бўлган. Шаҳарга шимоли шарқ тарафдан Лабзак ва Қашқар дарвозалари, шарқий тарафдан Қўқон ва Қайтмас, Бешёғоч дарвозалари, жануби шарқдан Камолон, жанубдан Самарқанд, ғарбдан Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой, Шимолдан эса, тахтапул дарвозалари орқали кирилган. Шаҳар дарвозаларидан бошланган йўллар Чорсуга -шаҳар марказига олиб келган.[3] Бу даврда Тошкент маъмурий-худудий жихатдан 4 қисмга - Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Себзор даҳаларига бўлинган. Бекларбеги шаҳарни шу тўрт даҳа хокимлари, яни мингбошилар орқали бошқарган. Даҳалар ўз навбатида маҳаллаларга бўлинган.[4] Хар бир маҳалла жамоа орасида эътибор қозонган нуфузли кишилардан тайинланган ўз оқсоқолига эга бўлган. Айни пайтда шаҳарда бир неча маҳаллаларни бирлаштирган гузарлар ҳам мавжуд

эди. Гузарларда улар қошида бирлашган маҳаллар учун умумий масжид, қабристон, мадраса бозор тегирмон, чойхона, устахона, озиқ овқат, мева-чева сотиладиган дўконлар жойлашган. Тошкент жами 11 та гузар бўлиб, 6 таси Бешёғочда, 3 таси Себзор даҳасида, 1 таси Кўкчада, 1 таси Шайхонтохурда жойлашган.

Шаҳарнинг 4 даҳаси ўзига ҳос тарзда чегараланган. Тошкент ҳудудини жануби-ғарбдан шимоли шарққа кесиб ўтган ва Бўзсувга бориб қўшилган Лабзак канали шаҳарни 2 қисмга бўлган. Лабзак каналининг маркази Чорсудан ўтган. Шаҳарни шимолдан жанубга, яъни Бешёғочга кесиб ўтган иккинчи чегара ҳам Чорсу орқали ўтган. Шу тариқа 4 даҳа ўз чегараларига эга бўлган.[5]

1930 йилда Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикаси пойтахти номини олгач, шаҳарда турар ва турли хил қурилишларнинг авж олиши туфайли туманларни бошқариш анча қийинлашди. Шу сабабдан 1936 йилдан (яъни сентябр ойидан) Тошкентда яъна иккита туман ташкил этилди.[6] Булардан биринчиси Тошкентда умуман бўлмаган, Россияда 1917 йилда амалга оширилган октябрь тўнтариши номоёндаларидан бўлган Киров номига қўйилган бўлса, иккинчиси ҳарбий штаби билан Тошкент марказида жойлашган Ўзбекистон ҳудудида совет тузумига қарши курашган ва Бухоро амирлигини ағдаришда қирғин ҳамда вайронагарчиликларни амалга оширишда етакчилик қилган совет партияси аъзоси, ҳарбий арбоб Фрунзе номи билан аталди.

II-жаҳон уруши даврида Тошкентга кўплаб саноат корхоналари, ўқув юртлари, маданий муассасаларнинг кўчириб келиниши муносабати билан Марказий ва Москва туманлари тузилди.[7]

1939 йилда Тошкентни Реконструкция қилиш биринчи бош плани ишлаб чиқилди. Унга асосан шаҳар шимолий-шарқий ва жануб-ғарбга томон кенгайди (урушдан кейинги йилларда шаҳар бош плани бир неча бор қайта тузилди). Бош режа асосида кўплаб турар жойлар, жамоат бинолари, болалар ва тиббиёт муассасалари қурилиши бошланди. Транспорт материаллари схемаси ишлаб чиқилди, боғлар, ҳиёбонлар, сунъий кўллар барпо этилди. 1939 йилда Тошкент ҳудуди 90 км кв ни, аҳолиси 556 минг кишини ташкил этди. Бу 1943 йил октябр ойида Тошкент Республика миқёсидаги шаҳар тоифасига киритилди. 1946 йилларда Тошкент ҳудуди анча кенгайиб, 130 км кв ни ташкил этди.

1950 йиллар охири ва 60 йиллар бошларида кўп қаватли янги турар жойлар, саноат зоналари қурила бошлади. 1956 йилда (май ойидан) Москва ва Сталин туманлари, 1959 йилда (мартда) Марказий туман тугатилди.[8] Уларнинг ҳудудлари бошқа туманларга қўшилди. Кашнин, Қорасув ва Тошкент туманлари шаҳарга ўтказилди.[9] 1961 йилда улар яна Тошкент вилояти таркибига киритилди.

Турар жой бинолари қурилиши кўламининг кенгайиши, шаҳар аҳолиси сонининг ортиб бориши (1млн кишига етиши) туфайли 1963 йил декабрида Тошкент шаҳрида янги туман Чилонзор тумани ташкил этилди.

1966 йил Тошкентда юз берган zilзиладан сўнг йирик турар жой массивлари қурилиши, саноат зоналарининг кенгайиши натижасида Тошкент вилоятининг Қибрай ва Кашнин туманлари ҳудудларининг бир қисми шаҳарга қўшилди. 1967 йили Сергели, 1968 йили январда Хамза 1970 йил декабрда Собир Раҳимов (2011 йилдан Олмазор тумани) туманлари тузилди. Корхоналар ва маданий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларини бир меъёردа тақсимлаш мақсадида шаҳар туманлари чегараси қайта кўриб чиқилиб ўзгартиришлар киритилди.[10] 1977 йил сентябрда Акмал Икромов тумани (2005 йилдан Учтепа тумани), 1990 йил



апрелда Бектемир тумани ташкил этилди.[11]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бутун мамлакатда бўлгани каби Тошкент шаҳри маъмурий ҳудудий бўлинишида ҳам замонга мослаб тиклашга аҳамият берилди. Биринчи галда шаҳардаги туманлар номи ўзгартирилди. 1992 йил май ойидан Киров тумани-Юнусобод, Куйбишев тумани-Мирзо Улуғбек, Ленин тумани-Миробод, Октябрь тумани-Шайхонтохур, Фрунзе тумани- Яккасарой номини олди. 2005 йил 6 майдан Акмал Икромов тумани номи Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди.[12]

Замонавий Тошкент шаҳрининг бугунги умумий майдони 334,48 км бўлиб маъмурий ҳудудий жиҳатдан 11 та туманга бўлинган.[13]

1897 йилдаги аҳоли рўйхатига қадар Тошкент аҳолиси ҳақида маълумотлар кам, борлари ҳам жуда тахминий ва бир бирига зид эди. Жумладан, туғилиш, ўлим, табиий ўсиш ва кўчиш сингарилар тўғрисидаги муҳим маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, аҳоли кенг оммаси учун ёпиқ эди. 1924 йили ўша пайтда фаолият кўрсатган Туркистон иқтисодий кенгаши йиллик статистик нашрини чоп этди. Бу йиллик нашр маълумотига кўра 1865 йилда Тошкентда 100 минг киши яшаган.

Тошкент аҳолисининг сони ҳақидаги энг ишончли маълумотлар биринчи марта 1897 йилги тузилган аҳоли рўйхатида қайд этилди. 1910 йилда эълон қилинган маълумотларга кўра, Тошкент аҳолиси ўша даврда 156,4 минг кишини ташкил этган. Шаҳар аҳолиси таркибида эркаклар 54,1 фоизни, хотин - қизлар- 45,9 фоизни ташкил этган, бошқача қилиб этганда, 1000 эркакга 848 хотин - қиз тўғри келган. Аҳолининг умумий сонидаги хотин - қизлар салмоғи аста секин ўсиб борди. Ҳозирги вақтда бу кўрсаткич деярли тенглашди.

Маълумки, урбанизация, хотин - қизлар маълумоти ва уларнинг бандлик даражаси туғилишнинг ва аҳоли табиий кўпайишининг маълум миқдорда пасайишига олиб келади. Бундай демографик вазият, айниқса йирик ва улкан шаҳарларга хос хусусиятдир. Бундан Тошкент ҳам истисно эмас.

Тошкент маъмурий ҳудудий жиҳатдан турли йилларда шаклланган ўн битта туманга бўлинган. Ундаги маъмурий туманлар ўртасида аҳоли сони бўйича энг йириклари Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов (ҳозирги вақтда Олмазор тумани) туманлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида 250 мингдан зиёдроқ киши истиқомат қилади. Бектемир, Яккасарой ва Миробод эса энг кичик туманлар ҳисобланади.

Тошкентда аҳоли таркиби жуда хилма-хил. Бу ерда қарийб 100 миллат ва элат вакиллари яшайди. Миллатларнинг бундай турли туманлиги қадимдан Тошкентга хос хусусиятдир.

Аҳолининг кўп қисми ўзбек миллатига мансубдир. Унинг аҳоли умумий сонидаги салмоғи мунтазам ошиб бормоқда. Агар бу кўрсаткич 1959 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш якуни бўйича 34,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш якуни бўйича - 44,2 фоизни ташкил этган. Тошкентда аҳолининг ҳар 1000 киши ҳисобига табиий ўсиши 1960 йилда 19,3 кишини ташкил этган.

XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб Тошкент шаҳар аҳолисининг кўпайиши сустлашганлиги хатто айрим йилларда унинг сони қисқарганлиги кузатилади. 1989 йилда шаҳар аҳолисининг сони 102.1 минг киши бўлса, 1991 йилда аҳолининг мутлоқ кўпайиши 55 минг кишини ташкил этди.

Маълумки, кўпчилик минтақаларда аҳоли таркибидаги аёллар сони эркаклар

сонидан ортиқроқдир. Бу жихатдан Тошкент шаҳри ҳам истисно эмас. Лекин бу ерда аҳоли умумий сонида эркаклар ва аёллар нисбатида фарқ катта эмас. Жумладан, 1979 йилдаги аҳоли рўйхатида хотин - қизлар 51,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 50,1 фоизни ташкил қилди. 2015 йил статистик маълумотларга қараганда Тошкент шаҳрининг энг йирик туманларида - аҳоли таркибидаги ўзбеклар сони салмоғи ортиқ бўлган Олмазор тумани билан Шайхонтохур туманида эркаклар хотин - қизлардан камроқ; Шайхонтохурда аёллар сони - 51,9%, эркаклар-49,1% ва Олмазорда аёллар сони - 50,7%, эркаклар -48,3 фоизни ташкил этади.[14]

2005 йил статистик маълумотларига кўра Ўзбекларнинг шаҳар маъмурий туманлари бўйича жойлашуви хар хил. Ўзбекларнинг энг кўпи - Шайхонтохур туманига, энг кам қисми Миробод туманига тўғри келган.

Тошкент шаҳрида яшайдиган жами ўзбекларнинг тўртдан уч қисми Олмазор, Шайхонтохур, Юнусобод ва Учтепа туманларига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент аҳолиси таркибида ёшлар салмоғининг қиёсий таҳлили пойтахтда туғилиш кўрсаткичлари бир оз пастлигидан далолат беради. Хусусан болалар ва ўсмирлар (0-16 ёшдагилар) жами Республика аҳолисининг 37,4% ни ташкил этган ҳолда Тошкент бўйича бу кўрсаткич 27,4% га тенг. Кекса ёшлилар ( 55 ёшдан юқори аёллар ва 60 ёшдан юқори эркаклар ) салмоғи эса Республикада 7 % ни, шаҳарда 11,7% ни ташкил этади.

Тошкент таркибидаги маъмурий ҳудудий бирликлар аҳолисининг умумий сони, табиий ўсиши, миллий таркиби, миграция бўйича ўзаро фарқ қилади. Жумладан юқори ўсиш суръатлари таркибида маҳаллий миллат вакиллари кўпчиликини ташкил этувчи Олмазор (1,54%), Шайхонтохур (1,48%) туманларида кузатилади. Қуйи кўрсаткичлар эса маҳаллий миллат вакиллари камчиликини ташкил қилувчи Миробод (0,6%) ва Яккасарой (0,5%) туманларига тааллуқлидир.[15]

2012 йилнинг бошига келиб Тошкентнинг доимий аҳолиси сони 2206,3 минг кишига етди. Бундан 50,8% - аёллар, 4,2% - эркаклардан иборат. Аҳоли сони бўйича Тошкент шаҳри МДХ давлатлари орасида тўртинчи ўринда туради (Москва, Киев ва Санкт Петербург шаҳарларидан кейин).

Шаҳарда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. 2013 йил статистик маълумотга кўра, Тошкент шаҳар аҳолиси сони 2 млн.350 минг кишини ташкил қилади. Тошкент умумий аҳоли сонига кўра дунёдаги етакчи шаҳарлар қаторига киради.

2014 йил статистик маълумотларга кўра, ўзбекларнинг шаҳар маъмурий туманлари бўйича жойлашуви энг кўпи - Олмазор туманига, энг кам қисми - Бектемир туманига тўғри келади.[16] Жумладан шу даврда Тошкент шаҳар аҳолиси 2 млн.3528,96 минг кишини ташкил этган бўлса, 2015 йилда 2 млн.3712,69 минг кишини, 2017 йилда 2 млн.4241,46 минг кишини, 2018 йилда 2 млн.4649,33 минг кишини, 2019 йил 1-январ ҳолатига 2млн.5099,69 кишини ташкил этмоқда.[17]

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг яқин ўтмиш тарихи ҳақидаги манбаларда Тошкент шаҳрининг маъмурий ҳудудий тузилиши, аҳоли таркиби, миграцияси ҳақида жуда кўп фактлар мавжуд бўлиб, уларни динамик ва қиёсий таҳлил қилиш шаҳардаги демографик жараёнларни ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Алимова Д.А, Филанович. Тошкент тарихи. АРТ ФЛЕХ. -Тошкент, 2007. -Б.3. (Alimova DA, Filanovich. History of Tashkent. ART FLEX. -Tashkent, 2007. -P. 3.)
2. Аминов М.Н. Шаҳри азим-Тошкент. -Тошкент, -Б 6. Бартольд В.В. Тошкент. Сочинения: В 9-ти Т. -М, 1965 -Т. 3. 499-502. 2. Aminov MN The ancient city of Tashkent. -Tashkent, -B 6.; Bartold V.V. -Tashkent. Works: In 9 T. -M, 1965 -T. 3. -P.499-502.
3. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг "Тарихи жадидаи Тошканд" асари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -Б-52. (Sultonov UA Muhammad Salihhoja and his book "Tashkent in the History of History". - Tashkent: Uzbekistan, 2009. -P.52.)
4. Ўша жойда (There).
5. Ўша жойда (There).
6. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида. -Тошкент, 2013. -Б 22.(Ziyayeva D. Cities of Uzbekistan. The second half of the 19th - the beginning of the 20th century. - Tashkent, 2013. -P. 22)
7. Ўша жойда (There)
8. Тошкент энциклопедияси. -Тошкент, 1992. -Б.30.(The Tashkent Encyclopedia. - Tashkent, 1992. - P.30.)
9. Тошкент энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. -Тошкент: 2009. 180 б. (The Tashkent Encyclopedia. State Scientific Publishing House of the National Encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent: 2009. 180 p.)
10. Тошкент энциклопедияси. -Тошкент, 1992. -Б.30. (The Tashkent Encyclopedia. - Tashkent, 1992. - P.30.)
11. Ўша жойда (There).
12. Тошкент маҳаллалари: анъनावийлик ва замонавийлик. -Тошкент: 2002. -Б.178. (Tashkent mahallas: Tradition and modernity. - Tashkent: 2002. - P.178.)
13. Тошкент маҳаллалари. Маълумотнома. -Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2011. -Б.101. (Tashkent mahallas. Reference book. - Tashkent: State Scientific Publishing House. 2011. -P.101.)
14. Алимова Д.А., Филанович М.И.. Тошкент тарихи. (Қадимги даврдан бугунги кунгача) -Тошкент: АРТ ФЛЕХ. 2007. -Б 70.(Alimova DA, Filanovich MI .. History of Tashkent.(From ancient times to the present day) - Tashkent: ART FLEX. 2007. -B. 70).
15. Шевяков А.И. Населения Ташкента в конце XIX-начале XX вв. -М 2000. -С 56.(Shevyakov A.I. The population of Tashkent in the late XIX-early XX centuries. -M 2000. -P 56.)
16. Аҳмедов Э.А. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси қисқача маълумотнома. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -Б.68. (Ahmedov E.A. Saidaminova Z. Summary of the Republic of Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 2006. -P.68).
17. Тошкент шаҳар статистика маълумотлари. 2019 й. 17. (Tashkent city statistics. 2019).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хайитов Назар,  
"Уздонмаҳсулот" АК ходими

## ҲОЗИРГИ КУНДА ПОКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

*For citation: Nazar Hayitov. Pakistan's partnership relations with Central Asian countries at the present time. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 44-53*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-07>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Покистоннинг бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида олиб бораётган ташқи сиёсати ҳамда минтақа давлатлари билан муносабатларининг ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу алоқалар истиқболлари ҳозирда амалга оширилаётган турли ҳамкорлик лойиҳалари орқали ёритилган.

**Калит сўзлар:** хавфсизлик масалалари, Афғон муаммоси, энергетик лойиҳалар, ТАПИ, CASA-1000, транспорт-логистик лойиҳалар

Хайитов Назар,  
УМЭД

## СОТРУДНИЧЕСТВО ПАКИСТАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В НАСТОЯЩЕЕ ВРЕМЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется текущая внешняя политика Пакистана в Центральной Азии и состояние его отношения со странами региона. Перспективы этих отношений также подчеркиваются в рамках различных текущих проектов сотрудничества.

**Ключевые слова:** проблемы безопасности, Афганский вопрос, энергетические проекты, ТАПИ, CASA-1000, транспортно-логистические проекты.

Nazar Hayitov,  
UWED

## PAKISTAN'S PARTNERSHIP RELATIONS WITH CENTRAL

## ASIAN COUNTRIES AT THE PRESENT TIME

### ANNOTATION

This article analyzes the current foreign policy of Pakistan in Central Asia and condition of its relations with the countries of the region. The prospects for this relationship are also highlighted in various ongoing cooperation projects.

**Key words:** security issues, the Afghan problem, energy projects, TAPI, CASA-1000, transport and logistical projects.

Покистон бугунги кунда ўз ташқи сиёсатида барча мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, уни янада ривожлантириш ҳамда мавжуд иқтисодий муносабатларни ўзаро манфаатли тарзда олиб боришни илгари сурмоқда. Ҳар бир мамлакат сингари Покистон ҳам ўз ташқи сиёсатини миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб боради ва уни, авваламбор, ўзига муҳим минтақаларга нисбатан йўналтиради. Шундай экан, Покистон ташқи сиёсатидаги энг муҳим минтақалардан бири бу - Марказий Осиё минтақасидир. Ушбу минтақанинг Покистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутишининг асосли сабаблари мавжуд. Жумладан, хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, Афғонистондаги ҳолатга бўлган муносабат, географик жойлашуви, табиий ресурсларга бойлиги, диний ва маданий қарашлардаги яқинлик, улкан истеъмол бозор мавжудлиги ҳамда ўз навбатида, минтақа давлатларининг бир қатор масалаларда Покистон билан манфаатлари уйғунлигини бунга мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, Покистон дунёдаги ядро қуролига эга кам сонли қудратли давлатлардан бири сифатида Марказий Осиё минтақасидаги кучлар мувозанатини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Юқорида таъкидланганидек, Покистон ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида маданий яқинлик мавжуд. Буни динда ҳамда уларнинг қадимдан мавжуд алоқаларида яққол кузатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг қисқа фурсатда Покистон томонидан тан олинган ҳамда дипломатик алоқалар ўрнатилган. Жумладан, Покистон Ислом Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олди. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилган. Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси 1992 йилнинг июнь ойида очилди. Ўзбекистоннинг Исломободдаги элчихонаси эса 1994 йил июль ойидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. 1992 йил мартдан 2001 йил октябрь ойига қадар Карачи шаҳрида Ўзбекистоннинг Бош консулхонаси фаолият юритган. Қозоғистон Республикаси билан эса дипломатик алоқалар 1992 йил 24 февралда ўрнатилган. 1994 йил 27 ноябрдан эса Исломобод шаҳрида Қозоғистон элчихонаси фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, бошқа Марказий Осиё давлатлари билан дипломатик алоқалар ҳам мустақилликнинг илк йилларига тўғри келади: Тожикистон билан 1992 йил 6 июнь, Туркменистон билан 1992 йил 9 май ҳамда Қирғизистон билан 1992 йил 10 май куни. Бундан ташқари, Покистон ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарлари ҳамда ҳукумат аъзолари томонидан давлат ташрифлари, учрашувлардоимий тарзда амалга оширилиб турилади ҳамда турли минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам мунтазам мулоқотлар бўлиб туради. Ушбу дипломатик алоқалар ва учрашувларнинг доимий мавжудлиги томонларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришдан манфаатдор эканлигини

кўрсатади ва албатта, бундай бўлишига бир қатор муҳим омиллар мавжуд. Ушбу омиллар ҳақида қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Томонларнинг ўзаро муносабатларида хавфсизлик масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар иккала томон анчадан буён азият чекиб келаётган ва қарши курашаётган, хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар мавжуд. Буларнинг асосийларига терроризм, диний экстримизм, ноқонуний қурол ва наркотик моддалар савдосини киритишимиз мумкин. Маълумки, Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларини назорат қилиш анчагина мушкул ва шу сабабли ҳам ушбу ерлар террористик гуруҳлар қўним топган макон дея эътироф этилиб келинади. Шунинг учун ҳам, ушбу таҳдидларга курашиш мақсадида томонлар ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор ҳамда уни ривожлантиришга ҳаракат қилиб келишмоқда. Мисол учун, 2002 йил Покистоннинг Қозоғистондаги элчихонасида Покистон Қуролли Кучлари ҳарбий атташеси аккредитациядан ўтган ва ўз навбатида, 2003 йил Исломободда Қозоғистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг ҳарбий атташеси ўз фаолиятини бошлаган. 2015 йил 26 август куни, Покистон Бош вазири Н.Шарифнинг Қозоғистонга қилган ташрифи доирасида иккала давлат Мудофаа вазирликлари ўртасида Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари хизматчиларининг Покистондаги Олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олиши тўғрисида шартнома имзоланган. Шунингдек, 2019 йил 26 апрель куни Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятидаги "Фориш" полигошида Ўзбекистон, Туркия ва Покистон қўшинлари бўлинмалари ўртасида "Ҳамдўстлик қалқони-2019" махсус тактик-ўқув машғулотларининг якуний босқичи ўтказилди. Машғулотларни Ўзбекистон Қуролли Кучлари бош штаби бошлигининг ўринбосари полковник Шуҳрат Икрамов, Туркия ҳамда Покистоннинг Ўзбекистондаги ҳарбий атташелари Мустафа Балоглу ва Имрон Ориф, масъул офицерлар бевосита кузатиб борди. Шу каби ҳарбий ҳамкорлик ҳамда ҳарбий-ўқув машғулотлари Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан ўтказиб келинади. Ҳамда ҳарбий ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишини томонлар хоҳлашади ва хавфсизликка таҳдид бўлаётган омилларни биргаликда бартараф этишдан манфаатдор.

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатларининг Покистон билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик олиб боришининг яна бир муҳим сабабларидан бири - Марказий Осиёдаги тинч-тотувлик, барқарорлик ҳамда хавфсизликка раҳна солишга уринаётган кўплаб диний экстремистик ташкилотларнинг Покистон ҳудудида яширин жойлашган ҳолда фаолият олиб боришидир. Бунданга энг ачинарлиси эса ушбу гуруҳлар қаторини Марказий Осиёлик ёшлар билан тўлдиришга, улар орқали ғаразли ниятларини амалга оширишга уринаётганлиги десак, асло муболаға бўлмайди. Сир эмаски, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг кўпчилиги қисмини ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар ташкил этади. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг илк йилларида ислом давлати ўрнатишга бўлган ғаразли уринишлар амалга оширилган. Тожикистондаги фуқаролар уриши ва Намангандаги бўлиб ўтган воқеалар бунга яққол мисол бўла олади. Бунақанги уринишларни хоҳлаётганлар ва ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишни ният қилган ҳолда ҳозирда ушбу террористик гуруҳларга аъзо бўлаётганлар ва уларни қўллаб-қувватлаётганлар мавжуд. Минтақадаги хавфсизлик ҳамда барқарорликнинг таъминланишидан ҳамда мустақамланишидан нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки, Покистон ҳам бирдек манфаатдор. Шунинг учун ҳам

ҳавфсизликни таъминлаш йўлида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари давлатлараро муносабатларда муҳим ўрин эгаллашда давом этади.

Афғонистондаги вазият ҳам томонлар алоқаларида ўз ўрнига эга. Чунки, Афғонистонни иккала томон муносабатларининг деярли барча жабҳаларида учратишимиз мумкин. Афғонистон Покистон ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари билан чегарадош давлат сифатида улар ўртасидаги ҳавфсизлик масалалари, иқтисодий алоқалар, энергетик лойиҳалар, транзит йўллар қурилиши каби стратегик муносабатларда муҳим ўрин тутди. Покистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг сустривожланишига ҳам айнан Афғонистонда юз берган воқеалар сабаб бўлган. Чунки, Афғонистондаги фуқаролар уруши даврида томонлар турли кучларни қўллаб-қувватлаганлар. Яъни, Покистон толибонларни қўллаб-қувватлаган ҳамда ҳокимиятни эгаллаганда уни қонуний дея тан олган кам сонли давлатлардан бири эди. Толибонлар илгари сурган шариат қонунлари асосида ислом давлатини қуриш гоёси аҳолисининг кўпчилик қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган Марказий Осиё давлатлари ҳавфсизлиги учун жиддий таҳдид сифатида кўрилди ҳамда улар толибонларга қарши курашаётган Шимолий Альянсни қўллаб-қувватлашди. Ушбу ҳолатни таҳдид дея ҳисоблашга сабаб эса минтақа аҳолисининг мўтадил ислом динига эътиқод қилиши, яъни улар учун дин ҳамда давлат ўртасида тафовутнинг мавжудлиги. Шу сабабдан ҳам Афғонистондаги воқеаларнинг минтақа ҳудудига ёйилиши, мавжуд диний экстремистик кучларнинг яна фаоллашиб, мавжуд барқарорликка путур етказишидан ҳавфсирашган ва айнан шу сабабдан ҳам Шимолий Альянсни қўллаб-қувватлаган ҳолда Покистон билан муносабатларида муайян масофа сақлашган. Лекин, ҳар иккала томон 2001 йил АҚШга уюштирилган террористик актлардан сўнг Афғонистонга чегарадош ҳудудлар сифатида АҚШнинг терроризмга қарши курашишида ёрдам беришган.

Ҳозирги кунда томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан бирдек манфаатдор. Бу ердаги барқарорлик давлатларнинг ҳар бир соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Шу сабабли Афғонистондаги тинчликка қаратилган учрашувлар ҳамда конференцияларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2018 йил март ойида Афғонистон бўйича ўтказилган конференция. Унда томонлар Афғонистоннинг суверенитетини, миллий бирлигини, ҳукуматини тўлиқ тан олишини, ҳар қандай тинчлик ўрнатишга бўлган хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини таъкидлаган ҳолда Афғонистон бўйича Декларация қабул қилдилар. Шунингдек, томонлар бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши тарафдори ҳамда бунга хизмат қиладиган турли учрашув ва иқтисодий лойиҳаларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Маълумки, халқаро муносабатларда давлатлараро алоқаларни иқтисодий ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, Покистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида Марказий Осиё йўналиши алоҳида муҳимлик касб этади. Чунки, ушбу минтақада Покистоннинг иқтисодий манфаатлари билан биргаликда сиёсий таъсирини кучайтириш ва бу орқали Ҳиндистоннинг минтақадаги таъсирини чеклаш каби геосиёсий манфаатлари ҳам намоён бўлади. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг табиий ресурсларга бойлиги ва очиқ денгизга чиқиш учун Покистондек транзит ҳудудга муҳтожлиги иккала томоннинг ҳам ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини англатади. Покистондаги истеъмол бозорининг катталиги ва ресурсларга бўлган доимо ўсиб борувчи талаб унинг ўз

ташқи иқтисодий сиёсатида намоён бўлган ҳолда, мунтазам тарзда ресурсларга бой ҳудудлар билан алоқаларни ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, бу орқали импортда маълум минтақага боғланиб қолишнинг олди олинади. Томонлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг улкан имкониятлари мавжуд бўлишига қарамай савдо кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Марказий Осиё минтақасининг 2016 йилги Покистон савдо айланмасидаги улуши бор йўғи 0,13 фоизни ёки 87,4 млн АҚШ долларини ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Покистоннинг сўнгги йиллардаги Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

**1-жадвал**

Покистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан 2016 ва 2017 йиллардаги савдо кўрсаткичлари (млн. АҚШ долларида)

Кўрсаткич	Туркменистон		Қозоғистон		Тожикистон		Ўзбекистон		Қирғизистон	
	2016	2017	2016	2017	2016	2017	2016	2017	2016	2017
<b>Экспорт</b>	4,002	3,229	24,529	70,441	4,371	2,949	3,376	3,933	1,192	0,928
<b>Импорт</b>	24,956	16,805	2,702	7,626	18,965	8,699	3,224	2,938	0,119	0,117
<b>Жами</b>	28,958	20,034	27,231	78,067	23,336	11,648	6,600	6,871	1,311	1,045

Изоҳ: Ушбу жадвал юқорида кўрсатилган манбалар маълумотида асосан муаллиф томонидан тузиб чиқилди.

Жадвалда келтирилган маълумотларга қарайдиган бўлсак, умумий савдо ҳажми 2017 йилга 117,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, бу 2016 йилга нисбатан деярли 30 млн. АҚШ долларида кўп демакдир. Лекин, савдо айланмасидаги кўрсаткич Покистоннинг фақатгина Қозоғистон билан савдоларида катта ўсиш бўлганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон билан ҳам бироз бўлса-да ўсиш бор. Аммо, бошқа давлатлар билан бўлган савдо алоқаларида эса пасайиш мавжуд. Покистондан Марказий Осиёга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, доридармонлар, кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинади. Марказий Осиёдан эса пахта толаси, ипак буюмлар ҳамда турли рангли металллар импорт қилинади.

Покистон ҳамда Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлик соҳаларига қарайдиган бўлсак, бу ерда энергетика соҳаси алоҳида ўрин тутади. Айнан ёқилғи маҳсулотлари ва электр энергиясининг етишмовчилиги Покистон иқтисодиётининг секин ривожланишига сабаб бўлаётган асосий омил саналади. Шунинг учун ҳам Покистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда турли энергетик лойиҳаларни амалга оширилишини қўллаб-қувватламоқда ва бу орқали эҳтиёжларининг маълум



қисмини қоплашга эришишмоқчи. Бундай лойиҳаларга ТАПИ (Туркменистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон) газ қувири ва CASA-1000 (Central Asia-South Asia-1000) электр линияси яққол мисол бўла олади.

ТАПИ (TAPI - Turkmenistan-Afghanistan-Pakistan-India) газ қувири барча томонларнинг манфаатларига тўғри келадиган, табиий газнинг улкан захирасига эга Туркменистондан уни ушбу ресурсга эҳтиёжманд Афғонистон, Покистон ҳамда Ҳиндистонга давлатларига экспорт қилишни кўзда тутадиган йирик энергетик лойиҳадир. Ушбу лойиҳа Туркменистон учун унинг энергия экспортида анъанавий бўлган Россия, Эрон ва Хитой бозорларидан ташқари яна бир улкан истеъмол бозорининг шаклланишига ва иқтисодиётининг янада турфа хил бўлишига замин яратади. Лойиҳага кўра, газ қувири Туркменистоннинг жанубида жойлашган Галкиниш йирик табиий газ конидан Афғонистон ва Покистон орқали Ҳиндистоннинг Фазилка шаҳригача экспорт қилиш кўзда тутилган. Унинг йиллик қуввати 33 млрд метр куб ёки суткасига 90 млн метр куб газ демакдир. Унга кўра, суткалик 90 млн метр кубдан Афғонистон 14 млн, Покистон ва Ҳиндистон эса 38 млндан кунлик импорт қилиши режалаштирилган. Ушбу газ қувирининг узунлиги 1814 км бўлиб, шундан 214 км Туркменистон ҳудудига, 774 км Афғонистон ҳудудига, 826 км эса Покистон ҳудудига тўғри келади. Лойиҳа инфратузилмасининг умумий қиймати 10 млрд АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг қурилиш ишлари 2015 йил 13 декабрда Марв шаҳри яқинида Туркменистон Президенти Г.Бердимухаммедов, Афғонистон Президенти А.Фани, Покистон Бош вазири Н.Шариф ҳамда Ҳиндистон Вице-президенти М.Ансари иштирокида ташкил қилинган тадбирда тантанали равишда бошлаб берилди.

Лойиҳада амалга оширилиши режалаштирилган ишларнинг кўлами ҳам унинг нақадар улкан аҳамият касб этишини англатиб турибди. Ундан кўзланган мақсад барча иштирокчиларнинг манфаатларига тўлиқ мос келади. Бир сўз билан айтганда, ТАПИ газ қувири экспорт қилувчи, транзит ҳамда импорт қилувчи давлатлар учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали, барқарор ривожланишни таъминлашга кўмаклашувчи муҳим омил ва албатта, Марказий Осиё ҳамда Жанубий Осиё минтақаларини яқинлаштирадиган йирик стратегик лойиҳадир. Ундаги қурилиш ишларини 2019 йил охирига қадар тугаллаш режалаштирилган бўлишига қарамасдан, уни амалга оширилишига доир бир қатор баҳсли масалалар мавжуд. Бу биринчи ўринда, унинг хавфсизлиги билан боғлиқ. Чунки, юқорида таъкидланганидек, унинг 774 км узунликдаги қисми Афғонистон ҳудудига тўғри келади ва ўз ўзидан, тинчлик ва барқарорлик тўлиқ таъминланмаган давлатда бундай узун газ қувирини қуриш хавfli ва бефойда эканлиги кўзга ташланади. Лекин, Афғонистон ушбу лойиҳанинг мамлакат иқтисодиёти учун нақадар муҳим эканлигини ҳис қилиб турибди ва шунинг учун ҳам уни қўриқлаш мақсадида алоҳида 7 минг нафар ҳарбий хизматчини жалб қилишга вада берди. Чунки, Афғонистон ҳукумати ушбу лойиҳа орқали нафақат кунлик 14 млн метр куб газ, балки унинг транзит тўловлари орқали йилига 400 млн АҚШ долларигача даромад қилишни кўзламоқда.

Шунингдек, икки минтақа ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган яна бир шундай лойиҳа - CASA-1000 (Central Asia-South Asia-1000) лойиҳасидир. CASA-1000 лойиҳаси орқали Тожикистон ва Қиғизистондан ёз фаслида ортиқча электр энергияни Афғонистон ва Покистонга экспорт қилиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг қиймати 1,13 млрд АҚШ доллари миқдорида

баҳоланмоқда. Ушбу улкан электр линияси Қирғизистоннинг Датка шаҳридан бошланиб Покистоннинг Пешовар шаҳригача бўлган ҳудудни қамраб олади ҳамда йилига 1300 мвтгача электр энергияни экспорт қила олади. Лойиҳанинг якуний босқичини 2020 йилда тугаллаш режалаштирилган. Харажатлар эса қуйидагича тақсимланган: Қирғизистон 209 млн, Тожикистон 314 млн, Афғонистон 354 млн ва Покистон 209 млн АҚШ доллари миқдорида. Ушбу лойиҳанинг қурилиш ишлари 2016 йил 12 май куни Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида тантанали равишда бошлаб берилди. Унда Тожикистон Президенти ҳамда бошқа давлатларнинг Бош вазирлари иштирок этди. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Тожикистон гидроресурларининг ишлаб чиқариш қуввати соатига 527 млрд квтдан юқори эканлиги, ҳозирда ушбу имкониятнинг фақатгина 5 фоизи ўзлаштирилганлигини таъкидлаган ҳолда бошқа давлатлар учун фойдали бўладиган тахминан 5 млрд квт энергияни ёз даврида шунчаки йўқ бўлиб кетишини таъкидлади. Шунингдек, ушбу лойиҳа орқали энергетик мустақилликка эришишни алоҳида қайд этиб ўтди.

Умуман олганда, ушбу лойиҳа ҳам барча иштирокчилар учун фойдали ҳисобланади. Чунки, Покистон ва Афғонистонда йил бўйи электр энергияси тақчиллиги мавжуд ва ўз навбатида, Қирғизистон ва Тожикистонда эса ёз ойларида ортиқча электр энергияси исроф бўлади. Ушбу исрофгарчилик тўғри йўналтирилса, бундан барча бирдек манфаатдор бўлиб, уни оқилона ишлатган ҳисобланади. Лекин, бу лойиҳа устида ҳам турли баҳсли масалалар мавжуд. Жумладан, экспорт қилиш салоҳияти тахминан ҳисобланган ҳолда таъкидланмоқда. Яъни, айрим мутахассисларнинг фикрича, Тожикистон ёз даврида ортиб қолган электр энергиясини тўлиқ экспорт қилгандан сўнггина, Қирғизистондан келадиган электр энергияни Афғонистон ва Покистонга етказиб беришни таъминлайди. Ушбу ҳолатнинг юз бериши икки экспорт қилувчи давлат ўртасида келишмовчиликни келтириб чиқариши, табиий. Шунингдек, электр линияси Афғонистоннинг нисбатан тинчроқ ҳисобланмиш шимолий ҳудудларидан ўтганлиги боис, хавфсизлик масалаларида бироз ижобий ҳисобланади, лекин бу билан лойиҳанинг Афғонистондаги қисми тўлиқ хавфсиз деб бўлмайди. Албатта, эҳтимолий оқибатлар барча лойиҳаларда мавжуд ҳодиса ҳисобланади ва юқоридаги ҳам бундан мустасно эмас. Умуман олганда, ушбу лойиҳа иштирокчи давлатлар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, улар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиради.

Шунингдек, ушбу энергетик лойиҳаларни Ўзбекистон ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлашини ҳамда уларда иштирок этишини билдирган. Жумладан, юртимиз раҳбари транспорт-коммуникация, транзит, логистика масалалари жуда муҳимлигини ва уларни ҳал қилишимиз лозимлигини, ТАПИ - бу Афғонистонда биз қилишни хоҳлаётган тинчлик ва барқарорликни таъминлайдиган улкан лойиҳа эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ушбу лойиҳада Ўзбекистоннинг ҳам иштирок этиши тўғрисида келишиб олинганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов 2018 йил 28 ноябрда Афғонистон бўйича Женева шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда Сурхон-Пули-Хумриэлектр линиясининг қурилиши Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергиясини етказиб беришни 70 фоизга - йилига 6 млрд. кВтга оширишини, Қобулни Марказий Осиё энергетика тизимига улашини ҳамда ушбу линия CASA-1000 лойиҳасининг таркибий қисми бўлиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда Ўзбекистон шу каби лойиҳаларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини айтиб ўтди. Юқорида амалга оширилиши

режалаштирилаётган лойиҳалар Покистоннинг Марказий Осиё минтақаси билан олиб борадиган ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд эканлигидан далолат бериб турибди.

Марказий Осиё давлатларининг Покистон билан алоқаларини ривожлантиришнинг яна бир муҳим омилларидан бири бу - унинг транзит ва логистика салоҳияти ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон учун очиқ денгизга чиқишнинг энг қисқа йўли Покистон денгиз портлари орқалидир. Покистон портлари орқали қисқа муддатда жаҳон савдо йўлларига чиқилади ҳамда ташқи савдода кўплаб имкониятлар очилади. Шунинг учун ҳам, Покистон билан транспорт-коммуникацион инфратузилмани ривожлантиришга фаол эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Мозори-Шариф-Қобул-Пешовар" темирйўли лойиҳасини бунга мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан 2018 йил 3-4 декабрь кунларида Тошкентда Россия, Қозоғистон, Афғонистон ва Ўзбекистон темир йўл хизматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ҳамда умумий ишчи гуруҳи ва молиявий консорциум ташкил этиш ҳақида келишиб олинди. Ушбу янги темир йўлларнинг узунлиги тахминан 2 минг км бўлиши режалаштирилган. Айнан ушбу йўллар атрофида уни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида юқорида таъкидланган Сурхон-Пули-Хумри электр линияси қурилиши ва уни Пешоваргача етказиш белгилаб олинган. Агарда ушбу лойиҳа амалга ошиб, Покистон портларига чиқилса, бу бутун минтақа иқтисодийнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Покистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси муҳим ўрин эгаллашда давом этади. Бунга юқорида келтириб ўтилган хавфсизлик доирасидаги, иқтисодий ва энергетик ҳамкорлик алоқалари билан биргаликда унинг минтақадаги геосиёсий манфаатларининг мавжудлиги ҳам яққол мисол бўла олади. Покистон илгари сурадиган геосиёсий мақсадлар унинг Ҳиндистон билан қарама-қаршилиги сабабли намоён бўлади ҳамда бу сиёсат ушбу минтақада ва Афғонистонда Ҳиндистон таъсирини чеклашга қаратилган. Шунингдек, Покистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида умумий чегаранинг мавжуд эмаслиги улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда бироз тўсиқ бўлса-да, томонлар ҳозирги кунда уни йўқ қилиш устида бош қотиришяпти. Покистон билан Марказий Осиё давлатлари кўплаб минтақавий ташкилотларда ҳам биргаликда таҳдидларга қарши курашиш, барқарорлик ва ривожланишни таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар ўртасида алоқаларни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуддир ва умид қиламизки, яқин келажакда томонлар ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришишади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон-Покистон муносабатлари//Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий веб-сайти - [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)
2. Сотрудничество Республики Казахстан с Исламской Республикой Пакистан/ /Официальный веб-сайт Министерства иностранных дел Республики Казахстан - [www.mfa.kz](http://www.mfa.kz)
3. Отношение Таджикистана с Пакистаном//Официальный веб-сайт Министерства иностранных дел Республики Таджикистан - [www.mfa.tj](http://www.mfa.tj)

4. Сотрудничество Республики Туркменистан с Исламской Республикой Пакистан//Официальный веб-сайт Министерства иностранных дел Республики Туркменистан - [www.mfa.gov.tm](http://www.mfa.gov.tm)

5. Отношение Кыргызстана с Пакистаном//Официальный веб-сайт Министерства иностранных дел Республики Кыргызстан - [www.mfa.gov.kg](http://www.mfa.gov.kg)

6. Сотрудничество Республики Казахстан с Исламской Республикой Пакистан//Официальный веб-сайт Министерства иностранных дел Республики Казахстан - [www.mfa.kz](http://www.mfa.kz)

7. Ўзбекистон, Туркия ва Покистон билан "Фориш"даги қўшма машғулотлар якунига етди. 27.04.2019//[http://www.uza.uz/oz/society/zbekiston-turkiya-va-pokiston-bilan-forish-dagi-shma-mash-ul-27-04-2019?sphrase\\_id=133976](http://www.uza.uz/oz/society/zbekiston-turkiya-va-pokiston-bilan-forish-dagi-shma-mash-ul-27-04-2019?sphrase_id=133976)

8. Декларация Ташкентской конференции по Афганистану. 28.03.2018.//<http://www.uza.uz/ru/politics/deklaratsiya-tashkentskoy-konferentsii-po-afganistanu-mirnyu-28-03-2018>

9. Галищева Н. Центральноазиатский вектор внешнеэкономической политики Пакистана: основные проблемы и перспективы.// Вестник РУДН.Серия:Международные отношения, 2018 Vol.18 №2. Стр. 328-341. //https://cyberleninka.ru/article/n/tsentralnoaziatskiy-vektor-vneshneekonomicheskoy-politiki-pakistana-osnovnye-problemy-i-perspektivy

10.Галищева Н. Центральноазиатский вектор внешнеэкономической политики Пакистана: основные проблемы и перспективы. //Вестник РУДН.Серия:Международные отношения, 2018 Vol.18 №2. Стр. 328-341. //https://cyberleninka.ru/article/n/tsentralnoaziatskiy-vektor-vneshneekonomicheskoy-politiki-pakistana-osnovnye-problemy-i-perspektivy

11.Pakistan exports, imports and trade balance By Country 2017.//https://wits.worldbank.org/CountryProfile/en/Country/PAK/Year/2017/TradeFlow/EXPIMP/Partner/by-country

12.Чепурина М.и Лемуан М. "Проект ТАПИ: геополитический козырь Туркменистана"//https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/proekt-tapi-geopoliticheskiy-kozyr-turkmenistana/

13.Газопровод "Туркменистан-Афганистан-Пакистан-Индия": Проект международного значения//https://www.mfa.gov.tm/ru/energy/news/83

14.Чепурина М. и Лемуан М. "Проект ТАПИ: геополитический козырь Туркменистана"//https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/proekt-tapi-geopoliticheskiy-kozyr-turkmenistana/

15.Ghezel B. The TAPI Pipeline: Expectations and Realities/ /https://www.researchgate.net/publication/312593391\_The\_TAPI\_Pipeline\_Expectations\_and\_Realities

16.Воробьёв А. Государства Центральной Азии и Пакистан: неспешная дорога к партнёрству// [http://e-ced.ru/articles/Gosudarstva\\_Centralnoy\\_Azii\\_i\\_Pakistan\\_nespeshnaya\\_doroga\\_k\\_partnerstvu/](http://e-ced.ru/articles/Gosudarstva_Centralnoy_Azii_i_Pakistan_nespeshnaya_doroga_k_partnerstvu/)

17.По региональному проекту CASA-1000 объявлен тендер на строительство подстанций в Таджикистане и Пакистане//https://catoday.org/centrasia/29525-po-regionalnomu-proektu-casa-1000-obyavlen-tender-na-stroitelstvo-podstanciy-v-tadzhikistane-i-pakistane

18.Саркорова А. Проект CASA-1000 свяжет Центральную и Южную Азию//[https://www.bbc.com/russian/international/2016/05/160512\\_casa\\_project\\_launch](https://www.bbc.com/russian/international/2016/05/160512_casa_project_launch)

19.Узбекистан будет участвовать в проекте ТАПИ. 23.04.2018. Источник: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/04/23/tapi/>

20.Ўзбекистон-Покистон муносабатлари//Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий веб-сайти - [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)

21.Россия, Узбекистан, Казахстан, Афганистан и Пакистан создадут финансовый консорциум для строительства новой ж/д. 07.12.2018//<https://podrobno.uz/cat/economic/rossiya-uzbekista12345/>

---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---

**Ўтаева Феруза Холмаматовна,  
Жумаева Нилуфар Ахмадовна,**

Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчилари  
Бухоро давлат университети

## МАНГИТ ҲУКМДОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ШАХСИЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ДАВРИЙ МАТБУОТ ТАЛҚИНИДА

---

*For citation: Feruza Kh.Utaeva, Nilufar A.Zhumaeva. The interpretation of the reign of mangit rulers and their personality in periodical press. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 54-61*

---



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-08>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Бухорода мангит ҳукмдорларининг шахсияти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти мустақиллик даврий матбуотнинг манбавий аҳамияти ҳақидаги мақолалар илмий ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Шарққўлёмалари, амирлик, характер, шахсийхислат, хазина, иқтисодийҳаёт, масжид-мадраса, тарихшунослик, тадқиқот, ёзмадгорилик

---

**Утаева Феруза Холмаматовна,  
Джумаева Нилуфар Ахмадовна**

Бухарский государственный университет  
старший преподаватели кафедры истории Бухары

## ОСВЕЩЕНИЕ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАНГЫТСКИХ ПРАВИТЕЛЕЙ В ПЕРИОДИЧЕСКИХ ИЗДАНИЯХ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье, проведен анализ статей, опубликованных в прессе в годы независимости, посвященных мангытским правителям в Бухаре и их социально-политической деятельности.

**Ключевые слова:** рукописи Востока, эмират, характер, личностные качества, клад, экономическая жизнь, медресе, историография, исследование, письменные памятники

**Feruza Kh.Utaeva,  
Nilufar A.Zhumaeva,**  
Bukhara State University  
senior lecturers of the department of history of Bukhara

## THE INTERPRETATION OF THE REIGN OF MANGIT RULERS AND THEIR PERSONALITY IN PERIODICAL PRESS

### ANNOTATION

The article presents scientific study and analysis of the articles published during the independence about Mangit rulers of Bukhara and their social and political activity.

**Key words:** Eastern manuscripts, Emirate, character, personal trait, treasure, economical life, mosque and medrese, historiography, research, written relics.

**К**ирриш. Биз истиқомат қилаётган ҳудуд ёзма ёдгорликларга бой минтақалардан бири саналади. Тарихимизга тегишли қўлёзма китоблар, нодир ҳужжатлар маданий-маънавий мерос сифатида илмий муассасаларда, музейлар ва архивларда сақланмоқда. Уларнинг бир қисми эса шахсий коллекциялардан ўрин олган.

Истиқлол туфайли Ватан тарихи ва Бухоро манғит ҳукмдорларининг шахсиятлари ва ижтимоий - сиёсий фаолияти тўғрисида кўпгина мақолалар матбуот саҳифаларида чоп этила бошланди. Бу борада тарихшунос, музейшунос, архившунос, тасаввуфшунос олимларнинг ўлкамиз тарихига бағишланган илмий мақолаларини қайд қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек: "Бизнинг матбуотимизда тарихга оид мақолалар чоп этилганда, муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқатни ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озикланади" [1,62-64]. Ушбу фикр миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш истиқболларини Бухорода чоп этилаётган даврий матбуот саҳифаларини кузатар эканмиз, Бухоро ҳукмдорларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида илмий-оммабоп мақолаларнинг аксарияти қўлёзма асарлар асосида ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўрта Осиёда, жумладан, Бухорода битилган қўлёзмаларнинг хорижий мамлакатларга ўтиб кетишида расмий ва норасмий жиҳатлари мавжуд. Масаланинг расмий жиҳатига мамлакатлар ўртасидаги ҳукуматлараро алоқалар даврида совға совға қилинадиган қўлёзмалар кирса, норасмий жиҳатига хусусий савдо-сотик, ихтиёрий ташриф натижасида олиб кетилган қўлёзмалар киради. Қўлёзмалар "миграцияси"да яна бир ҳолат кўзга ташланадики, Бухоро, Хива, Қўқон хонлиги саройидаги қўлёзма китоблар ва тарихий ҳужжатлар мусодара қилиниб Россия империяси пойтахтига олиб кетилган. Бухоро амирлиги кутубхонасининг бир қисми Афғонистонга олиб кетилган эди. Шунга қарамадан тарихимизнинг олтинга тенг қўлёзма мероси тарихчи олимларимиз

томонидан таржима қилиниб, матбуотда эълон қилинмоқда.[8,2].

Асосий қисм. Тарихчи олимлардан Ҳ.Тўраев [7,8], Ш.Ҳайитов [12], Ғ.Қўрбонов [9,10,11], Қ.Ражабов [5,6] мақолаларида Бухоро манғит ҳукумдорларининг сиёсий фаолияти марказий ўринда туради. Манғитлар ва кенагаслар Моварауннаҳрдаги икки рақобатчи қабила бўлиб, доимо бир-бири билан ихтилофда бўлган. Кенагаслар Шаҳрисабз шаҳрида, манғит қабилалари эса Қарши ва унга қўшилган жойларда истиқомат қилганлар. Муҳаммад Раҳимхон Қарши томонда яшаган "Ой эли тўқ манғит" уруғининг вакили бўлиб экин ерлари, мулк, чорва моллари ва катта сармоёга ҳамда ўз қабиласи ва қўшни қабилалар ўртасида эътибор ва нуфузга эга эди. Ўз келиб чиқиш ришталари жиҳатдан баъзи манғитлар аштархонийлар, кенагаслар, темурийларга боғланади. 1753 йилда Муҳаммад Раҳимхон амирлик тожини бошига қўйиб ҳукмронликни бошлади. Бухоро воҳаси ҳудудида яшовчи турли тожик, афғон, ўзбек, турк, араб, эроний, қалмоқ, қирғиз, армани қабилалари бу даврда тўқ ва ошойишта ҳаёт кечирардилар.

Манғит амирларидан Дониёлбий шахсияти ҳақидаги фикрларга келсак: художўй, парҳезкор инсон бўлиши билан бирга Қуръони карим ҳофизи ҳам эди. Қуръони каримни ўзининг чиройли хуснихати билан кўчириб, одамларга совға қиларди. Маоши Бухоро тангаси билан икки тангани ташкил этарди. Саройда канизак ва ғуломларни сақламасди. Уйида рўзғор ишларини хотини бажарарди. Ёзишларича, амир Дониёл ўғлининг оёғида ийди қурбон куни киядиган ковуши йўқ эди ва бундан шикоят қилиб у отасининг олдига боради. Яна нақл борки, амир Дониёл ийда харид қилиш учун ўз ойлик маошинининг бир қисмини олдинроқ беришини сўраб байт ул-молга (ҳазинага) мактуб ёзган. Байтул-мол мутассадилари амир Дониёлбийга "ой охиригача сабр қилинг"- мазмунида жавоб ёзишади. Бу жавобни ўқиган амир Дониёлбийнинг хуши бошидан учеди. Бироздан сўнг ўғлига қараб дейди: "Ийд айёмини оёқ кийимисиз ўтказишга сенинг кучинг етади. Лекин мен ойнинг охиригача сенга ковуш олиб беришга кафолат бераолмайман". Амир Дониёлбий 28 йил ҳукмронлик қилди. Баҳоуддин Нақшбанд қабристонига дафн этилган. Унинг икки нафар ўғли бўлиб, энг каттаси "жаннатмакон" тахаллуси билан эсланадиган Шоҳмуродбий эди.

Амир Шоҳмурод фақирлик либосида юрарди Салласи карбосдан эди. Дастлабки даврларда шоҳлик тожини киймай юрган. Оддий ковуш ва махси кийиб юрган. Хонлик унвонини ўзига бегона тутар, ақобирлар тўйига бормас, ҳеч кимни туҳфасини қабул қилмасди. Ейдиган нарсаси нон ва чой, таоми мошова, сувли хамир бўлиб, ҳафтада бир чорак гўшт аҳли аёли нафақаси ҳисобланган. 16 йил подшоҳлик қилиб, 61 ёшида оламдан кўз юмган ва Бухоронинг Жўйбор гузаридида жойлашган ҳожи Ҳабибулло ва Ҳазрат Имло Раҳматулло мазорига дафн этилган. Амир Саййид Ҳайдар тахтга кўтарилди. У маърифатпарвар олим, тақводор ва саховатпеша ҳукумдор бўлиб, тўрт юзта толиби илмларга сабоқ берган, ғариб мискинларга меҳрибонлик кўрсатган. Уламо ва машойихлар эҳтиромига сазовор бўлган. Унинг етти ўғли ва саккиз қизи бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Ўғилларидан бири Насруллохон Қарши ҳокими, иккинчиси амир Умархон Кармана ҳокими, учинчиси амир Ҳусайн тўра отаси амир Ҳайдар вафотидан кейин тахтга эллик олти кун ўтиради ва вафот этади.

Шундан сўнг укаси амир Саййид Умар Бухорода саксон кун ҳукмронлик қилиб, сўнг ҳокимият Саййид Насрулло қўлига ўтди. Бухоро манғит ҳукумдорлари давридаги ички сиёсий жараёнлар қандай эканлиги музейшунос Ғ.Қўрбоновнинг



"Бухорода пул ислоҳоти" [9,78-82] мақоласида келтириб ўтилган. VII-XX асрларда Бухоро худудида танга товар молиявий қийматини белгиловчи омил эканлиги таъкидланган. Маъсудбек 1270-1271 йилларда пул ислоҳоти ўтказди ва кумуш тангаларнинг ташқи кўринишига ўзгаришлар киритади [2,3,17-69]. Шунингдек, Шарқ тангашунослиги соҳасида етакчи мутахассис Е.А.Давидович хулосаси бўйича, Улуғбек даврида мис тангаларининг зарбхонаси айнан Бухорода бўлганлиги ва Бухоро метал пул белгилари ўрнини 1919-1920 йилларда қоғоз пул белгилари эгаллаганлиги мақолада келтириб ўтилган. 1904-1905 йилларда Амир Абдулаҳадхон "2" ва "32" пул белгилари мис тангалар чиқаради. Қимматчилик, нархларнинг ўсиши шароитида Россияда ҳам биринчи жаҳон урушидан кейин пул тизими соҳасидаги ўзгаришлар вақтида Бухорода пул хўжалиги инқилоб даврининг биринчи босқичи "4", "8" фулус белгилари мис тангалар чиқариш билан яқунланганлигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Мангит ҳукумдорларининг ташқи сиёсатдаги муҳим жиҳатлари ҳақида, ёзма манбалар билан шуғулланган тарихчи олим Ҳ.Тўраевнинг "Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари" рукни остида "Амир Музаффарнинг Рум (Туркия) султониға мактуб"нинг ўзбек тилидаги айнан таржимаси биринчи марта эълон этилганлиги муаллиф томонидан аниқланган [7,2]. Мазкур мақолада таъкидланишича, Ўрта Осиё хонликларида биринчи бўлиб Бухоро ҳукумдори Амир Музаффар рус истилоси тўғрисида чет давлатлардан расмий ёрдам сўрайди. Айнан мактуб Рум султониға Порсо Хўжа Судур исм- шарифли шахс томонидан етказилган. Бундан ташқари шундай мазмундаги мактублар Туркия орқали Англия ва Францияға ҳам юборилганлиги мақолада қайд этиб ўтилган. Демак, Амир Музаффарнинг ҳарбий ёрдам сўраб Рум (Туркия) султониға ёзган мактуби жавобсиз қолмаганлиги, Рум султони гарчи ҳарбий кучлар жўнатмаган бўлсада, Амир Музаффарға мактуб йўллаб, ўз маслаҳатларини берганлиги маълум. Лекин Рум султониининг жавоб мактуби қайси илмий муассасада сақланаётганлиги ва, умуман, бизгача етиб келган ёки келмаганлиги ноъмалумлигини муаллиф ўз мақоласида таъкидлаб ўтган. Ўрта Осиё қўлёмаларини расмий равишда олиб кетишни Россия элчилари бошлаб бердилар. 1818 йилда Россия пойтахти Санкт-Петербургда Осиё музейи ташкил этилди. Ушбу музей ходимлари Шарқ қўлёмаларини тўплашда ташаббускор бўлдилар. Кейинчалик Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро рус дипломатлари, шарқшунослари ва сайёҳлари учун қадимий йўлёмаларни тўплаш объектиға айланди. Рус шарқшуноси А.Г.Туманский 1882 йилда Бухорода ўта нодир қўлёмза асар "Худуд ул-олам"ни топишға муваффақ бўлди ва уни Санкт-Петербургда олиб кетилганлиги ва айни пайтда бу қўлёмза Санкт-Петербургда сақланмоқда ва бебаҳо ёдгорлик ҳисобланади [8,2].

Бухоро ҳукумдори Амир Музаффархон ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида тарих фанлари доктори, ЎзРФА ТИ етакчи илмий ходими Қ.Ражабовнинг матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолаларидан ҳам кўпгина маълумотлар олиш имкони мавжуд. [5,42-43].

Амир Музаффархон шахсияти, унинг Бухоро тарихида тўтган ўрни Аҳмад Донишнинг "Тарихи салтанати мангития", Садриддин Айнийнинг "Бухоро мангит амирларининг тарихи", Мирзо Салимбек (1850-1930) қаламиға мансуб "Таворихи Муттақадимин ва Муттаахирген", Саййид Мансур Олимийнинг "Бухоро-Туркистон бешиги" (форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. "Бухоро" нашриёти, 2004. 50-51 бетлар) асарларига таянган ҳолда ёзилган. Мақолада таъкидланишича, Амир Музаффархон

ҳукумронлиги даврида мамлакатнинг мустақиллиги бой берилган. Тарих гувоҳлигича, Музаффархон ҳукумронлигининг дастлабки йилларида одиллик билан иш юритилган. Солиқлар камайтирилган, порахўр амалдорлар вазифасидан олиб ташланган. Афсуски, кейинги йилларда баъзи вилоятлар ва бекликларда сепаратистик кайфиятлар кучайди. Холбуки, бу пайтда Россия империяси ҳарбий кучларининг тажовузи кучайган эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ички сиёсатни тўғри олиб бориши учун Амир Музаффархондан катта ташкилотчилик, ҳарбий қобилият ва дипломатик маҳорат талаб қилинганди. Лекин амир Музаффар ўз тарихий миссиясини бажара олмади, Бухоро давлати ярим мустамлака ҳолатига тушиб қолади. Мақола муаллифи амир Музаффар фаолиятига баҳо беришда Мир Солийнинг "Тарихи салотини манғития" асаридан фойдаланганда эди, ҳукмдор фаолиятидаги қусурлар янада тўлароқ очиб берилган бўлар эди. Зеро, амирда мамлакатни тарк этиб кетиш нияти пайдо бўлганлиги ва уни бу сиёсатидан қайтарган амалдорлар хусусида ушбу асарда қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Мазкур иш араб ёзувидаги муҳрлар ва уларнинг нусхалари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Амир Музаффархон ҳукумронлик йилларида муҳрларнинг қандай бўлганлиги музейшунос Ф.Қурбоновнинг "Сўнгги ўрта асрлар Бухоро муҳрлари мисолида" [10,46-53] мақоласида қайд этиб ўтилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихини ўрганишда араб ёзувидаги муҳрлар ва уларнинг нусхалари муҳим манбалардан ҳисобланади, аммо айнан Ўзбекистон тўпламидаги юз мингга яқин ҳужжатлар ҳали ўрганилмаган ва нашр этилмаган тарихий ахборот фондини ташкил этади. Манғитлар сулоласи вакиллариининг муҳр нусхалари ҳақида Ф.Қурбонов тўхталиб ўтган. Мақолада Амир Музаффархон даври муҳрларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Манғитлар давридаги муҳрларнинг 7-тури-айлана шакл эканлиги аниқланган. Айнан 7-тури Музаффархон даврига тўғри келади. Музаффархон даврида 12 та муҳр бўлиб бир турли, яъни айлана шаклда бўлиб, ҳошиянинг безатилиши воситасида муҳрларни фарқлаш мумкин бўлган [11,124-131].

Тарихчи олим Ш.Ҳайитовнинг "Амир Абдулаҳадхоннинг Россия империясида қурдирган иншоатлари" мақоласида Абдулаҳадхон шахсияти ва фаолиятига кенг тўхталиб ўтилган. Унда Абдулаҳадхон 14 ёшлигидаёқ Кармана беклигига бек қилиб қўйилгани ва оддий кун кечирганлиги таъкидланади. Ўсмирлик даврида унинг севимли машғулоти тоғ ён бағирларида кийик ва айиқ овлаш, спортнинг югуриш тури билан жиддий шуғулланган. Лекин 1882 йилда Абдулаҳадхон оғир оёқ хасталигига чалиниб, спорт билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлган. Абдулаҳадхонга 1885 йили 4 ноябрда Арк биносига тож кийдириш маросими бўлиб ўтади. 1894 йилда Бухорода диний сепаратистик кучлар тўқнашуви сабабли амир Кармана шаҳрига жўнаб кетади.[13,152-155]

"Татар зиёлилари Бухорода" мақоласида муаллиф Ш.Ҳайитов амир Абдулаҳадхоннинг истилочилик фаолиятига кўпроқ эътибор қаратган Абдулаҳадхоннинг ҳукумдор сифатида ички ва ташқи сиёсий соҳада олиб борган фаолияти қисман акс эттирилган. Амир Абдулаҳадхоннинг 1883 йили Боғчасарой ва Севастополда бўлиб, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, "Таржимон" газетасининг муҳаррири Исмоилбей Гаспиринский (1851-1914) билан бир неча марта учрашгани ва тараққийпарварлик фаолиятига хайрихоҳлик билан қарагани тўғрисида ёзади. Архив манбалари орқали амир Абдулаҳадхон Макка ва Мадинада меҳмонхона, така, хонақоҳ, работ, ҳовли, уй-жой, савдо дуконлари, мадраса,

масжид кабилар қурилишига ҳомийлик қилганлигидан хабар топамиз. XX аср бошларида Бухоро амирлигидан Мадина, Макка, Истанбул шаҳарларига вақф қилинган мулкларнинг умумий баҳоси 735.000 отин сўмга тенг бўлган [9,34-35]. Амир Абдулаҳадхон даврида ҳарбий соҳада ислоҳотлар ўтказилган, савдо ва транспорт компаниялари ишга туширилган. Темир йўл, телефон ва телеграф кириб келган. Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг "Амир Абдулаҳадхон ёхуд "Ожиз" ҳукмдор [6,33-36] мақоласида кўрсатилишича, бу пайт дадавлат маънавий ҳаётида ҳам бир қанча қусурлар мавжуд бўлган. Амалдорлар ўртасида порахўрлик, таъмагирлик авж олиши билан биргаликда жамиятда гиёҳвандлик, баччавозлик ва қиморбозлик кенг тарқалган эди. Мақолада таъкидланишича, Амир Абдулаҳадхон бундай иллатларни йўқотишга кескин киришади. Наша чекиш, кўкнор ичиш, майхурлик қатъиян ман этилади. Шунингдек, мамлакатда шу давргача мавжуд бўлиб келган қул савдоси, маҳбусларга тан жазоси бериш расман ман қилинганлиги айтиб ўтилган.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Н.Наимов амир Абдулаҳадхоннинг Россия ҳукумрон доиралари билан муносабатларини махсус тадқиқотчи объекти сифатида очиб беришга уринган. Унинг "Бухоро амирлигининг Санкт-Петербургдаги масжиди" [4,35] мақоласида келтирилишича, Абдулаҳадхон Петербургда масжид қўриш учун рус императори Николай Александрович олий ҳазратларига мурожаат қилади. Розилик олган амир Абдулаҳадхон Санкт-Петербургдаги қоқ марказидаги ер майдонини Бухоро хазинасининг 312 минг рус рубли ҳисобига сотиб олади. Рус меъмори Н.В.Васильев лойиҳаси асосида гранит тошларидан шарқона услубида қурилиш бошлайди. Абдулаҳадхон ҳукумронлигининг 25 йиллиги муносабати билан 1909 йилнинг 10 феврилидаги Санкт-Петербургда келиб, масжид пойдеворига дастлабки мармар ғиштни шахсан Абдулаҳадхоннинг ўзи қўйган.

Кейинги йилларда бу масжид ёпиб қўйилган, 1950 йилларда эса масжид очилиб Петербург мусулмонлари жамоаси ихтиёрига топширилганлиги муаллиф томонидан эътироф этилган.

Чор Россиясининг пойтахти Санкт-Петербургда мусулмон савдогарлари ва мусофирлари ислом қоидаларидан бири ҳисобланган намоз ўқиш фарзини адо этишлари учун қурилган масжид ҳақида тарихчи олим Ш.Ҳайитов Бухоро Халқ Совет республикаси ҳукуматида халқ маорифи нозири лавозимида ишлаган Қори Йўлдош Пўлатовнинг "Йўл хотиралари" асарида маълумотлар борлигини таъкидлайди [9,34-35].

Манғитлар хонадонининг сўнгги ҳукумдори Бухоро подшоси амир Саййид Олимхон тижорат, саноат, зироат, масжид ва мактабларни кенгайтиришга эътиборини қаратди. Олим ва амирларга хайрихоҳлик кўрсатди. Лашкар маошини бир неча баробар оширди, молияни қисқартирди. Мир Араб мадрасаси, Чор минор, Масжиди аттор, Минораи Калон ва баъзи катта - кичик масжидларни таъмирлаш учун маблағ ажратди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ватан тарихини ёритувчи кўпдан-кўп мақолалар матбуот саҳифаларида чоп этилди. Бухоро манғит ҳукумдорларининг шахсий хислатлари, ички-ташқи ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ мақолаларнинг кўплаб ёзилганлиги давр талабидан келиб чиқди. Манғит амирлари ҳақида жамоатчиликда холисона фикрларни шакллантириш зарурати ҳам бундай мақолалар ёзилиши эҳтиёжини кўчайтирди. Бироқ, даврий

нашрлардаги мақолаларни илмий объектив таҳлил қилиш келажакдаги тадқиқотчилар зиммасида. Уларни қиёсий, илмий, холисона таҳлил қилишни амалга ошириш давр талабидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Адолатли жамият сари.-Тошкент: Ўзбекистон,1998.-Б.62-64. (Karimov I.A. Towards a just society. -Tashkent: Uzbekistan, 1998. -B.62-64.)
2. Давидович Е.А. Наршахи и Кубави о реформе Гитрифа, металле и курсе монет гитрифи (оценка достоверности сообщений). Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины.-Москва, 1997.-С.17-69. (Davidovich E.A. Narshahi and Kubavi on the reform of Guitriff, metal and the rate of coins of githrifi (assessment of the reliability of messages). Eastern historical source study and special historical disciplines.-Moscow, 1997. -P.17-69)
3. Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Масудбека (XIII в.). - Москва, 1972. - С.37. (Davidovich E.A. Monetary economy of Central Asia after the Mongol conquest and the reform of Masoudbek (XIII century). - Moscow, 1972. - P.37)
4. Наимов Н. Бухоро амирлигининг Санкт-Петербургдаги масжиди // Бухоро мавжлари. - Бухоро, 2008, №4. - Б.41. (Naimov N. The mosque of the Emirate of Bukhara in St. Petersburg // Wave of Bukhara. - Bukhara, 2008, №4. - P.41.)
5. Ражабов Қ. Амир Музаффархон шахсияти ёхуд Бухоронинг фожиаси // Бухоро мавжлари. Бухоро, 2007, №1. -Б42-43. (Rajabov Q. Amir Muzaffarhan's personality or the tragedy of Bukhara // The waves of Bukhara. -Bukhara, 2007, No. 1. - B.42-43)
6. Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд "Ожиз" ҳукмдор // Бухоро мавжлари. Бухоро, 2007, №2. -Б.33-36. (Rajabov Q. Amir Abdulahad Khan or "Ojiz" ruler // The waves of Bukhara. Bukhara, 2007, №2.- B.33-36.)
7. Тўраев Ҳ.Ҳ. Амир Музаффарнинг Румсултонига мактуби // "Бухоро ҳақиқати". - 1995. 16 декабрь. 2-бет. (Turaev H.Kh. A letter of Amir Muzaffar to the Sultan of Byzantium // "Bukhoro haqiqati" - 1995.16 December, 2 p.)
8. Тўраев Ҳ.Ҳ. Жаҳонгаштақўл ёзмалар // "Бухоронома". - 2001. 11 апрель. 2-бет. (Turaev H.Kh. World manuscripts // Bukharonoma. - 2001. April 11.)
9. Қурбанов Ф.Н. Бухорода пул ислоҳоти // Из истории культурного наследия Бухары.- Бухоро, 2001. №4. -Б. 78-84 (Kurbanov G.N. Monetary reform in Bukhara // From the history of the cultural heritage of Bukhara. - Bukhara, 2001. No. 4.-P. 78-84)
10. Қурбанов Ф.Н. Ўрта Осиё Араб ёзувидаги муҳрларни туркумлаш асослари / Из истории культурного наследия Бухары. - Бухоро, 2006. №10. -Б. 76-82 (Kurbanov G.N. Fundamentals of the classification of seals in Central Asian Arabic script // From the history of the cultural heritage of Bukhara. - Bukhara, 2006. No. 10.-P. 76-82)
11. Қурбанов Г.Н. Печати и оттиски печатей эмира Музаффара с (1860-1885). / Из истории культурного наследия Бухары.- Бухара, 1994. №2. -С. 72-80 (Kurbanov G.N. Seals and prints of the seals of Emir Muzaffar s (1860-1885). // From the history of the cultural heritage of Bukhara. - Bukhara, 1994. No. 2. -P.72-80)
12. Ҳайитов Ш. Бухоро амирининг Ялтадагисаройи // Бухоро мавжлари. - Бухоро. 2007. №4. -Б.34 (Khaitov S. Palace of the Bukhara Emir in Yalta // Bukhara wave. - Bukhara. 2007. No. 4-B.34).
13. Ҳайитов Ш. Амир Абдулаҳадхоннинг Россия империясида қурдирган


иншоотлари // Педагогикмаҳорат. - Бухоро. 2017.№1.-Б.152-155. (Khaitov Sh. Buildings of Amir Abdulahad Khan in the Russian Empire // Pedagogical skills. - Bukhara. 2017. No. 1.-P.152-155.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абдурасулова Дилбар Тураевна,  
Мажидов Акбар Файзуллаевич,  
Жиззах давлат педагогика институти  
Тарих ўқитиш методикаси  
кафедраси ўқитувчилари

## ЖИЗЗАХ ШАҲРИ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

*For citation: Dilbar T. Abdurasulova, Akbar F. Majidov. Formation of culture of the city of Jizak. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 62-66*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-09>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудуди илк маданият ўчоқларидан бири эканлиги, хусусан Жиззах шаҳрининг қадимги даври тарихини ўрганишда юнон-рим тарихчилари, араб ва хитой географ сайёҳларининг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** шаҳар, Уструшона, сака-тиграхаудалар, саклар, массагетлар, маданий алоқалар, тарихчилар, сайёҳлар, географ олимлар.

Абдурасулова Дилбар Тураевна,  
Мажидов Акбар Файзуллаевич,  
Джизакский государственный педагогический институт  
Преподаватели кафедры  
Методика преподавания истории

## ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ГОРОДА ДЖИЗАКА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся сведения о том, что территория Узбекистана является одним из древнейших центров культуры, в частности в работах греко-римских историков, арабских и китайских путешественников, географов служат ценнейшим источником по изучению древней истории Джизака.

**Ключевые слова:** город, Уструшана, сака-тиграхауды, саки, массагеты, культурные связи, историки, путешественники, учёные географы.

**Dilbar T. Abdurasulova,  
Akbar F. Majidov,**  
Jizzakh State Pedagogical Institute  
Teaching methodology  
Teachers of the department

## FORMATION OF CULTURE OF THE CITY OF JIZAK

### ANNOTATION

This article provide that Uzbekistan is one of the oldest centers of culture, in particular, the works of Greco-Roman historians, Arab and Chinese travelers and geographers serve invaluable source for studying the ancient history of Jizzakh.

**Key words:** city, Ustrushana, saka-tigrahauda, massagets, cultural relations, historians, travelers, geographers.

Ўзбекистон ҳудуди ҳам Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия, Юнонистон, Рим, Миср ва Хитой сингари мамлакатлар каби илк маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Лекин унинг қадимий маданияти ҳақида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Биз юртимиз гўзал гўшаларидан бири Жиззах шаҳрининг милоддан аввалги VI асрлардан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида маълум даражада ёзма маълумотларга эгамиз.

Маълумки, Жиззах жуда қадимий - ўз табиати, иқлим шароити, рельефи, ҳайвонот ва наботот дунёси билан ҳазрати инсонга аталган кўркем гўшалардан бири де йишга арзигулик воҳа. Унинг жанубий, қисман ғарбий томонини ўраб турган Туркистон ва Нурота тизма тоғлари, шимолий ҳудудидаги Арнасой - Айдар - Тузкон кўллари рельефига ҳам, табиий гўзаллигига ҳам ўзгача ҳусн бағишлаш билан бирга, кескин мўътадил иқлимни таъминлаб туради. Чўққилар қор, музликлар билан қопланган Човқар тоғ, Уструшона тизими тоғлари бағрида қалин арчазорлар ястаниб ётибди. Жазирамада ҳам Човқар тоғ бағрида минг бир рангда камалак жилолари товланиб ётади. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тоғ ёнбағирларидан арчазорлар бошланиб кетади. Тоғлар баландлаган сайин арчазор қалинлашиб бораверади.

Вилоятда 20 дан ортиқ горлар бор. Гарчи улар мутахассислар томонидан ўрганилмаган бўлса-да, биргина Пишоғор горини кузатган ҳаваскорларнинг хотирлашларича, гор ичида саҳни кенг ва узун майдон (зал), кули қизғиш ўчоқ, тош деворларга ишланган расмлар ва петроглиф ёзувлар бисёр. Бундан ташқари, узундан узун чўзилган гор сунъий тўсилиб, навбатдаги зал учун қўшимча зиналар қилингани бу жойда қадим - қадимда ибтидоий одамлар яшаганлигидан далолат беради.

Жиззах шаҳрининг қадимги ва антик даврдаги тарихини ўрганишда қадимги юнон - рим тарихчилари ва географ олимлари ҳамда араб географ сайёҳларининг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қуйида улардан айримлари ҳақида маълумотларни келтираамиз.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда асосий муаммо уларнинг ўзлари ҳақида ёзма манбалар кам қолдирганлигидадир. Кўчманчилар ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалиги ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи турли даврга оид манбалар

сайёҳ, савдогар, элчи ёки миссионерлик тарзида юртимизга кириб келган кишилар томонидан умумий тарзда ёзиб қолдирилган. Уларда фақат баъзи воқеалар ҳақида кўпроқ сиёсий воқеалар ҳақида тўхталиб, ҳўжалиги ва яшаш тарзи ҳақида умумий маълумотлар ёзилган. Бу манбаларда Ўрта Осиёнинг алоҳида бир ҳудуди ҳақида тўхталилмай, умумий маълумотлар келтирилган. Масалан, хитойлик жосус-элчиларни кўпроқ бу ўлкада яшайдиган ҳақларнинг жойлашуви, чегаралари, аҳоли сони, қуролланиши иттифоқчилари қизиқтирган. Шунинг учун кўплаб ҳужжатлар бир-бирига ўхшаш ва уларда кўпроқ географик номлар келтирилган.

"Авесто" яшлариди таъкидланган турлар, данай- турларининг Яксарт саклари эканлиги. Авестонинг муқаддас илоҳ Анахитага бағишланган қисмида дастлабки Турон подшолари қароргоҳларидан Қанғха (Қанғе) "баланд ва муқаддас" деб таърифланган сиёсий ва диний марказнинг Сирдарёнинг ўрта оқимида бўлганлиги, бу халқлардан хаому пиширувчи буюк "тур"лар-хаумоваргаларнинг ҳам шу ҳудудда яшаши эслатилади.

Эрон аҳамонийларининг Бихустун битикларида сакларнинг катта гуруҳи сака-тиграхаудаларнинг Сирдарё ўрта оқимида яшаганлиги, уларнинг иттифоқлари ҳақида маълумот берилади. Сузадаги сарой қурилиши ҳақидаги Доро I ёзувида учи ўткир кигиз қалпоқли сака-тиграхаудалар аҳамонийларга хирож олиб келаётганларнинг ўн биринчи гуруҳида, от етаклаган, қўлларида сарупо тутган ҳолда тасвирланган [1,Б.43].

Антик давр муаллифлари Ўрта Осиёнинг Сирдарё хавзасини сак қабилалари конфедерацияси ташкил топган ҳудудлардан бири дейди. Улар сакларнинг суғдлар билан кўшничилиги, суғднинг шарқий чегаралари Сирдарё бўйи даштлари билан туташ бўлиб, жанговор кўчманчиларни Яксарт дарёси суғдликлардан ажратиб туриши, бу сакларнинг Яксарт орти саклари сака-хаумаваркалар эканлигини таъкидлайди.

Дионисий ва Периеигит Суғд ортида, Яксарт бўйлаб, камонда жанг қилувчи ва дунёда ундан энг беҳато отувчи саклар яшайди деб маълумот беради. Маълумки, давлатлар ташкил топишида аҳолининг деҳқончилик воҳалари бўйлаб жойлашиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай жараёнлар милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнги чорагида Сирдарё бўйларида ҳам жадал кечмоқда эди.

Қадимги юнон тарихчиларининг асарларида Ўрта Осиёнинг чорвадор халқлари ҳақида батафсил маълумотлар учрайди. Бу халқлар тарихини ёзиш, Гомер, Эсхил, Аристей каби адиблар томонидан бошланган, лекин скиф(сак ва массагет)лар ҳақида кенг ва аниқ маълумотларни биринчи бўлиб Милоддан аввалги V асрларда яшаган юнон тарихчиси Геродот беради [2,Б.232]. Ксенофонт, Ктесий ( мил. Авв V - IV асрлар) каби тарихчилар ҳам бу қабилалар ҳақида маълумот берган. Юнонлар босқинидан кейинги рим манбаларида бу ўлкада яшовчи аҳолининг моҳир жангчилар эканлиги, улар Искандарни Сирдарёнинг нарёғига ўтишга қўймаганлиги ҳақида ёзилади.

Скифлар турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида Гиппократ (эр.ав. V-аср) Миср, Кичик Осиё, Ливия ва Скифлар мамлакатларига қилган сафар кундаликларида маълумот беради.

Квинт Курсий Руф (милодий I аср), Плутарх (милодий I аср), Арриан (милодий II аср), Помпёй Трог (милоддан аввалги I аср), Юстин (милоддан аввалги II-I асрлар) каби муаррихлар ҳам Ўрта Осиё кўчманчи қабилаларининг турмуш тарзи, урф одатлари ва машғулотлари тўғрисида маълумотлар беради [3,Б.29.]



Антик тарихчилардан Страбон(милоддан аввалги I аср) биринчи бўлиб Ўрта Осиё кўчманчи халқларини умумий битта (скиф) номи билан эмас алоҳида ҳудудий жойлашишига қараб, майда гуруҳларини ҳам санаб кўрсатади. Унинг ёзишича "Скифларнинг катта қисми Каспийдан бошлаб шарққа томон дахлар дейилади. Улардан шарқдагилар сак ва массагет дейилади"[4,Б.212-215].

Милоддан аввалги VI-IV асрларга оид манбаларда ҳудуд аҳолиси асосан чорвадор кўчманчилар эканлиги таъкидланса, кейинги манбаларда (милоддан аввалги IV-II асрлар) сакларнинг стацио нар манзилгоҳлари, оддий уйлари борлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган [5,Б.14].

Хитой йилномаларида кўчманчи сак қабилалари томонидан асос солинган Қанғ давлати ҳақида эслатилади. Унда таъкидланишича бу давлат Жанубий Қозоғистон, Тошкент воҳаси, Сирдарё бўйлари, Хоразм ва Сўғдгача бўлган ҳудудларни бирлаштирган эди.

Шунингдек, қанғарлар ҳақида, "пахса (лой) деворли уйлар ичида яшовчи,"- деб ҳам маълумот берилади. Булар ҳудудда кўчманчи чорвадорлар билан бирга деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли салмоғининг ҳам анча бўлганлигини кўрсатади.

Шунингдек, илк ўрта асрларга мансуб Хитой ва араб манбаларида ҳудудга туташ деҳқончилик вилояти бўлган Уструшона ҳақида кўплаб маълумотлар берилган.

Грек ва Рим адабиёти орқали бой ва бетакрор тарихимизнинг антик даври тасвирланган гўзал саҳифаларга дуч келамиз. Ҳатто, Ҳомер даврларидаёқ, скифларнинг номи узоқ Афинага етиб борганди. Бу ўринда Ҳомернинг скифлар ҳақидаги фикри беихтиёр эътиборимизни ўзига жалб этади. "Ҳомер ўзининг поемасида скифлар ҳақида куйлаган эди,- деб ёзади Флавий Арриан "Александрнинг юриши" асарида. - Скифлар ҳақиқатгўй одамлар бўлган. Улар Осиёда яшайди, бир оз камбағалроғу, аммо жуда ҳақиқатгўй".

Эрамиздан илгариги VIII-VI асрларда яшаган юнон шоири Ҳомернинг скифларга бундай таъриф бериши тасодикий ҳол бўлмаса керак, албатта. Бундан кўринадики, ўша даврлардаёқ Юноностон билан Ўрта Осиё ўртасида сиёсий-маданий алоқалар мавжуд бўлган. Қадимдан жаҳон кезишни энг яхши одат деб билган грек ва Рим сайёҳларн Ўрта Осиёга бир неча маротаба ташриф буюришган. Гресия, Ўрта Осиё, Хитой, Ҳиндистон мамлакатлари орасида карвон тинимсиз қатнаб турган. Эрамиздан анча илгарийёқ Ўрта ОсиёликларгаФилотун - Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Арасту (Аристотель), Буқрот (Гиппократ), Файсогурас (Пифагор) номлари яқиндан таниш эди. Бу улуғ олимларни ўрта осийликлар худди ўзларининг донишмандларидек ҳурмат билан тилга олганлар. Улар ҳақида халқимиз орасида донолик ва ақл-фаросатдан ҳикоя қилувчи хилма-хил афсоналар яратилган.

Ўтмишни ўрганмай келажакни яратиб бўлмайди. Зеро, бугуннинг кадр-ва қиммати, моҳияти ва салмоғи кечаги кун тарозиси орқалигина тўлиқ идрок этилади. Дарҳақиқат тарихдан бугунга ва келажакка хизмат қиладиган амалий хулосалар чиқарилмагунча ҳеч бир жамият илгарилаб ривожланмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сагдуллаев А.А. Ўзбекистон тарихи. -Ташкент: Университет, 1999. (SagdullaevA.A. History of Uzbekistan. -Tashkent: University, 1999).
2. Геродот. История в девяти книгах.Книга четвертая. -Москва,1985(Herodotus.

History in nine books. Fourth book. -Moskva,1985).

3. Бойназаров Ф.Ўрта Осиёнинг антик даври. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.(Boynazarov F. Antiquity of Central Asia. -Tashkent:O'qituvchi,1991).

4. Юстин. Эпитома Помпей Трога// Вестник древней истории. 1954,N2, N8(Justin. Epitome of Pompey Trog, // Herald of Ancient History. 1954, N2,N8).


5. Филанович М.И. Ташкент -Зарождения и развитие города и городской культуры. -Ташкент: Фан,1983.(Filanovich M.I. Tashkent - The Origins and Development of the City and Urban Culture. -Tashkent: Fan,1983).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жанибеков Ержан,  
ЖИДУ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАВҚЕИ

*For citation: Yerzhan Zhanibekov. The geopolitical position of Central Asia. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 67-73*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-10>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада минтақавий ташқи кучларнинг Марказий Осиёга нисбатан халқаро сиёсатининг ҳозирги даврдаги замонавий трендлари кўриб чиқилади. Шунингдек, Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги ташаббусларга жалб қилиниши ва уларнинг минтақавий ташқи кучлар билан ҳарбий, сиёсий ва энергетик ҳамкорлигининг кучайишидаги устунликлари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** Транспорт коридорлари, транспорт логистикаси, Марказий Осиё, АҚШ, Россия, Хитой, Дональд Трамп, Трамп маъмурияти, ташқи сиёсат, халқаро ривожланиш, Янги Ипак йўли, Хартленд назарияси, энергетика соҳаси, Миллий хавфсизлик стратегияси, миллий манфаатлар.

Жанибеков Ержан  
УМЭД

## ГЕОПОЛИТИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются современные тренды международной политики региональных держав по отношению к Центральной Азии на текущем этапе. Также обсуждаются вопросы вовлечения Центральной Азии в инициативах мировой политике и имеющегося преимущества для укрепления военного, политических и энергетического сотрудничества с региональными державами.

**Ключевые слова:** Транспортные коридоры, транспортная логистика, Центральная Азия, США, Россия, Китай, Дональд Трамп, Администрация Трампа, внешняя политика, международное развитие, Новый Шелковый путь, теория Хартленда, энергетический сектор, Стратегия национальной безопасности, национальные

интересы.

**Yerzhan Zhanibekov,**  
UWED, PhD student

## THE GEOPOLITICAL POSITION OF CENTRAL ASIA

### ANNOTATION

This article discusses the current trends of foreign policy of the regional powers towards Central Asia at the present stage. It also discusses new initiatives that involves Central Asia in the global space and its advantages to strengthen military-political and energy cooperation with regional powers.

**Key words:** Transport corridors, transport logistics, Central Asia, USA, Russia, China, Donald Trump, Trump Administration, foreign policy, international development, The New Silk Road, Heartland theory, energy sector, national security strategy, national interests.

The geopolitical region of Central Asia is a vast territory located in the central part of Eurasia, which has no direct access to the world's oceans. According to the generally accepted view, this region consists of the modern states of Uzbekistan, Tajikistan, Turkmenistan, Kyrgyzstan and Kazakhstan. Throughout history, Central Asia has been known as a territory connecting Europe, the Middle East, South and East Asia through the Great Silk Road, thus facilitating the exchange of both material and non-material values, in particular, experience, achievements and thoughts that inhabit their people. Geopolitics and geostrategy of Central Asia, in particular - the presence of solid oil and gas reserves, the location of transit and communication routes, the strategic and geo-economic importance of the Caspian Sea, the control of resource extraction processes and energy routes passing through the region, common cultural, historical and economic interests between the Central Asian and neighboring countries in modern conditions were the main factor in increasing competition of regional and trans-regional forces, claiming the key role in Central Asia after the collapse of the USSR. This explains the important geopolitical significance of this region in the modern world. It should be noted that in view of the entry of the above countries into the Soviet Union until 1991, most of the existing classical theories on geopolitics considered Central Asia on the basis of the Heartland Theory. According to later theories, interest in Central Asia is explained by the peculiarities of culture, civilization, its geographical and strategic position, as well as geo-economic significance.

Central Asia, a total area of 3,994,400 square meters. km, in general, occupies about 10% of the territory of the Asian continent, while representing an important geostrategic region on the world map. In terms of geographical location, Central Asia in the west borders with Europe, in the east - with Asian countries, in the north - with the Russian Federation, in the south has common borders with the countries of the Muslim world. Thus, as it was noted earlier, the Central Asian states located exclusively on land receive the opportunity to access the oceans only through transit routes. In terms of fuel and energy resources (oil and gas), the region ranks second in the world, also having solid reserves of such rare minerals as gold, copper, uranium and heavy metals. In general, a characteristic feature of Central Asia is its location at the junction of Eastern and Western cultures, as well as the development of the Turkic-Islamic culture, historical

interpretation of which was the passage of the Great Silk Road here.

Central Asia is the only point in the world that uniquely connects the four nuclear powers - Russia, China, India and Pakistan. Possessing a consumer market for over 50 million people, and being populated by various ethnic groups with numerous territorial disputes, the region in question is vulnerable and susceptible to perceived instability.

After independence, the countries of Central Asia faced two types of geopolitical changes - domestic and regional. Political, ethnic, territorial and other problems inherited from the Soviet period contributed to the emergence of serious geopolitical issues in the countries of this region. An example of this is a number of crises that have arisen based on geographical or ethnic disputable situations, and sometimes due to the impact of both the first and second factors.

The formation of a new geopolitical space in Central Asia should be viewed more because of key changes that followed the end of the Cold War period. These changes, characterized by the influence of a number of events, in turn, caused a vacuum of power in the region due to the prevailing conditions in Russia on the one hand and the provision of Central Asia as the object of struggle for dominant position between competing and pursuing their own goals and interests transregional forces.

Presumably, the most important geopolitical feature of Central Asia in the post-Soviet period, in particular after the events of September 11, is its transformation into an arena of power struggle on a regional and transregional scale. So, besides the five Central Asian countries - the Republics of Uzbekistan, Tajikistan, Kyrgyzstan, Kazakhstan and Turkmenistan, five regional (Russia, Iran, Turkey, India and Pakistan) and three transregional (US, EU and PRC) powers are fighting for the satisfaction of their interests in this region.

The United States, acting as world hegemony, pursues a number of specific interests in Central Asia, among which, above all, include access to control of its energy resources, prevention of ensuring the interests and influence of Iran, as well as preventing reanimated influence of Russia in the region. In particular, it should be noted the special interest of NATO, taking into account the ongoing operation "International Security Assistance Force" to the position of Central Asia, which directly borders Afghanistan.

Thus, in addition to the internal specifics and geographical features of the countries of Central Asia, the main cause of attention to it as one of the most important political regions of the world, at the present stage was the serious competition of regional and transregional powers in Central Asia. This explains the special attention paid to the Central Asian region in modern theories of geopolitics.

According to Halford Mackinder, who developed the Heartland theory in 1904, the central region of the Eurasian continent, not used for shipping purposes, is an important fortress on land. The states of Central Asia, which gained independence more than two decades ago, at the time of theorists' attention on Mackinder's opinion, were one of the links of the Soviet Union. By interpreting the strategic importance of this region, the followers of Mackinder were convinced that access to it could provide control over world land as a whole. For this reason, they considered the USSR "a candidate for world powers."

Another theory, known as the Border Theory or Rimland, developed in the aftermath of World War II, by Nicholas Speakman [1,78], focuses mainly on the key importance of naval forces, while emphasizing the geopolitical importance of the Central Asian region because sea and land forces.

According to Samuel Huntington's theory [2,43] of the clash of civilizations and the restoration of the world order, civilization and cultural identity, expressing the achievements of humanity, are the highest level of its classification. The confrontation of civilizations that occurs at the level of the lines of rupture will contribute to the formation of both its dominant position in world politics and the last stage of the development of conflicts of the new millennium. In the theory of Huntington, the northern, northwestern and eastern borders of the Central Asian region act as one of the lines of civilization rupture, representing Orthodox Christian groups of civilizations in the northwest, Buddhist in the east, and Confucian in the southeast. Thus, in terms of interconnection with other civilizations in the peripheral regions of the Islamic world, Central Asia is a unique region.

After the collapse of the Soviet Union, the strategic position of the Jeffrey Camp's ellipse found particular application in the world political literature, which was motivated by the actualization of geo-economic (oil and gas) problems. According to Camp, about 70% of the proven oil reserves, as well as more than 40% of the world's natural gas resources are located in an ellipse-shaped region stretching from the southern part of Russia and Kazakhstan to Saudi Arabia and the United Arab Emirates [3,37].

In fact, the "ellipse" energy strategy, including the solid oil and gas resources of the Persian Gulf, in particular, the world's largest natural gas field (South Pars and North Gunbad), accounting for 19% of the total world gas reserves, extends to the Caspian Sea, which after regions Persian Gulf and Siberia, is considered one of the most important deposits of energy resources in the world. Further, the "ellipse" includes the western borders of Central Asia, as well as the territory of three states of the region - Turkmenistan, Uzbekistan and Kazakhstan.

The significance of the above theory is explained by the fact that based on geo-economic interests, the energy resources contained in the central part of Eurasia are valuable sources of raw materials for both Eastern and Western countries. Along with this, the availability of these resources should contribute to the expansion of energy imports, the demand for which in the recent period has not only not decreased, but more than that - an increase in this demand, taking into account capital accumulation and consumption growth, inevitably led to an increase in supply.

According to supporting data, the total volume of oil reserves in Central Asia reaches 15-31 billion barrels, and the total volume of natural gas reserves is 230-360 trillion cubic meters, which is about 7.2% of world oil resources and 7% of gas resources. On the other hand, given the dynamic growth of the global economy, the demand for hydrocarbon energy sources is increasing. According to world statistics, the consumption rate of natural gas, which reached 95 billion cubic meters in 2003, will increase to 182 billion cubic meters by 2030. Due to the growing trend of economic growth in developing countries and their energy needs, the Central Asian region and its energy potential should be assessed as one of the key points of support in solving the energy issue. The intervention of the West in the processes occurring in the Caucasus and in Central Asia was the reason for the serious changes that have occurred in the strategy of these regions with direct consequences for them for Russia.

Regarding the issue of Russia's presence in the strategic arena of Central Asia and the Caucasus, it should be noted that Russian foreign policy in Central Asia is understandable in the framework of the country's efforts to maintain regional stability and prevent foreign influence on the states of the region. Russia's relations with Iran, Turkey and

China in the period after the collapse of the Soviet Union assumed the usual character. The former ideological classification, which determines the nature of relations between these countries, has disappeared. The fact that Russia no longer shared common borders with Iran and Turkey, and that its borders with China decreased, contributed to the normalization of relations; although, on the other hand, during the 90s of the last century, the countries noted above acted in a new capacity - as states competing with Russia for gaining access to dominant influence in Central Asia.

The importance of Central Asia in the political, economic and military spheres served as the basis for Russia, continuing to consider it as a zone of its influence and considering the region as a near-abroad region, trying to prevent the influence of competing powers on it. Preserving this region as a zone of influence will allow Russia, firstly, to ensure its security, secondly, to realize its political and economic interests, thirdly, with the development of energy resources and the preservation of a monopoly on them, if necessary, to use these funds as a separate lever of struggle with the Western powers. Thus, Russia, acting as a major global energy supplier and a major buyer of energy products in the region, is making efforts to maintain its position and exercise control over the influence of other countries.

Central Asia occupies a special place in Iran's foreign policy, which is explained by the historical, cultural and religious community that exists between Iran and Central Asia. The presence of the huge potential of oil and gas, high population, the ability to provide a market for Iranian goods and most importantly - the location of the Central Asian region on land, allowing the countries of the region to use Iran's space and territory as the most profitable and optimal route opened up potential for Iran to deepen and expand relationship with the region[4, 63-95].

China's attitude to Central Asia is mainly of the nature of security protection in the region, however, the main interest is, nevertheless, in gaining access to the country's energy resources. In general, compared with Russia, which is the largest regional candidate, and compared to such trans-regional candidates, such as the US and the EU, China has a number of advantages in the region. For example, the states of Central Asia view the neighborhood with China as a powerful potential for exporting their products, while on the other hand, Beijing has never been in a weak financial position. At the same time, Beijing has always been concerned with the internal policy of the countries of Central Asia with exceptional loyalty, which undoubtedly can only help to improve their relations with China, which cannot be said about European countries.

China, taking into account the growth of its economic power, has reached a stable position affecting the economic structures in the region. The presence of huge reserves of oil and gas in the Caspian region, which in the future may contribute to a noticeable reduction in the dependence of Chinese oil on the energy resources of the Middle East on the one hand, and the region's performance as a huge and untouched up-to-date large-scale market that consumes Chinese goods and the interest of the states of the region in investing Chinese companies, which are necessary for the development of industries, on the other, opens up a wide range of opportunities for Beijing, dictating its interests, consisting in a presence in Central Asia, which occupies a special place in modern foreign policy of China.

Turkey, which is also one of the forces competing in Central Asia, at the current stage, has managed to secure a strong position in the region thanks to active participation in the cultural sphere, proceeding from the relatively favorable economic condition of

the country, and most importantly due to the optimal and logical geopolitical approach that determines his foreign policy. Turkey's presence in the region was due solely to maintaining its interests, the key point in which was the position of the country with the dominant influence on the region. This state, thanks to the skillful leadership of its geopolitics, was able to successfully present its territory as a gateway to the Caucasian and Central Asian regions both for the countries of the regions themselves and for the Western powers [5,99] .

The European Union, acting as one of the main trans-regional forces, thanks to its economic base, is successfully and dynamically present in Central Asia. The position of Europe in relation to this region, coming mainly from its commercial interests, does not particularly strive to gain geopolitical position. Europe focuses on the development of democratic institutions and strengthening of stability in the region, striving ultimately to take advantage of the opportunity to gain access to new sources of energy, thus reducing its energy dependence on the countries of the Middle East and Russia. At the present stage, large European investment companies, absorbing the economic market of the region, thus, are depriving the weaker countries of countless opportunities to invest in it. The European initiative to create a corridor of communication TRACECA allows the region to open ways of communication with Europe, on the one hand, providing a path to the region for Europe - on the other, thereby influencing and supporting the geopolitical and geo-economic interests of Europe. Among the most important and successful of them are the promotion of EU programs to reduce the level of dependence of Central Asia and the Caucasus on countries with transit positions, in particular, Iran and China. On the other hand, the EU is rapidly looking for ways to destroy the Russian monopoly on energy resources in Central Asia. Central Asian oil and gas flows to the European Union through transit routes through the territory of the Russian Federation, which explains the EU's concern over excessive energy dependence on Russia.

The United States, representing the main trans-regional force in Central Asia, in search of optimal economic and geostrategic goals, seeks to control the regional processes by developing its integral strategy.

The United States, guided mainly by the fact that the 21st century will inevitably witness the struggle of states for access to energy resources, makes extensive efforts to achieve a dominant position in the control of energy resources of the Persian Gulf and the Caspian Sea. Thus, access to the oil resources of the Caspian region is a particularly important criterion in the US national security strategy, determining the vital interests of the state and contributing to the development of a multilateral strategy in the fields of politics, economics and security of its presence in the region.

The above strategy envisages the expansion of NATO [6] to the East within the framework of the Partnership for Peace program, serving as a factor complementing the Eurasian ring, as well as ensuring the dominant role of the security guarantor in the region. At the same time, this strategy allows the United States, along with exercising control over Russia, to ensure the inhibition of Iran, which practically contributes to the implementation of their key policy in the region, "Zone without Iran". Meanwhile, the most important thing is that the United States plans to expand its presence in the political, economic and security spheres in the region, thus providing the basis for the gradual achievement of the main dominant position. This plan is implemented through the creation and strengthening of regional bases and their cooperation with Western institutions such as NATO, the European Organization for Security and Cooperation



[7], the World Trade Organization [8], as well as the expansion of the military presence in the region.

### **Bibliography**

---


1. Moreo Defarge F. Introduction to Geopolitics, chp.3 "Nicholas John Speakman (1893-1943)": Concord, 1996.
2. Samuel P. Huntington, The Clash of Civilizations, Publisher Simon & Schuster, 1996, ISBN 978-0-684-84441-1
3. Aliasgar Sher'dust, "Characteristics of Central Asia in geopolitical theories and role conflict", Geopolitics: Information and analytical publication, 2013.
4. Kadiri, Mustapha Hajat; Nusrat Hamid Reza. The geopolitical goals of the regional and TRANS-regional forces in Central Asia.// Phys. "Geopolitics" (in Persian), No. 2, 1391, from Ah, CC. 63-95.
5. Roy, Oliver. The geopolitical range of Central Asia.// Zhurn. "Protective policy", No. 29-30, 1378-1379 from G. H. SS. 99-111.
6. North Atlantic Treaty Organization, <https://www.nato.int/>
7. Organization for Security and Co-operation in Europe, <https://www.osce.org/>
8. World Trade Organization, <https://www.wto.org/>

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Содикова Наргиза Абдурахмановна,  
"Novagro" МЧЖ реферант-консультант

## ЗАМОНАВИЙ ДАВРДА ФРАНЦИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

*For citation: Nargiza A. Sodikova. Comparative analysis of the current french foreign policy activity. 2019, vol. 22, issue 2, pp. 74-79*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-11>

### АННОТАЦИЯ

Замонавий даврда Франция ташқи сиёсатининг муҳим жиҳатлари ва миллий манфаатлар, халқаро хавфсизлик соҳасидаги Франциянинг тутган позицияси, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан ташқи фаолиятдаги ўзига хосликлар мазкур мақолада ўз ифодасини топади.

**Калит сўзлар:** Франция, "Оқ китоб", ташқи сиёсат, халқаро хавфсизлик, Европа Иттифоқи, миллий манфаат.

Содикова Наргиза Абдурахмановна,  
реферант консультант ООО "Новагро"

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТЕКУЩЕЙ ФРАНЦУЗСКОЙ ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье раскрываются важные аспекты французской внешней политики и национальных интересов в современную эпоху, позиция Франции в области международной безопасности и особенности международных отношений с США и Европейским союзом.

**Ключевые слова:** Франция, Белая книга, Внешняя политика, Международная безопасность, Европейский Союз, Национальный интерес.

Nargiza A.Sodikova,  
Reference Consultant of "Novagro" LLC

## COMPARATIVE ANALYSIS OF THE CURRENT FRENCH FOREIGN POLICY ACTIVITY

### ANNOTATION

Important aspects of French foreign policy and national interests in the modern time, France's position in international security and the specifics of foreign affairs with the United States and the European Union are revealed in this article.

**Key words:** France, The White Book, Foreign Policy, International Security, European Union, National Interest.

Франция ўтган асрларда бўлгани каби замонавий даврда ҳам Европанинг етакчи давлати ҳамда халқаро майдонда ўз сўзига эга бўлган давлат сифатида гавдаланади. Унинг замонавий даврдаги ташқи сиёсати асосан хавфсизлик нуқтаи назаридан, Европа Иттифоқи ва АҚШ ташқи сиёсатига ҳамоханг тарзда қурилган бўлиб, хавфсизлик бўйича муносабатлар мажмуи Франция

ва Америка учун ҳам устувор вазифа саналади. Кўпчилик давлатлар сингари Франция ташқи сиёсати ҳам қуйидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш принциплари асосида олиб борилмоқда:

1. Халқаро ҳуқуққа содиқлик;
2. БМТ Хавфсизлик Кенгаши санкциясиз куч ишлатмаслик;
3. Кўп қутбли дунё концепциясини амалга ошириш;
4. Халқаро ҳодисаларда доимий иштирок этиш, француз қарашлари ва демократик қадриятларни ёйиш [1].

Халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва легитимлаштириш, халқаро ҳуқуқ асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш, умумий таҳдидларга қарши биргаликда курашиш каби масалалар француз ташқи сиёсатида етакчи ҳисобланади.

Франция ҳозирги кунда нафақат Европада, балки дунёда қудратли давлат мақомига эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Франциянинг таъсир дастагига қуйидаги омиллар киради:

1. Халқаро ташкилотлардаги нуфуз, БМТ ХКдаги "вето" ҳуқуқи, ЙИ даги аъзолик;
2. Фарб демократиясига таалуқлилиқ;
3. Кўп ёқламаликка содиқлик;
4. Жаҳон мафкуравий лидерлигига даъвогарлик, Африкадаги собиқ колонияларнинг ҳимоячиси, гуманизм анъаналари ва цивилизациялашган миссия тарафдори;

5. Африка ва Яқин Шарқ билан тарихий алоқалар, денгиз орти ҳудуд ва департаментларга эгалик [2].

Президент Н. Саркози даврида Франция ташқи сиёсатининг концептуал асосларини ўзида мужассамлаштирган иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди - "Мудофаа ва миллий хавфсизлик бўйича оқ китоб" ҳамда "Франциянинг

2008 - 2020-йиллардаги ташқи ва Европа сиёсати бўйича оқ китоб". Мазкур ҳужжатларда кучлар жойлашуви ўз аксини топган бўлиб, Осиё 2025-йилга қадар таъсир қутбларидан бири бўлиб қолиши, шунингдек, Хитой

ва Ҳиндистон каби янги куч марказларининг вужудга келиши беқарорлик омили сифатида қайд этилади. Фарб ўзининг ҳарбий-технологик устунлигини сақлаб қолган ҳолда нисбатан пасайиши, ҳарбий ва дипломатик қийинчиликларга қарамасдан АҚШ 2025-йилга қадар қудратли давлат мақомини сақлаб қолиши ва

Европа мамлактлари учун ҳамкор давлат бўлиб хизмат қилиши прогноз қилинди.

Таҳдидларнинг ўсиш шкаласидан (мафкуравий жиҳод билан боғлиқ террористик ҳужумлар, ахборот ва ракета ҳужумлари, табиий ва техноген ҳалокатлар, уюшган жиноятчилик) келиб чиққан ҳолда, Европа ҳудудида кенг қамровли террористик ҳужумларнинг ошиши, шунингдек Европанинг стратегик манфаатлар тўқнашадиган ҳудудларида уруш бўлиши мумкин деган сценарий тахмин қилинади [3].

Бундан ташқари, Миллий хавфсизлик стратегиясида вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидларни ҳисобга олиб ҳарбий сиёсатнинг мақсадлари белгилаб олинди:

1. Аҳоли ва ҳудудни ҳимоя қилиш;
2. Европа ва халқаро хавфсизликка ҳисса қўшиш;
3. Қадриятларни ҳимоя қилиш [4].

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат ташқи сиёсатини белгилаб берадиган 5 та функция аниқлаб олинди: бошқалардан олдин воқиф бўлиш, огоҳлантириш, ядро кучлари билан тийиб туриш, аҳоли ва ҳудудни ҳимоя қилиш, аралаштириш. Америка стратегиясидан фарқли равишда қуролли кучлардан фойдаланиш дипломатик эҳтиёжга кўра қўлланилиши белгилаб ўтилди.

Француз стратегиясида АҚШ томонидан илгари сурилаётган бир қутбли дунё концепцияси, бир томонлама ҳаракат қилиш, кўнгиллилар коалициясини тузиш, халқаро ҳуқуқни поймол қилиш каби ҳаракатларга эътироз билдирилди. Парижнинг қарашига кўра, кўп қутбли дунёни яратиш, унда Европа Иттифоқи - таъсир қутби, коллектив жавобгарлик ва ҳуқуқларни ҳимоя асосида фаолият юритадиган глобалатор вазифасини бажариши керак эди [5]. Бундан ташқари яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, "Франциянинг 2008 - 2020-йиллардаги ташқи ва Европа сиёсати бўйича оқ китоб"ида ташқи сиёсатнинг 5 устувор йўналиши белгилаб олинди:

1. Франция хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш;
2. Кучли ва демократик Европани яратиш;
3. Тинчлик, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари учун ҳаракат қилиш;
4. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун мондиализмни уюштириш;
5. Француз тили ва маданиятининг иштирокини таъминлаш [6].

Глобаллашув шароитида Франция АҚШ билан ғоялар мусобақасида иштирок этиши керак, шунингдек фанкофония сиёсатини юритиши, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиши талабэтилади.

"Оқ китоб"да тарихий қадриятларни ҳисобга олиб кўп векторли ташқи сиёсат олиб бориш маъқул деб топилди. ЕИ доирасида, мустақил тарзда ҳаракат қилиб, шунингдек, АҚШнинг салоҳиятини, янги ўйинчиларни, таҳдидларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, Париж ҳарбий-сиёсий соҳада лидерлик ролини сақлаб қолишни режалаштирди. 2011 йил июль ойида "Оқ китоб"ни қайтадан кўриб чиқиш режаси маъқулланди. Унга кўра, Франция халқаро тизим эволюцияси, Осиё-Тинч Океани минтақаси ва БРИКС гуруҳи таъсирининг ўсиши, АҚШ салоҳиятининг қисқариши ва стратегик ҳукмронлик концепциясининг ўзгариши, араб дунёсининг трансформацияси каби стратегик ҳолатларни ҳисобга олишга тўғри келди.

Франция сенатининг 2011-йилда эълон қилган "2008-йилдан бошлаб стратегик шароитда қандай эволюцион жараёнлар содир бўлади?" номли ахборот ҳисоботида, ҳамда 2012-йил Мудофаа вазирлиги эълон қилган "Франция халқаро ва стратегик контекст эволюцияси шароитида" номли ҳужжатида Франциянинг ҳолатини

кучайтириш, стратегик автономияни сақлаб қолиш, атлантизмни европа векторига алмаштириш каби вазифалар муҳим деб топилди [7]. АҚШ таъсирининг нисбатан камайиши

ва Франциянинг НАТОга қайтиши Европа Альянсининг таъсирини оширди.

ЕИ ва АҚШнинг ишлаб чиқариш соҳасида рақобати қайд этилди. Франция НАТОда харажатларнинг тақсимланишига (Smart Defence), Американинг ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштиришга норозилигини баён қилди [8].

Инқирозлар аркасини кенгайтирувчи, Атлантика океанидан Ҳинд океанигача, Сомали, Осиё ва Европа материгини қамраб олган концепция таклиф қилинди [9]. Хужжатда Франция ва АҚШнинг хавфсизлик соҳасидаги мураккаб иттифоқдошлик муносабатлари ўз аксини топган. Шунингдек, қарама-қаршилиқ ва рақобат элементлари, ўзаро боғлиқлик жиҳатлари атрофлича очиб берилган.

2010 йилларнинг бошида Халқаро муносабатлар тизимида воқеалар ривожини шунчалик тезлашиб кетдики, Н.Саркози ташқи сиёсат тизгинини

ўз қўлида мужассамлаштира олмади. Бу халқаро муҳитнинг ўзгариши ва устувор вазифаларнинг алмашинуви билан боғлиқдир. 2011-йил дипломатлар концептуал асосга эга бўлмаган, ҳамда қарама-қарши жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган француз ташқи сиёсатини танқид остига олдилар. Парижнинг заифлашувида куйидагилар сабаб қилиб кўрсатилади:

1. Олдинга қўйилган мақсадларни амалга оширишда маблағнинг етарли эмаслиги - глобаллашув шароитида мураккаблашган Франция ташқи сиёсатининг анъанавий дилеммаси, янги ўйинчиларнинг кучайиши;

2. Келишилган манфаатлар билан боғлиқ катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга оширишдаги қийинчилик;

3. Франциянинг рақобатбардошлигини сақлаб қолишдаги мураккаблик;

4. Омадсиз тактика - Америкага эргашиш, бунинг ордидан про атлантик йўналишнинг кучайганлиги, европа йўналишининг кучсизланиши ва гарб дунёсидан ташқарида Франция нуфузининг пасайиши ҳолатлари кузатилди.

2007 - 2012-йилларда Франция ташқи сиёсати тадрижий тарзда ривожланмади, балки тактик ҳаракатлар узоқ муддатли манфаатлардан устун қўйилди. Анъанавий (Европа, Яқин Шарқ, Африка) ва янги (Осиё-Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси) йўналишларда қўйилган мақсадларга эришилмади. Глобал таҳдидлар олдида заифлик вужудга келди, натижада мамлакат миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш зарурати туғилди.

2012-йил Президентлик сайловларида Социалистик партиядан (le Parti socialiste) Франсуа Олланд номзоди ғалаба қозонди. Бу вақтда давлат француз манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган ҳамда Францияни қудратли давлат даражасига кўтара оладиган лидерга муҳтожлик сезмоқда эди. Ф. Олланд ташқи сиёсатда европалик ҳамкорлар билан келишиб, легитимлиликни сақлаган ҳолда адолатли Франция ва Европани қайта яратиш, мамлакатнинг асосий ўрни тўғрисидаги амбицияларини маълум қилди.

Ф. Олланд ташқи сиёсат курсининг биринчи босқичи G8 ва НАТО саммитларида ҳамда 2012-йилда бўлиб ўтган БМТ барқарор ривожланиш конференциясида намоён бўлди. Ф. Олланд мондиализм ғоясини қўллаб-қувватлаб, шу билан бирга муносабатларнинг но ҳарбий томонларига катта эътибор берди. Ж. Ширак курсига яқин сиёсат олиб борган Ф. Олланд БМТ Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш, халқаро ҳуқуққа риоя қилиш, давлатлар ўртасида дўстона муносабат, кўп

томонламалик тамойили каби ғояларни ўзида бирлаштирган демократик дунё тартиботини ёқлаб чиқди. Бир томонлама ҳаракат қилишни қаттиқ танқид остига олди [10]. Янгиланган қарашлар ривожланаётган давлатларнинг халқаро тизимга интеграциялашувида Парижнинг жавобгарлигини оширди. Гуманистик анъаналар доирасида Франция ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида кўприк ва тамаддунлар мулоқотида воситачи ролини ўйнаши керак эди.

Ф. Олланд ташқи сиёсат курсининг иккинчи босқичи 2012-йил январь ойида Малидаги террористларга қарши кураш операцияси билан боғлиқ. Франциянинг НАТОга қайтишининг оқибатлари тўғрисидаги Й. Ведрин ҳисоботи, трансатлантик муносабатлар ва Европа мудофааси истиқболлари (2012-йил), Янги "Оқ китоб" (2013-йил) Н. Саркози фаолиятига хулоса бериш зарурлигини кўрсатди.

Миллий хавфсизлик ва мудофаа бўйича "Оқ китоб" миллий манфаатлар, суверенитет, ҳудуд ва аҳолини ҳимоя қилишнинг узоқ муддатли стратегияларини ўзида мужассамлаштирди [11]. Париж халқаро хавфсизликни таъминлашда етакчи актор вазифасини бажаришга ҳаракат қилди. Яқин Шарқ сиёсати ва АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақасига алоҳида эътибори қайтадан кўриб чиқилди. Ҳарбий саноат базаларини мустаҳкамлаш (яқин

10 йилда ҳарбий харажатларни 364 млрд. долларга етказиш), қуроли кучларни модернизация қилиш (66 мингодам), мустақил ёки БМТ, НАТО, ЕИ доирасида операциялар ўтказиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби устувор мақсадлар белгилаб олинди [12].

Умуман олганда, ХХI аср Франция ташқи сиёсати кўп қутбли дунёда глобал жавобгарликни ўз зиммасига оладиган европа давлати сифатида намоён бўлади. Геосиёсий вазиятнинг ўзгариши, кўп томонлама дипломатия имкониятларидан унумли фойдаланиш жиҳатлари ҳисобга олинди. АҚШнинг қудратли давлат сифатидаги доминионлиги Франция ҳарбий доктринасидаги айрим бандларга зид эди. АҚШ ва бошқа қудратли давлатлар билан муносабатлар халқаро хавфсизликни таъминлаш борасида Франциянинг ролини анча оширди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. www.geopolitics.net. Chirac J. Speech before the UN General Assembly. - Le Monde, September 24, 2003.
2. Акимов Ю.Г., Костюк Р.В., Чернов И.В. Франция в мировом порядке начала ХХI века: Учебное пособие. -СПб.: Издательство: С.-Петербург., 2007. - С. 65.
3. Выступление президента Французской Республики, г-на Н. Саркози, на закрытии симпозиума "Франция, европейская безопасность и НАТО в ХХI веке". - Париж, 10 марта 2009. - Посольство Франции в России. URL: [http://www.ambafrance-ru.org/france\\_russie/spip.php?article7339](http://www.ambafrance-ru.org/france_russie/spip.php?article7339)
4. Саркози Н. Мое мнение. Франция, Европа и мир в ХХI веке. - Пер. с франц. на англ. А. Смирновой и А. Глебовской. - СПб.: "Александрия" - "Симпозиум", 2009. С. 284.
5. Запад: новые измерения. Национальная и международная безопасность. - Монография. НН.: Изд -во ННГУ, 2012. - С. 22 - 23.
6. Ширяев Б.А. Внешняя политика США: принципы, механизмы, методы. - Курс лекций. 2-е изд. - СПб: Изд-во С.-Петербург., 2007. - С. 442.


7. Богатуров А.Д., Аверкин В.В. История международных отношений: 1945 - 2008. - Учебное пособие для студентов вузов. - М.: Аспект Пресс, 2012. - С. 386 - 387.
8. Уткин А.И. Новый мировой порядок. - М.: Алгоритм, Эксмо, 2006. - С. 544.
9. Акимов Ю.Г., Костюк Р.В., Чернов И.В. Франция в мировом порядке начала XXI века. - Учебное пособие. - СПб.: Издательство С.-Петербур., 2007. - С. 65.
10. France - UnitedStates. Cooperation that counts. - Embassy of France in the U.S., January 2, 2009. - URL: <http://www.ambafrance-us.org/spip.php?article1011>
11. Mutual Legal Assistance Treaty between the United States of America and France. - Signed at Paris. December 10, 2010. - The U.S. Department of State, Treaties and Other International Acts Series 13010. - URL: <http://www.state.gov/documents/organization/121413.pdf>
12. President of the French Republic. The French White Paper on Defence and National Security, 2008. - Overview. - Available at [http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre\\_blanc\\_Press\\_kit\\_english\\_version.pdf](http://www.ambafrance-ca.org/IMG/pdf/Livre_blanc_Press_kit_english_version.pdf).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шералиев Нурали Шерали ўғли,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
"Лойиҳалар бошқаруви, инновация ва маркетинг"  
бўлими етакчи мутахассиси

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (Ўзбекистон мисолида)

*For citation: Nurali Sh.Sheraliev. Value of transport corridors in the development of the country (on the example of Uzbekistan).2019, vol. 22, issue 2, pp. 80-86*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-22-12>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Марказий Осиё давлатлари учун энг долзарб масаларлардан бири ҳисобланган транспорт соҳаси, логистика инфратузилмаси муаммолари ва ечимларига бағишланган. Бугунги кунга келиб минтақа давлатлари олдида ушбу соҳада комплекс вазифалар мавжуд бўлиб, уларни ўзаро ҳамкорликни фаоллаштирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Сўнгги йилларда ушбу соҳага оид кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий қонунчилик базасида ушбу соҳага оид кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, унинг амалда кенг жорий этилиши натижасида мамлакат ҳудудида логистик марказлар, транспорт инфратузидмаси яхшиланмоқда. Минтақада янги транспорт коридорлари пайдо бўлиб, мамлакатлар орасидаги сиёсий, иқтисодий ва маъданий ҳамкорликларнинг ривожланишига катта ёрдамлар бермоқда.

**Калит сўзлар:** транспорт коридорлари, логистика, Марказий Осиё минтақаси, "Буюк Ипак Йўли", "Бир макон бир йўл" интеграция.

Шералиев Нурали Шерали ўғли,  
ведущий специалист департамента управления  
проектами, инноваций и маркетинга  
университета мировой экономики и дипломатии

## ЗНАЧЕНИЕ ТРАНСПОРТНЫХ КОРИДОР В РАЗВИТИИ



## СТРАНЫ (На примере Узбекистана)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы и решения в сфере транспорта, логистической инфраструктуры, которая является одной из наиболее актуальных проблем для стран Центральной Азии. На сегодняшний день страны региона имеют сложные задачи в этой области, которые невозможно решить без активизации сотрудничества.

В последние годы в этой области была проведена большая практическая работа. В частности, нормативно-правовая база в Республике Узбекистан приняла множество нормативных документов в этой области и в результате ее широкого внедрения в стране совершенствуются логистические центры и транспортная инфраструктура. В регионе появляются новые транспортные коридоры, способствующие развитию политического, экономического и культурного сотрудничества между странами.

**Ключевые слова:** транспортные коридоры, логистика, регион Центральной Азии, "Великий Шелковый Путь", интеграция "Один пояс один путь".

**Nurali Sh.Sheraliev,**  
Leading Specialist, Project Management,  
Innovation and Marketing University  
of World Economy and Diplomacy

## VALUE OF TRANSPORT CORRIDORS IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY (On the example of Uzbekistan)

### ANNOTATION

This article deals with the issues and solutions in transportation, logistics infrastructure, which is one of the most pressing issues for Central Asian countries. To date, the countries of the region have complex tasks in this area, which cannot be achieved without enhancing cooperation.

In recent years, a lot of practical work has been carried out in this area. In particular, the legal framework in the Republic of Uzbekistan has adopted many normative documents in this area, because of its widespread introduction, the logistics centers and transport infrastructure in the country are improving. New transport corridors are emerging in the region, helping to develop political, economic and cultural cooperation among the countries.

**Key words:** transport corridors, logistics, Central Asian region, "Great Silk Road", "One belt one road" integration.

Хар қандай давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан транспорт коммуникациялари ривожланганлик даражасига боғлиқ. Буюк Ипак йўли марказида, Шарқ ва Ғарб давлатларини боғловчи халқаро қарвон йўллари кесишган йўлда жойлашган Марказий Осиё минтақаси жумладан, Ўзбекистоннинг мазкур минтақадаги қулай жойлашуви давлатнинг логистик инфратузилмаларининг ривожига турки бўлмоқда. Ҳар бир

давлат халқаро муносабатлар субъекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларидан шакллантирилган манфаатларини амалга ошириш учун минтақавий ва халқаро даражада ўз фаолиятини олиб боради. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати айнан шундай мақсадларни амалга ошириш учун муайян ишлаб чиқилган ривожланиш концепсиянинг амалдаги тасдиғи ўлароқ ўз ичига бир неча соҳаларни қамраб олади. Мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган стратегик соҳалардан бири унинг транспорт коммуникация инфратузилмасининг ривожланганлиги ва мазкур мамлакатнинг глобал транспорт тармоғидаги иштирок даражаси ҳисобланади.

Бу борада Марказий Осиё мамлакатлари бир қатор хусусиятларга эгадир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган асосий транспорт коридорлари қадимдан Европа ва Осиёни боғловчи асосий бўғин бўлиб хизмат қилган қадимий савдо йўллариининг кесишган жойларида жойлашган... Жаҳон тажрибаси бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакат ташқи иқтисодий операцияларда анча ютқазиб қўйишини кўрсатмоқда [1].

Минтақа давлатларининг транспорт сиёсатлари рақобатининг натижаси ҳисобланган муқобил транспорт коридорлари шаклланишинининг айрим жиҳатларини сиёсий реализм назарияси вакиллари ўз қарашлари орқали кўплаб талқинланларда изохлашади. Ушбу назария тарафдорлари Фукидид, Н.Макиавелли, Т.Гоббс, К.Фон Клаузевисларнинг фикрига кўра, давлат- бир-биридан миллий чегаралар билан ажралган ва ўзларининг вакиллик ҳукуматига ега бўлган фуқаролар жамоасининг шартномаси натижасида вужудга келган сиёсий бирликдир. Давлат миллий манфаатларига доимий таҳдидлар мавжудлиги туфайли хавфсизликни таъминлаш мақсадида дипломатия ва стратегиядан фойдаланади [3, С.21-22].

Назарияда давлатлар манфаатлари ҳақида фикр юритилиб, қанчалик қудратли давлат бўлса, шунчалик манфаатлар кўлами кенгайиши таъкидланади. Шу билан бирга, давлатлар ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат қудратини оширишга ҳаракат қилса, ўз навбатида, бошқа давлат хавфсизлигини заифлаштиради деган таълимотлар берилади. Яъни, бир давлат ўзига қулай иқтисодий шароит яратиш мақсадида янги транспорт коридорини ташкил етиши натижасида бошқа давлат ҳудудидан ўтувчи транспорт коридорининг аҳамияти ва фойдалилик даражасини пасайтириб юборади.

Ҳозирда, Марказий Осиё муаммолари билан шуғулланувчи АҚШлик олим Ф.Старр ўзининг илмий мақолаларида Марказий Осиё транспорт тизимининг ҳолатига алоҳида тўхталиб, янги транспорт коридорларини барпо етиш бўйича бир қатор ғояларни илгари сурган. Ўз навбатида, олим ўз изланишларида минтақа давлатларининг транспорт ҳолатини ўрганиш мақсадида асосий ургуни Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудидан ўтувчи трансфғон коридорини ривожлантиришга қаратади [2]. Ушбу коридор Ф.Старр томонидан илгари сурилаётган "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклаш ғоялари асосида ташкил етилган. Трансфғон транспорт йўлагининг хавфсизлик томонларини таъминланиши бу йердан ўтувчи ушбу коридор нафақат Марказий Осиё мамлакатларининг балки Жанубий Осиёда жойлашган давлатлар иқтисодиётига катта мувафаққиятларга замин яратади.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ўзининг стратегик географик

жойлашуви, ғарб ва шарқни боғловчи қуруқлик транспорт йўли (масалан, тарихий "Буюк ипак йўли")нинг чорраҳасида еканлиги, савдо-сотик учун қулай транспорт тармоғининг мавжудлиги билан йиллар давомида етакчи давлатларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда минтақа давлатларининг денгизга тўғридан-тўғри чиқа олмасликлари натижасида экспорт-импорт операцияларида қўшимча транспорт харажатлари юзага келмоқда. Мазкур харажатларни камайтириш мақсадида минтақа давлатлари ўзларининг транспорт стратегияларини қабул қилган ҳолда, жаҳон бозорларига чиқиш учун қулай ва муқобил ҳисобланган транспорт коридорларини шакллантирмоқда. Хусусан, Хитой ҳукумати томонидан илгари сурилаётган "бир камар бир йўл" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон ушбу лойиҳага ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қўллаб қувватлаши, бу лойиҳага ушбу давлатнинг умидлари катта еканлигидан далолат беради. Бу лойиҳани қўллаб қувватланишининг яна бир сабаби

2017-2021 йилларгача елон қилинган "Ҳаракатлар стратегияси" да ҳам ўз ифодасини топган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги фаразларни келтириш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистонни айланиб ўтувчи транспорт коридорларини яратиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг жадаллашувига қарамай, иштирокчи давлатларнинг манфаатларидаги номутаносибликлар ҳамда молиявий муаммоларнинг мавжудлиги уларни тўлиқ амалга ошишига имкон бермаяпти.

Ҳар бир лойиҳага катта маблағлар сарф етилади, агар бу минтақавий ва глобал масштабда бўлса катта инвестицияларни жалб етади. Жаҳон молиявий инқирози давом етаётган ҳозирги йилларда бундай минтақавий лойиҳаларга Марказий Осиё давлатларининг барча давлатларининг иқтисодиёти тўлиқ қоплаб бера олмайди.

Иккинчидан, Ғарбий ва шимолий йўналишдаги муқобил транспорт коридорлари Ўзбекистон иқтисодий манфаатларига хавф сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, миллий манфаатлар жиҳатидан транспорт коридорларини яратиш давлатнинг транспорт стратегиясини ишлаб чиқишда акс еттирилади.

Мазкур жараён нафақат экспорт импорт операцияларида нархнинг ортишига, балки, давлатларнинг ўзаросавдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга, чет ел инвестицияларини жалб етишга, Ўзбекистондаги йирик стратегик лойиҳаларни амалга оширишга, транспорт коммуникацияларни такомиллаштишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бунга яққол мисол қилиб, 2006 йил 16 мартда қабул қилинган Америка Кўшма Штатлари (АҚШ) миллий стратегияси янги асрда очиқ бозор ва эркин савдо орқали глобал иқтисодий ўсиш ҳақида сўз боради. Бунда асосий ташаббус бутун дунё давлатлари ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда эркин бозорларни шакллантириш еканлиги таъкидланади. Шунингдек, жаҳоннинг барча минтақаларида бозорлар яратиш, энергетик ҳамда табиий ресурслардан биргаликда фойдаланиш назарда тутилган. Бу ўз навбатида муқобил транспорт коридорларини яратилишини тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, америкалик таниқли геосиёсатчи Ф.Старр томонидан АҚШ манфаатларидан келиб чиқиб илгари сурилган "Катта Марказий Осиё учун ҳамкорлик" концепсиясида ҳам эркин минтақавий бозорни ташкил етиш ҳамда транспорт коридорларини яратиш ташаббуси акс еттирилади. Собиқ АҚШ давлат котибаси Хиллари Клинтон томонидан Сингапур институтидаги илмий конференсияда эълон қилинган "Янги ипак йўли" стратегияси

АҚШнинг Афғонистондаги узоқ муддатли стратегиясининг асоси бўлиб хизмат қилиши кераклиги алоҳида таъкидланган бўлиб, бу стратегия қадимда мавжуд бўлган "Буюк ипак йўли"ни тиклашга қаратилган бўлиб, Россиянинг транспорт коридорларига алтернатив сифатида қабул қилинди. Шу билан бирга, мазкур стратегия асосидаги транспорт лойиҳалари Афғонистонни Марказий Осиё давлатлари ва жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлаш вазифасини ўташи режалаштирилган.

Минтақа транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларнинг барчаси Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш ва уни самарали ишлатишга қаратилган. Минтақадаги нефт ва газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши, жаҳон энергетик талабининг ортиши автомобил йўллари тизимини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар жадаллашишига олиб келади [7].

Айниқса, Транспорт соҳасида Президентимиз ташаббуслари билан 2017 йил ноябр ойида Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро форумнинг бўлиб ўтганлиги Марказий Осиёнинг нақадар улкан салоҳиятга ега эканлигидан далолат беради [8]. Бунда, минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш кераклиги ниҳоятда муҳимдир.

Бугунги кунда Марказий орқали ўтадиган транспорт йўлакларидан бошқа минтақа мамлакатлари ҳам қизиқиш билдириб келишмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари. Бундай стратегик лойиҳалар орқали ушбу минтақа Европа ва Осиёни бирлаштириш йўналиши бўйича транспорт коридорлари лойиҳаларини амалга ошириш орқали бир қатор мақсадларни илгари сурган:

- Минтақа мамлакатларининг жаҳон ва Европа бозорларига эркин ва муқобил транспорт коридорлари орқали чиқишини ҳамда давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;
- Иштирокчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
- Лойиҳаларни амалга оширишга хусусий инвесторлар ҳамда халқаро молия институтларини жалб қилиш;
- ТРАСЕКА ва Транс-Европа йўналишларидаги транспорт коридорларини боғлаш.

Бугунги кунда минтақа давлатлари мазкур йўналишлар бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қила бошлади. Ўзбекистон транспорт хавфсизлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон орқали ўтмайдиган минтақадаги ҳар қандай транспорт коридорини ташкил этилиши бевосита таҳдид сифатида кўрилишини таъкидлаш мумкин. Айниқса, улар минтақадаги ривожланган давлатлар ўртасида ўтказиладиган бўлса, бу Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятига сезиларли тарзда салбий таъсир қилади. Ўз навбатида, транспорт коридорларининг шаклланиши ва ривожланишини кузатиб бориш ҳамда доимий таҳлил қилиб бориш транспорт соҳасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қадимдан ғарб ва шарқ, шунингдек, шимол ва жануб мамлакатлари ўртасидаги савдо йўллари туташтирувчи чорраҳада жойлашган Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий географик-жиҳатдан жойлашуви Евроосиёнинг иқтисодий, илмий ва маданий кўприги саналган "Буюк Ипак йўли"ни қайта

тиклашда катта имкониятларни очиб беради.

Ўз навбатида, минтақа давлатлари бугунги кунда мазкур имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистонни айланиб ўтувчи транспорт коридорларини шакллантирмоқда. Айтиш жоизки, сўнги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан Марказий Осиё давлатларидан фарқли равишда халқаро аҳамиятдаги транспорт коридорларини диверсификациялаш масаласида гоёлар (лойиҳалар) илгари сурилмаётган еди, лекин ҳозирда бундай лойиҳаларнинг янада жонланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу ҳолат халқаро доирада Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги инвестицион жозибadorлигини оширди. Умуман олганда минтақа давлатларининг транспорт стратегияларида, асосан, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, муқобил коридорларни яратишга қаратилган сиёсати ва ўз навбатида, инвестицияларни қайта тақсимланиши ҳамда транспорт жиҳатидан мустақил бўлишга бўлган интилиш натижасида Ўзбекистон орқали ўтувчи анъанавий коридорларнинг транзит имкониятини пасайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонни айланиб ўтувчи транзит коридорларидан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодий манфаатларига мос келади. Жумладан, "Фарбий Европа- Фарбий Хитой" автомагистралидан Ўзбекистон ҳам Чимкент орқали боғланиб, Европа ва Хитойга Автотранспорт ташувларини мазкур коридор орқали амалга оширади. Бунда Жанубий ва Жануби-Фарбий Осиёда жойлашган давлатларга Ўзбекистон транзит давлат вазифасини ўташини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагилар таклиф қилинади:

- темирўл станцияларида текшириш вақтларини қисқартириш орқали, транзит юкларни Ўзбекистон ҳудудидан қисқа вақт ичида ўтказишни таъминлаш;
- транспорт соҳасида хизмат кўрсатувчи хусусий транспорт корхоналарининг хизмат турларини кенгайтириш. Яъни, мавжуд омборларда товарларга дастлабки ишлов беришни (ўраш, жамлаш, тозалаш, маркировка ва ҳк.) ташкиллаштириш орқали улар қарамоғидаги автотранспорт воситаларини кўпайтириш.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий транспорт тармоғига фаол интеграцияси бир қатор қўшимча имкониятлар баробарида айрим хавфсизлик масалаларини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- маҳсулот турини радиоактивлик даражасини аниқлашга хизмат қилувчи махсус пейджерлар билан барча божхона постларини таъминлаш. Мавжуд пейджерлар эскирган бўлиб, уларнинг аниқлик даражаси замон талабларига мос емас;
- темирўл станцияларида текшириш вақтларини қисқартириш орқали, транзит юкларни Ўзбекистон ҳудудидан қисқа вақт ичида ўтказишни таъминлаш;
- транспорт соҳасида хизмат кўрсатувчи хусусий транспорт корхоналарининг хизмат турларини кенгайтириш. Яъни, мавжуд омборларда товарларга дастлабки ишлов беришни (ўраш, жамлаш, тозалаш, маркировка ва ҳк.) ташкиллаштириш орқали улар қарамоғидаги автотранспорт воситаларини кўпайтириш;
- иш самарадорлигини ошириш учун божхона кўриги ёки вақтини қисқартириш мақсадида божхона постларини энг сўнги русумдагитехник воситалари билан таъминлаш лозим. Жумладан, катта тарози ва замонавий сканер апаратларини ҳар бир божхона постларига келтириш;
- Қирғизистон Республикаси ҳудудида "Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон" темир

йўлининг ишга туширилишига тўлиқ кўмаклашиш, шунингдек, ушбу йўналиш билан бирга муносабатларни юқори босқичларга олиб чиқиш учун мамлакатда ички транспорт инфратузилмаси ишларини жадаллаштириш.

- ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори технологияли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт сиёсати доирасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, шунингдек, замонавий импорт қилинадиган ускуналар, технологиялар, компонентлар янги турларини саноатда жорий ериш орқали экспорт-импорт қилиш механизмларини такомиллаштириш;

- "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва алоқаларни йўлга қўйиш учун зарурий ички иқтисодий инфратузилмани шакллантириш ва ушбу лойиҳада мамлакатнинг самарали иштирокини таъминлаш;

- экспортни рағбатлантириш учун инфратузилмани яратиш, шу жумладан хорижий компанияларнинг савдо офисларини очиш тартибини соддалаштириш, муқобил маршрутларни янада ривожлантириш ва жаҳон бозорларига чиқиш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда транспорт коридорлари ва транзит соҳаларини янада такомиллаштириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 1998 йил 10 сентябрь.

2. Ф. Старр Восстановление транспортной сети Центральной Азии// Узбекистан и Центральной Азия, 2007, №10.

3. Цыганкова П.А.Международные отношения: теории, конфликты, организации. - М.: МГУ, 2004. - С. 21-22.

4. Хиллари Клинтон: концепция "Нового Шелкового пути" - элемент долгосрочной стратегии США. <https://regnum.ru/news/1597322.html>

5. Дергачев В."Геополитическая трансформация международных транспортных коридоров". - Вестниканалитики, 2006, №3

6. Международные транспортные коридоры<https://studme.org/1963051123394/logistika/>

7. Расулов М.Х., к.т.н., доцент, Ибрагимов У.Н., к.т.н., доцент, "Центрально Азиатские транспортные коридоры и перспективы дальнейшей интеграции Узбекистана в международные перевозки" pdf. Ташкент. 2015

8. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференциядаги нутқи хорижий ОАВ нигоҳида. <http://mfa.uz/ru/https://mfa.uz/ru/press/smi/2017/11/13114/?print=Y>



**Tadqiqot UZ**

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

**№22 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000